ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1990 ЙИЛ

7 ДЕКАБРЬ
№ 48 (3101)
ЖУМА

БИБЛИОТЕКА Института ист. партии при ЦК КП Узб. 19

ЯНГИЛАНИШ ДАСТУРИ

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичи ўз ишини бошлайди.

Делегатлар жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳоли турмуш шароитларини муносиб равишда яхшилаш масалалари, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўллари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларига доир партия Марказий Комитети Ҳаракат дастурини муҳокама қиладилар.

Съездда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави лойиҳаси ҳам кўриб чиқилади.

Одил ЁҚУБОВ:

ЖАМИЯТ ТАШВИШЛАРИ—МАДАНИЯТ ТАШВИШЛАРИ

Маълумки, 28 ноябрь куни СССР Президенти М. С. Горбачев мамлакатимизнинг таниқли маданият арбоблари билан учрашди. Мулоқотда СССР маданият нозири Н. Н. Губенко, қардош халқлар адабиёти ва санъатининг йирик вакиллари П. Л. Проскурин, А. В. Баталов, В. К. Пяткявичюс, О. Х. Абдуллин, Е. А. Евтушенко, П. Булбул ўғли ва бошқалар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, СССР халқ депутати Одил ЁҚУБОВ ҳам учрашувда иштирок этиб, халқимиз дарди, ватандошларимизни ташвишлантириб келаётган муаммолар ҳақида сўзлади.

Учрашув ҳақида батафсил ҳисобот «Известия» газетасининг шу йил 2 декабрь сонида эълон қилинган. Биз қуйида Одил Ёқубовнинг учрашувда сўзлаган нутқини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

— Кейинги йилларда йўл қўйилган хатоларимиз ҳақида шу қадар ошириб-тошириб гапирдикки, менинг назаримда, бу энди буткул тескари ҳаракатларни юзага келтира бошлади. Одамлар яхши гапни, мамлакатимиз ҳаётидаги хайрли ишлар ҳақидаги хушхабарларни қўмсай бошладилар. Зеро, қадимда Шарқ донишмандлари: яхши сўз билан илон инига қайтади, ёмон сўз билан қилич қинидан чиқади, деганлар. Модомики, қайта қуриш давом этаётган экан бугун ошкора айтилаётган нуқсонларга, қинғайишларга, менингча, Иттифоқ ташкил этилган пайтлардаёқ йўл қўйилганини очиқ айтмаслик мумкин эмас.

Гап шундаки, шафқатсиз ҳокимлик қамчиси остида йўлга солинган бизнинг қардошлигимиз пойдевори ташланган пайтдаёқ мислсиз инсоний ноҳақликка йўл қўйилган эди. Барча халқлар тенг ва қон-қардош, деган шиор остида бир аравага ҳам пишқирган димоғдор отни, ҳам қўриб-қалтираб қолган чўбирни қўшишгани энди ҳеч кимга сир эмас. Мен бу ўринда аввало ўз халқимни назарда тутиб гапираяпман. Бу бедармон чўбир ҳам бир замонлар тулпор эди, унинг учқур қанотлари бор эди. Бироқ бу қанотларни дастлаб ўзидан чиққан ўзбошимча ҳокимларнинг тахт талашиб қилган қонли урушлари синдирган бўлса, қолганини жоҳилликда улардан қолишмайдиган золим чор генераллари адойи тамом қилди.

Халқларнинг ҳақиқий тенглиги ва қон-қардошлигини тиклаш учун уларга миллий ўзига хосликларини англашлари, қадимий маданиятларини тараққий эттиришларига кўмаклашиш зарур эди, холос. Бироқ бунинг акси бўлди, тарихимизнинг муайян даврида, аввало, турғунлик ва сталинчилик йиллари бу жараён бўғиб қўйилди, барча халқлар қўшилиб, уларнинг маданияти ва тили бир-бирига сингиб кетиши ҳақидаги сохта шиорлар бизни ўсишдан тўхтатди. Ўрта Осиё халқлари, айниқса, бизнинг ўзбек халқи маданияти ривожи ва ўзлигини англаш жараёни яна бир — мамлакатнинг пахта мустақиллиги шиори билан тушовлаб ташланди. Бу шиор халқнинг елкасига шундай оғир юк бўлиб тушдики, одамларнинг маънавий юксалиши, ўзларининг тарихдаги ўринларини англашлари учун бирор-бир дақиқа бўш вақти қолмади. Бу шиор бутун бир халқни бўлмаса-да, унинг энг эзгу, меҳнаткаш қисми — деҳқонларни пахта яккаҳокимлиги жаҳаннамига ташлади. Халқнинг қадим-қадим замонлардан бери оқиб турган икки буюк дарёсини бизнинг замонга келиб сўнгги томчисигача пахта ютиб қўйди, оқибатда бутун бир минтақа ўзининг яккаю ягона табиий посбони — Оролдан айрилиб қолди. Боз устига мамлакатга кўз кўриб қулоқ эшитмаган, нархи ҳануз ўта сир сақлаб келинаётган бойликларни етказиб бераётган халқ яқингинада қаттиқ ҳақоратланди, хўрланди, мазахга учрадики, бу ниҳоятда аламлидир. Бир ҳовуч порахўрлар гуноҳи бутун халқ устига ағдарилди, айрим ҳурматли маданият арбоблари қарийб бутун бир халқни порахўрлик ва хазинахўрлик касалига чалинган, деган гапларни ёзишгача бориб етдилар. Ахир, азиз дўстлар, шундай ҳаракатлар бизнинг биродарлигимизга, биз қайғуриб гапираётган қон-қардошликка хизмат қиладими? Мен бу даврада гапирган озарбойжон дўстимнинг сўзларини қўллаб-қувватлайман, дарҳақиқат, Марказий телевидениеда ҳар бир жумҳуриятдан ўз шаҳрловчисини тайинлаб, программага ҳеч бўлмаганда ярим соатлик кўрсатувини киритиш керак, Михаил Сергеевич, бу жуда зарур, чунки шундай қилинганда ҳар бир жумҳуриятдаги энг жиддий ҳодисалар ҳақида холис ахборот бериш мумкин.

Энди миллий тўқнашувлар ҳақида. Ўш вилоятида юз берган фожиани эслашнинг ўзи даҳшат. Ахир ,у ерда юз берган фалокатда ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган неча юзлаб одамлар қурбон бўлишдию мамлакат раҳбарлари эса бошига кулфат тушган ҳар икки халққа ҳамдардлик билдиришни ўзларига эп кўрмадилар.

Мана шулар ҳақида изтироб чекиб, алам билан гапирар кансан, беихтиёр хаёлдан шундай ўйлар кечади, халқларимиз тенглиги ва биродарлиги ҳақидаги сунъий шиорларни, дейлик, ўша турғунлик даврию шахсга сиғиниш кулфатларини, тантанавор байрамлару дабдабали зиёфатларни ҳақли равишда танқид қилиш билан бирга биз кўплаб ажойиб анъаналаримизни, ўзаро адабий ҳамкорликларни, бир-биримизнинг турмушимиз, яшаш шароитимиз билан яқиндан танишиш, қайғуларимизга ҳам, қувончларимизга ҳам шерик бўлишдек эзгу удумларимизни унутиб қўймадикми, ахир, қанча инсоний муомала-муносабатлар қарор топган эди. Менингча, янги иттифоқ шартномаси тузилаётганда буларнинг барчаси ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз лозим.

ПАХТА БОЗОРИ

ЖУМҲУРИЯТЛАРАРО УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИДА

Ўзбек деҳқони бу кунни неча йиллар орзиқиб кутди. Ўз пахтамизни ўзимиз сотайлик, деган илтимосу талаблар марказий маҳкамалар томонидан рад этиб келинарди. Қайтага, бундай талаблар деҳқонни баттар асоратга солувчи хийла-найранглару боқиманда деган тавқи лаънат бўлиб қайтарди. Ниҳоят, кўкда офтоб бор экан, жумҳуриятимиз раҳбари ўзининг ўнлаб ўтмишдошлари орасида биринчи бўлиб деҳқон халқини ҳимоя этиб чиқди. Пахтамиз чиндан ҳам зарур бўлса, марҳамат, уни биз билан савдолашиб олинг, арзон-гаровга энди бермаймиз! — деди.

Шу қатъий қарорнинг шарофати боис Ўзбекистон пойтахтида биринчи бор пахта маҳсулотларини сотиш бўйича жумҳуриятлараро улгуржи савдо ярмаркаси ўтмоқда. Унинг бош қароргоҳи Ўзбекистон шоҳкўчасидаги Ширкатчилар уйида жойлашган. Болтиқбўйидан келган Ионас Сурвиланинг эътироф этишича, Тошкент ярмаркаси аввалари Москвада ўтадиган бундай тадбирларга қараганда қатор устунликларга эга.

— Энг муҳими, бу ерда тўла эркинлик бор. Худди халқаро бозорлардагидай, — дейди у. — Иш ва маиший шароитларни кўриб, кўзингиз яшнайди. Улар юксак савияда ташкил этилган.

Дарҳақиқат, пахтамизга харидор бўлиб келганлар иззат-икромда. Ойнаванд жавонларга пахта толасининг барча навлари, типлар ва сортлари бўйича намойишга қўйилган. Унинг ёнидаги зарварақларда толанинг пишиқлиги, узунлиги ва яна ўнлаб сифат кўрсаткичлари баён этилган. Марҳамат, эҳтиёжингиз ва имконингизга яраша, чўнтагингиз кўтарганига қараб харид қилаверинг. Бозорми, бозор!

Марказий залда ҳар бир жумҳурият учун суҳбат ва музокаралар олиб бориладиган алоҳида жой тузалган. Электрон ҳисоблаш машиналаридан тортиб, замонавий компьютерларгача уларнинг хизматида.

— Биринчи бор ташкил этилаётган бу ярмаркада Тожикистон ва Туркманистондан ташқари — уларнинг ўзида пахта мўл — барча жумҳуриятлар, уларнинг уч юздан ортиқ енгил саноат корхоналари, 600 га яқин вакили иштирок этмоқда, — дейди Хом ашё ва енгил саноат маҳсулотларини таъминловчи ва тақсимловчи бош бошқарма бўлими бошлиғи М. Маҳмудов. — Ўзбекистон Давлат план қўмитаси белгилаган лимитга асосан 1,4 миллион тонна тола сотувга қўйилган. Ўзимизнинг саноат корхоналаримиз ҳам шу жойда пахта харид қиладилар.

Улгуржи олди-сотди иш бошлаган дастлабки кунларданоқ кўплаб нозирликлар, саноат корхоналари билан келишув ва шартномалар имзоланди. Биринчи куниёқ томонлар ўртасида 50 миллион сўмлик пахта толасига шартнома тузилди. Улар орасида СССР Балиқчилик саноати ва Мудофаа нозирликлари, Грузия ва Литванинг енгил саноат хом ашёси таъминоти бўйича бошқармалари, Тбилиси, Кутаиси, Саччехели, Каунас, Вильнюс ип-газлама, ипак-мато ва тўқимачилик корхоналари бор.

Бу йилги пахта олди-сотдисининг аввалгиларидан қандай фарқи бор? Аввалари пахтамизнинг барча қисми тўласича давлат буюртмаси ҳисобида арзон-гаровга сотилар эди. Бу йил эса толанинг фақат 40 фоизини давлат буюртмасига кўра юқоридан белгиланган қатъий нархларда сотмоқдамиз. Қолган қисмининг нархини эса икки томоннинг ўзаро келишуви белгилайди.

— Бизнинг саноат корхоналаримиз 5,8 минг тонна пахта толасини харид қилдилар, — дейди Грузия енгил саноат маҳсулотларини сотиш ва харид қилиш таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мамуке Чхиквадзе, — Бозорнинг паст-баландига қараб яна бироз тола харид қилиш ниятимиз бор.

Пахта хом ашёсининг мана шундай улгуржи олди-сотдиси қизғин давом этаётган тўртинчи куни мен ғалати йиғиннинг устидан чиқдим. Турли жумҳуриятлардан келган вакилларни бир бурчакка йиғиб олган бир кимса бошқаларга ақл ўргатмоқда: «Нега энди биз пахтанинг фақат 40 фоизинигина қатъий нархларда олар эканмиз? Ҳаммасини олишимиз керак. Бизга бундай воситачилик керак эмас...»

Унинг атрофидагилар «балки бу устамон бир иш чиқариб, зора пахтани яна арзонга олсаг-а», деган хомтамалик билан уни маъқуллашарди. Барибир улардан кимдир луқма ташлади: «Воситачи идора жумҳурият ҳукуматининг қарори билан тузилган. Уни тан олмасликка бизнинг ҳақимиз борми?».

— Биз талаб қўйсак, айтганимиз бўлади, — деди ҳалиги сўзамол оғамиз. — Ўзлари хоҳлагандек сотиб бўпти? Сиз билан биз якдил бўлсак, қани сотмай ҳам кўришсин-чи!... Биз биргалашиб норозилик билдиришимиз, қатъий туришимиз керак...

Назаримда, бу антиқа «спектакль»нинг балки узоқда, балки шу яқин атрофда муаллифлари борга ўхшарди. Хуллас, ҳалиги иғвогарнинг таклифи ва устамонлиги билан норозилик мактуби битилди. Мен таажжубимни яширолмай, ярмарка директори Г. Адалевдан «Бу нима томоша?» деб сўрадим. У эса нимадандир хижолат чеккандек, «Нима қилардик, бозор бозор-да. Ҳамма ўзимга яхши бўлсин дейди» — деди. Тўғри, ҳамма ўзимга яхши бўлсин, дейди. Лекин ўз ҳукмини ўтказиш учун бошқаларни чалғитиб, фитна уюштириш инсофданми? Ахир қачонгача харидор маҳсулотнинг эгасига ўз зуғумини ўтказади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, марказдаги мазахўрак бўлиб қолган оғаларимиз ҳамон жиловни бергилари йўқ. Уни яна ўз қўлларида тутишни қўмсайди.

— Биз бу фитнага бош қўшмадик, норозилик мурожаатига ҳам имзо қўйганимиз йўқ, — дейди Литва енгил саноат хом ашёси таъминот идораси бош директорининг ўринбосари И. Сурвила. — Ўзбекистон ва Литва ҳукумати ўртасидаги жумҳуриятлараро келишувга биноан биз ўтган йилгига қараганда 40 фоиз кўпроқ пахта толаси харид қилдик.

— Нархи қанчадан тушди?

— Бу тижорат сири, — дейди суҳбатдошим. — Айтганча, харид қилган толамизнинг муайян қисми Ўзбекистон учун ип-газлама, сифатли мато бўлиб қайтади.

Пахта бозорининг сабоқлари шундай. У жиззакиликни ҳам, арзон-гаров олиш умидида ўзини ҳар ёққа уришни ҳам кўтармайди. Пахтамизнинг харидори ҳамма вақт топилади. Ишни бузишга уринганлар эса тилларини тишлаб қолишди.

Турли минтақалардан келган тўқимачилар билан ҳам суҳбатлашишга тўғри келди. Ивановолик ва камишинлик тўқимачилар пахтани яна аввалгидек арзон-гаров олиш умидида эканини яширмадилар: «Биз газламаларимизни қатъий нархларда сотишга келишиб қўйганмиз. Шунинг учун бу йилча пахтани ҳам арзон олсак дегандик...»

— РСФСР парламенти йиғилишларида бўлаётган гаплардан хабарингиз йўқми? Сизлар ҳам маҳсулотларингизни бозор нархида сотишни талаб қилаяпсизлар-ку! Ахир ўзбеклар ўз пахтасидан тайёрланган газламаларни сизлардан тўрт-беш баробар қиммат олишаётганига ғинг дейишмаяпти-ку!...

— Бу ерда қуйи сортлар кам экан, у бизга арзонроқ тушарди...

Ҳа, қуйи сорт пахтамиз арзон. Бироқ нафақат бундай толани, ҳатто пахтанинг тола чиқмайдиган чиқиндиларини ҳам Япония валютага олаётган пайтда арзон пахтанинг бозори чаққон бўлади-да. Бу савол-жавоблардан яна бир ғалати мантиқ чиқади. Шу пайтга қадар биз «пахта деб Оролни қуритдик, болалар ўлими кўпайди, пахтага сочилаётган заҳри қотиллар аҳолини майиб-мажруҳ қилмоқда», деб бонг урганимизда марказдаги баъзи амалдорлар «Ҳадеб буни юзимизга солаверманглар, ўзбек пахтаси сифатсиз, ҳалиям уни бизнинг корхоналар ишлатаяпти. Ана Эфиопиянинг минг чандон сифатли пахтаси ўтмай ётибди. Гапни кўпайтирсанглар, пахталарингни олмай қўямиз», деган ноз-фироқларини ҳам кўп эшитишимизга тўғри келганди. Буни қарангки, энди мана шу ноз-фироқ қилаётганлар аъло сортли пахталаринг қиммат, бизга арзонроқ бўлган ўша қуйи сортлардан кўпроқ беринг, деб талаб қўйишмоқда.

...Пахтамизнинг ҳамма вақт бозори чаққон бўлган. Фақат аввалари ихтиёр ўзимизда эмасди. Бизни истаган куйга солишарди. Энди эса уни ўзимиз сотяпмиз. Не тонгки, заҳматкаш халқимизнинг пешонаси ярқирайдиган кунлар узоқ эмас.

М. АБДУЛЛАЕВ

Азиз ҚАЮМОВ:

ТУРК НАЗМИДА ТОРТИБ ҚАЛАМ

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи тобора яқинлашмоқда. Жумҳуриятимизда унга тайёргарлик ишлари қандай бормоқда, нима ишлар қилинмоқда, тўй комиссиясининг ишлари нималардан иборат бўлмоқда? Муштарийларимиздан кўпчилиги ана шундай саволлар билан редакциямизга мурожаат этмоқда. Улкан тўйга қизиқиш ортмоқда. Шу сабабли мухбиримиз К. Матёқубов Алишер Навоий юбилейини ўтказиш ташкилий комиссиясининг масъул котиби, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Қўлёзмалар институтининг директори Азиз ҚАЮМОВ билан олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Алишер Навоийнинг 550 йиллиги нафақат адабиётимиз ва маданиятимиз, балки халқимизнинг тўйидир. Бу тўйга тайёргарликда эътибор асосан нималарга қаратилган?

— Алишер Навоийнинг бу тўйигача ҳам унинг 500 ва 525 йиллик юбилейлари ўтказилган. Демоқчиманки, улуғ алломa тўйини ўтказишда маълум тажрибаларга эгамиз. Бу тажрибалар нималардан иборат? Унинг асарларини нашр этиш, номини абадийлаштириш, меросини илмий тадқиқ қилиш ва халқимиз орасида кенг тарғиботини йўлга қўйишдир. Бу тўйга тайёргарлик жараёнида ҳам ана шу анъаналар давом этмоқда. Ва табиийки, олдинги анжуманларга қараганда бу тўйнинг доираси, миқёси янада кенгаймоқда.

Аввало улуғ алломанинг Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти чоп этаётган 20 жилдлик куллиётини тилга олишни истардим. Уни шоирнинг ҳозиргача мавжуд бўлган асарларининг бадиий ва илмий тўла нашри дейиш мумкин. Бу куллиётнинг ҳозиргача 6 жилди нашрдан чиқди ва улар асосан шоирнинг лирик асарларини ўз ичига қамраб олган. Ушбу жилдлар унинг институтимизда сақланаётган «Бадойи ул-бидоя» ва Шарқшунослик институтида мавжуд бўлган «Наводир ул-ниҳоя» девонлари ҳамда «Хазойин ул-маоний» асосида нашрга тайёрланди.

Бу нашрнинг яна бир афзаллиги шундаки, унга шоирнинг ўзи тирик пайтида кўчириб ёзилган қўлёзмалар асос қилиб олинди. Лекин бу куллиёт ҳар жиҳатдан мукаммал, бенуқсон бўлади, дегани эмас. Катта ишларда камчиликлар учраши табиий. Жумладан, бунда ҳам айрим сўзлар, иборалар ёзилишида ноаниқликлар, хатолар учрайди. Бироқ шуниси қувончлики, Навоий меросини ўрганишда тўла манбаага эга бўламиз.

Шунингдек, юбилей нашрлари орасида шоирнинг «Фан» нашриётида чоп этилаётган рус тилидаги жилдларини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим. Унинг ҳам биринчи ва иккинчи жилдлари нашрдан чиқарилди. Улардан лирик асарлари ўрин олган бўлса, кейинги жилдларига достонлари ва насрий асарлари киритилади. Айниқса, унинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Вақфия», «Насойим ул-муҳаббат» сингари асарларининг рус тилига таржима этилганлиги адабий ҳаётимизда катта воқеадир.

Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти «Хазойин ул-маоний»ни битта китоб остига жамлаб, «Хамса»нинг эса факсимиль нашрини чиқармоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг нашриёти институтимиз билан биргаликда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларини ўзбек ва рус тилларида чоп эттирди. «Китобхон» жамияти ҳам институтимиз ҳамкорлигида Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида иккита китобча эълон қилди. Беш тобоқ ҳажмда рус тилида ғазалларини босмадан чиқарди. Бу китоб Ёзувчилар уюшмамиз орқали иттифоқдош жумҳуриятларга ўз она тилларига таржима қилиб нашр эттириш учун юборилди.

— Навоий меросини бебаҳо хазина деб аташ мумкин. Бу хазинага кейинги йилларда қандай янги тадқиқотлар қўшилди?

— Аввало, кейинги йилларда кўпгина мамлакатларда Навоий меросига қизиқиш кучайганлигини таъкидлаб ўтишни истардим. Ўзимизга келсак, бу мерос муттасил ўрганилмоқда ва асарларнинг ёзилиш тарихи, тақдири аён бўлмоқда. Шу ўринда бир кичик мисолни айтиб ўтмоқчиман. Институтимизнинг 633-фондида бир қўлёзма бор. Бу қўлёзма Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари. Биз шу пайтгача «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам»ни алоҳида иккита асар деб баҳолар эдик. Мазкур қўлёзманинг охирида «Тарихи анбиё ва ҳукамо» якунланди, энди «Тарихи мулуки Ажам»ни ёзмоққа киришайлик», деган ибора бор. Шундан бу икки асар бир-бирининг давоми деган фикрга келиш мумкин. Бунинг исботи учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Маълумки, Шарқ тарихнавислигида унга қўл урмоқчи бўлган ижодкор аввал алайҳиссаломдан бошлаб инсоният тарихини ёзиб келиб, кейин ўз замонаси тарихини битишга ўтган. Бу қатъий анъана бўлган. Навоийнинг мақсади эса Хуросон тарихини, яъни Ҳусайн Бойқаро тарихини ёритмоқ бўлган. Уни шоирнинг ўзи «Зубдат ут-таворих» деб атайди. Демак, шундан келиб чиқиб, бу икки асарни «Зубдат ут-таворих»нинг биринчи, иккинчи қисмлари деб аташ мумкин. Бу фикр 633-фонддаги 1564 йилда кўчирилган қўлёзмани Парижадан келтирилган, XVI асрда иншо этилган «Тарихи анбиё ва ҳукамо» билан солиштирганда янада ойдинлашди.

Сўнгги пайтларда «Насойим ул-муҳаббат»нинг туркий машойихлар ҳақидаги қисми тадқиқ қилиниши натижасида кўп янги маълумотлар қўлга киритилди. Шунингдек, энг катта ишларимиздан бири — «Садди Искандарий»нинг танқидий матни тайёрланди. Албатта, 14 минг мисрадан иборат бўлган бу достоннинг энг нодир бир неча қўлёзма нусхаларини ўзаро солиштириб чиқиш ҳазилакам иш эмас.

Биз шу пайтгача Алишер Навоийнинг асарларидаги инсонпарварлик ғоясини олдинги планга чиқарган ҳолда тадқиқ қилиб келдик. Бу тўғри, чунки шоир бутун вужуди билан халққа яқинлашишга интилган ва асарларида юртимизни улуғлаган. Зеро, у:

Турк назмида мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам,

деганида юз карра ҳақ эди.

Лекин Навоий ижодини ўрганишдаги биздаги камчиликлар нималардан иборат? Биз ўзимизда унинг асарларининг нодир қўлёзмалари бўлгани ҳолда танқидий текстларини, матнларини тайёрламадик. Яъни, Навоийни ўрганиш учун ягона илмий манбаа, пойдевор яратмадик. Шу сабабли баъзи асарларида чалкашликлар, ноаниқликлар ҳамон учраб туради. Мана, кичик бир мисол. Ўша машҳур «Келмади» радифли ғазали:

Кеча келгумдир дебон ул шўхи бадхў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Шоир барҳаёт пайтида кўчирилган қўлимиздаги нусхада юқоридаги мисрада бир ҳарф ўзгартирилган. Яъни «кеча» «неча» деб берилган. Назаримда, бу ерда ҳарф ўзгариши байтдаги фикрни янада теранлаштирган ва бир сўзнинг байтда такрорланишига барҳам берган.

Айтмоқчиманки, Навоий асарлари танқидий тексти устида ишлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири бўлиши лозим.

— «Шоирлар хиёбони»даги ижодкорлар ҳайкалларининг олиб ташланганн кўпчиликни ажаблантирди. Қолаверса, Навоий ҳайкали фақат шоир номидаги опера ва балет театри олдига ўрнатилармиш деган мишмишлар пайдо бўлди. Шу маънода тўйга тайёргарлик борасида бу соҳада қилинаётган ишлар хусусида гапириб берсангиз!

— Аввало «Шоирлар хиёбони»даги ҳайкаллар ҳақида. Ҳақиқатан ҳам, баъзи матбуот нашрларида ҳайкаллар қўпориб ташланди, деб ёзишди. Йўқ, ҳайкаллар қўпориб ташланмади, улар бу ердан олиниб мактабларга берилди. Эндиликда бу ҳайкалларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳар мактабларида ўрнатилди. Хўш, шоирлар боғида нима бўлади? Бу ерда ҳозир қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Боғ атрофи ободонлаштирилади, тартибга келтирилади. Хиёбон марказида эса Алишер Навоийнинг мавжуд ҳайкали ёлғиз ўзи қад ростлайди.

Опера ва балет театри олдидаги майдонда шоир ҳайкали қўйилиши масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам шундай режа бор. Шаҳар раҳбарлари театр майдонини Навоий майдони деб аталиши ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлашди ва бу ерда шоирнинг янгидан ишланган ҳайкали ўрнатилади. Бу майдон учун ҳайкалтарошларнинг янги асарлари танлаб олинади. Шоир номидаги театр, майдон ва шу майдонга ўрнатиладиган ҳайкал яхлит бутунликни ташкил этади.

Давоми еттинчи бетда

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. ҚАЮМОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет кино санъатини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари ва самарали жамоат фаолияти учун Ўзбекистон ССЖ илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг кинорежиссёри Малик **ҚАЮМОВ**га **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ

Москва, Кремль.
1990 йил 5 декабрь

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Марғилонлик Наби Акрамов редакциямизга йўллаган мактубида Марғилон шаҳридаги мактабларда бошқа чет тиллари қатори араб ва форс тилларини чуқурроқ ўргатишни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. ҚУРБОНОВ ушбу масала юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

— Вилоятимиз мактабларида Европа ва Шарқ халқлари (араб, форс, француз, испан) тилларини ўқитишга эътибор сўнгги пайтларда кучайтирилди. Қатор шаҳар ва районлардаги мактабларда замонавий фан хоналари ташкил этилди. Лингафон ва магнитофон қурилмаларидан фойдаланилмоқда.

1960 йилдан бошлаб Марғилон шаҳридаги 8- ва 14-мактабларда араб тили ўқитилади. 1989/90 ўқув йилидан бошлаб Марғилондаги 4-, 8-, 14-, 16-, 23-, 24-, 27 -мактабларда араб тили ва 1-мактабда форс тили ўқитила бошланди. 4-, 8-, 16, 24-мактабларда араб тили хонасига лингафон аппарати ўрнатилди, 8-мактабда эса араб тили чуқурлаштирилган программа асосида ўргатила бошланди. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларидаги икки юздан зиёд мактабларда 1990/91 ўқув йилидан бошлаб эски ўзбек ёзуви ва тилини факультатив йўли билан ўқитиш йўлга қўйилди.

Араб, форс, эски ўзбек ёзуви ва тилини ўқитишнинг қатор муаммолари ҳам бор. Араб тилидан дарслик чиқарилгани билан кўргазмали қуроллар, методик қўлланмалар йўқ деса ҳам бўлади.

ҲАҚ ГАПНИ ҚАЧОН АЙТАМИЗ?

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА миллатлараро муносабатларда бир қадар тинчлик, осойишталик ҳукм сураётгани баъзи бироварларга ёқмаяпти шекилли... Марказий матбуот саҳифаларида чўғни кавлашяпти. Бунга янги мисол Темур Пўлатовнинг яқинда «Московские новости» ҳафталигида босилган «Анголани қувиб етамиз ва ўзиб кетамиз» мақоласидир. Эмишки, Ўзбекистонда руслар ва «рус тилида гаплашувчи аҳоли» танг аҳволга тушиб қолганмиш... Шу сабабли оммавий равишда кўчиб кетишаётганмиш... Аҳвол шундай давом этаверса, Анголани қувиб етиш ва ўзиб кетиш ҳеч гап эмас эмиш... Бир пайтлар португаллар бўшатиб чиққанда Ангола «ерга ўтириб» қолганидек, Ўзбекистон ҳам четдан келган «мутахассислар»сиз «чўкиб» қолиши муқаррар эмиш.. Ва ҳоказо...

Табиийки, Ўзбекистондан йирокда яшовчи, биздаги аҳвол ва шароитдан бехабар ўқувчи бу гаплардан ўзича хулоса чиқаради: руслар ва «рус тилида гаплашувчи аҳоли» кўчиб кетаётган бўлса... демак, бир гап бор. Жабр ўтмаса, зулм етмаса, киши бир юртни қўйиб, иккинчи юртга кўчиб кетармиди? Ҳа, бу — ўша-ўша, ўзбеклар иши... Ушалар кун беришмаяпти... Бу ўзбеклар дегани ҳеч инсофга келишмас экан-да... Узлари-ку боқиманда бўлиб, бошқалар ҳисобига яшашади... Мафия тузиб, давлат мулкини талон-тарож қилишади... Ўғри ҳам—шулар, порахўрлар ҳам — шулар... Бу ҳам етмагандай, хотинлари ҳар йили туғишини айтмайсизми? Вой, лаънатилар-ей!..

Хуллас, узоқдаги ўқувчи бу хил чиқишларни ўқиб шундай деб ўйлайди... Ахир, «жабрдийда» руслар ва «рус тилида гаплашувчи аҳоли» Ўзбекистондан оммавий равишда кўчиб кетишяпти-да... Ишонмайсизми? Мана — мақола! Мана — рақамлар!.. Мана — маҳаллий муаллифнинг имзоси!.. Рад этиб кўринг-чи.

Келинг, шу ҳақда мулоҳаза қилиб кўрайлик. Тўғри, жумҳурият парламенти масалага аниқлик киритишга интилиб, қардош парламентларга мурожаат қилди. Аммо гап чала айтилди, бор ҳақиқат айтилмади. Бошимизга янги-янги таъна-дашномлар ёғдиришаётган экан, нега биз ҳамон индамай, андиша қилиб турамиз? Ҳақ гапни қачон айтамиз?

Масаланинг бошидан тушайлик. Хўш, руслар бу — руслар, аммо «рус тилида гаплашувчи аҳоли» дегани нимаси? Шундай бир халқ ёки шундай бир миллат борми ўзи? Йўқ, бу — ўйлаб чиқарилган матоҳ. Америкада яшовчиларни «американлик» деймиз. «Инглиз тилида гаплашувчи аҳоли» деймайсиз-ку... Ёки Австрияда яшовчиларни «австриялик» деймиз, «немис тилида гаплашувчи аҳоли» деб атамаймиз-ку... Тақрор айтаманки, «рус тилида гаплашувчи аҳоли» дегани тўқиб чиқарилган ёлғон гап, янада қатъийроқ қилиб айтадиган бўлсак, хунук бир ниқоб...

Даъвомни далиллаб беришга ҳаракат қиламан. Биламизки, бизда «рус тилида гаплашувчи аҳоли» деганда аввало яҳудийлар, украинлар, татарлар, арманлар, корейслар ва бошқаларни кўзда тутишади. Ҳар бирининг худо берган ўз қутлуғ номи бор. Шу номни улар азиз ва муқаддас тутишади, шу ном ила фахрланишади, шу ном таққир этилганда алам ва изтироб чекишади. Мисол учун яҳудий ёки арманининг олдига бориб, сен яҳудий ёки армани эмассан, рус тилида гаплашувчи аҳолисан, деб кўринг-чи, нима деркин... Ёки украин ва корейсга шундай деб кўринг-чи, нима эшитарксанз... Ахир, бу яҳудий учун ҳам, армани учун ҳам, украин учун ҳам, корейс учун ҳам — ҳақорат, яъни миллатининг тайини йўқ, деган гап. Ҳолбуки, бизда миллатсиз киши йўқ. Ҳар кишининг миллати паспортида аниқ қилиб ёзиб қўйилган. Бас, шундоқ экан, нега энди кейинги йилларда «рус тилида гаплашувчи аҳоли» деган сохта ибора тўқиб чиқарилди? Ундан кўра, яҳудийлар, украинлар, татарлар, арманлар Ўзбекистондан кўчиб кетишяпти, деб тўғрисини айтиб қўя қолса, бўлмайдими? Йўқ, унда ниқоб йиртилади, ҳақиқат аён бўлади, аюҳаннос солишга ўрин қолмайди. Нега десангиз, яҳудийлар фақат Ўзбекистондан кўчиб кетишаётгани йўқ, улар Россиядан ҳам, Украинадан ҳам, Кавказдан ҳам кўчиб кетишяпти. Яқин-яқинларгача уларни шу ишлари учун ёмон отлиқ қилишга уриндик, лекин энди ҳақиқатга тан бердик, бугун эътироф этиб турибмиз: яҳудийлар ўз тарихий ватанларига қайтишаяпти. Худди немислар Германияга қайтишаётганидек... Бу — қонуний, табиий жараён, бунда ғайритабиий бирор нарса йўқ. Энди савол туғилади: яҳудийлар Исроилга кетишса, табиий жараён бўлади-ю, украинлар Украинага, татарлар Татаристонга, арманлар Арманистонга кетишса, нотабиий бўладими? Ахир, улар яҳудийларга ўхшаб, Совет Иттифоқидан чиқиб кетишаётгани йўқ, қайтишадиган бўлса бор-йўғи ўз ота юртларига қайтишади, холос... Ана, кўраяпсизми, «рус тилида гаплашувчи аҳоли» демасдан, ҳар кимни ўз миллати номи билан атаб, сўз юритилса, ҳақиқат аён бўлади-қўяди...

ЭНДИ РУСЛАРНИНГ Ўзбекистондан кўчиб кетишаётгани хусусида... Бу ҳам табиий жараён. Ҳаттоки, тарихий зарурат... Фикримни англатишга ҳаракат қиламан. Россия империясининг чекка ўлкаларини «руслаштириш» сиёсати 1971 йилга келиб тўхтаб қолгани йўқ, шиддат билан давом этаверди. «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш» шиори остида марказий Россиядан миллионлаб аҳолини Қозоғистон яйловларига кўчиришди. «Саноатлаштириш» шиори остида миллион-миллион рус деҳқонларини «ишчи» қиёфасига солиб, Урта Осиё шаҳарларига олиб келишди. Подшо ҳукумати қилолмаган ишни қисқа бир муддат ичида биз қойил қилиб бажардик, деб Хрушчев мақтанганини бугун кўпчилик биларди...

Хўш, оқибат нима бўлди? Фойдасидан зиёни ортиқ бўлди. Бир томондан, бизда Урта Осиёда сунъий равишда катта ишсизлик юзага чиқди, иккинчи томондан, поёнсиз рус ерлари — экин-тикин далалари, қишлоқлари ташландиқ, хароб аҳволга солинди. Орқа-кетини ўйламай қилинган кўч-кўч «тадбир»нинг натижаси шу бўлдики, Россияда ўн минглаб қишлоқлар, қарийб бир миллионга яқин ҳовли-қўрғон кимсасиз, ҳувуллаб қолди. Азалий серҳосил буғдойзорларни чим босиб, далалар, гўзал ерлар қамишзор, тўқайзорларга айланди. Москвада бир буханка нонни иккига бўлиб сотишаётганида Москва атрофида, унумдор Россия ерларида тўкилиб-сочилиб, чириб ётган буғдой ҳосилини йиғиштириб олишга одам топилмади, тўпилмаяпти... Хуллас, деҳқонларидан айрилган Россиянинг қадди эгилиб, бели букилиб қолди. Агар бунинг чораси кўрилмаса, рус қишлоқлари қайта тикланмаса, Россиянинг истиқболи коронғу: ҳеч қачон рўшнолик кўрмайди, қорни нонга тўймайди. Доим чеккага қарагани қараган. Етакчи рус иқтисодчи олимлари ҳам буни қайта-қайта айтишяпти.

Хўш, рус қишлоқларини ким тиклайди? Қамиш, тикан босиб ётган ўша ажойиб далаларга ким қайта ҳаёт бағишлайди? Албатта, бутун умид турли-туман шаҳарларни тўлдириб, Т. Пўлатов айтмоқчи милий низолардан «гангиб» юрган кечаги рус деҳқонлари ва уларнинг болаларидан. Шуни ҳисобга олиб Елцин ҳукумати қардош жумҳуриятларда яшовчи рус аҳолисига мурожаат қилди, уларни ўз юртига чорлади, рус қишлоқлари тикланмас экан, Россия ҳеч қачон ўз қаддини ўнглаб ололмайди, деб гапнинг дангалини айтди. Буни тушуниб етганлар ва етаётганлар, бу тарихий чақириқка «лаббай» деб жавоб бераётганлар бор. Ўйлаб қаранг: Россияга кўчиб бораётганларни фермерлик истиқболи — катта истиқбол кутмоқда. Бу —камида юз ёки эллик гектар ерга хўжайин бўлиш деган сўз. Бу ўзбек деҳқонининг тушига ҳам кирмайди. Хуллас, бугун Ўзбекистондан (бошқа қардош жумҳуриятлардан ҳам) руслар озми-кўпми Россияга кўчиб кетишаётган экан, бу — табиий бир жараён, тарихий бир зарурат, давр тақозоси. Негаки, бошқа йўл йўқ. Рус қишлоқларини руслар тиклайди, космосдан тушиб, биров обод қилиб бермайди. Гапнинг индаллоси шу. Нега шуни баралла айтмаймиз? Ахир, бу гапнинг қўрқадиган, ваҳима қиладиган ери йўқ-ку... Ҳолбуки, ҳақиқатни баралла айтиб, яхши ният билан Россияга кўчиб кетаётганларга давлат йўли билан зарур шарт-шароитлар ҳозирлаб берилса, майда-чуйда гап-сўзларга, фикрни бошқа ёққа буришларга ўрин қолмасди. Балки шу мавзуда қалам тебратаётганлар ҳам пича инсофга келар, гапни бу қадар айлантирмасди.

МУТАХАССИСЛАР-ЧИ, сўрайди ўқувчи, улар кетишаётганмиш, касалхоналар врачсиз, заводлар инженерсиз қолаётганмиш... Қайси касалхоналар? Қайси заводлар? Темур Пўлатов даъвосида ҳақ бўлса, бирма-бир айтсин уларни, номларини қатор қилсин Аравани қуруқ олиб қочишнинг нима кераги бор. Борингки, кетаётганлар бўлсин ҳам дейлик. Қаерда истиқомат қилиш ҳар кимнинг ўз ихтиёри Бу аввало ўша мутахассиснинг инсоний ҳақ-ҳуқуқи, ҳеч кимса унинг йўлини, ихтиёрини тўсолмайди. Гап-сўзларни кўпиртириш ўрнига кўчувчиларга ҳар томонлама ёрдам бериш керак. Россиядан мутахассислар кетишмаяптими? Москвадаги элчихоналар олдида навбатда турган минглаб одамларни кўргандирсиз, Темур Пўлатов? Хуллас, кетадиганлар Россиядан ҳам кетишяпти. Аммо, ҳер ҳолда, осмон узилиб, ерга тушгани йўқ.

Жамол КАМОЛ

МУРУНТОВ ЁМБИЛАРИ

● Пётр I йўллаган жосуслар тақдири ● Сир сирлигича қолган эди, бироқ... ● Авлодлар насибаси талон-торож бўлмасин!

ЗАМИНИМИЗ турфа ноёб конларга бойдир. Ҳар қандай катта-кичик давлатнинг қуч-қудрати унинг ер бағрида учрайдиган фойдали қазилмаларининг тури билан ўлчанади. Масалан, Япония мис ва темир бўлмаганлиги учун уни 2000 метр ва ундан чуқур бўлган океан остидан олса, Англия кўмир конларининг запаслари тобора камайиб бораётганлиги учун у кўмирни чет давлатлардан сотиб олмоқда. АҚШ эса ўзида мавжуд ва етарли даражада бўлган турли фойдали қазилмаларни ва, айниқса, олтин ва нефть, газни ташқаридан сотиб олиб, ўзидаги фойдали қазилмаларни келгуси авлодлар учун сақламоқда.

Бу ҳаётий далиллар шундан далолат берадики, турли-туман минерал хом ашёлар фақат ҳозирги замондошлар мулки бўлибгина қолмай келгуси авлодлар мероси ҳамдир. Шу боисдан уларни авайлаб сақлаш, режали равишда қазиб олиш ва асрлар оша ишлатиш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Табиат бойликларига хиёнаткорона муносабатда бўлиш келгуси авлодлар олдида қилинган буюк жиноятдир. Буни авлодлар ҳеч вақт кечирмайдилар.

Жаҳондаги машҳур олтин конлари ичида Жанубий Африкадаги Витватерранд тумани алоҳида ажралиб туради. Бу конлар бундан 2,5 миллиард йил олдин ҳосил бўлган ва ҳозирда қотган шағал тошлар орасида жойлашган. Бу ердаги Ранда олтин кони 400 км. га чўзилади ва олтин қазиб олинган шахталар чуқурлиги 3,5 км. дан ошиб кетган. У билан шу турдаги бironта бошқа давлатда учрайдиган олтин кони рақобат қилолмайди. Қизиғи шундаки, бундай «баҳайбат» олтин кони қандай пайдо бўлганлиги ҳанузга қадар фан оламига номаълум. Бунинг устига бу конда ёнмаён уран ҳам учрайди. Бу турдаги олтин-уран конлари Бразилия ва Канадада учраса ҳам улар миқдор ва ҳажми жиҳатдан кичикдир. Чунки 1482 йилдан буён ишлаётган Ранда кони 1982 йили жаҳонда қазиб олинган олтиннинг 52 фоизини берди.

Олтин кейинги даврларда пул ва заргарликдан ташқари электроникада, компьютер ишлаб чиқаришда, тиш-протез соҳасида ва атом реакторлари (битта реактор ички девори 16 кг олтин билан қопланади)да кенг қўлланила бошлади. Ҳозирги кунда қазиб олинаётган конлардаги олтиннинг дунёвий запаси 37 минг (СССРдан ташқари) тоннага тенг. Шунга қарамай унинг дунё бозоридаги баҳоси йил сайин ошиб бормоқда.

СССРда қазиб олинаётган олтинлар, ички эҳтиёжларни қоплабгина қолмай, четга ҳам соф ҳолда сотилади. Агар АҚШ ҳукумати 7 хорижий давлатдан соф олтин сотиб олса, улар ичида СССР биринчи ўринда туради.

ХЎШ, ЎЗБЕКИСТОНДА олтин қазиб олиш қачон бошланган? Тарихий ҳужжатлар бу ҳақда ниималарни баён этади?

Қадимда Бухоро амирлигида зарб этилган олтин тангалар ва турли буюмлар Италия, Венгрия ва Туркия бозорларида алмашув хизматини ўтаб келганлиги кўпчиликка маълум. Мавороуннаҳрда сирли, номаълум жойлардан олтин қазиб олинаётганлиги ўша замонда Петр I га ҳам маълум бўлган. Шунинг учун бўлса керак, у ўз вақтида шу номаълум олтин конлари ҳақидаги маълумотларни аниқ билиш мақсадида 7 моддадан иборат буйруқ берган. Бу буйруқни биринчи бўлиб бажаришга ҳаракат қилган Сибирь князи — Гагарин икки дарё оралиғига сафар қилиб, Хўжандгача келади ва олтин сирларидан воқиф бўлолмай қайтиб кетади.

Бу сафардан хабардор ва Петр I билан савдо-сотиқ бўйича алоқадор бўлган туркман савдогари Хўжа Нафас ўз хизматини таклиф этади ва 500 аскар беришни талаб этади. Петр I бунга рози бўлиб, бу суворийларга Тифлис князи — Черкасскийни бошлиқ қилиб тайинлайди. Улар Боку — Красноводск орқали Хоразмга етиб келганларида Хоразмшоҳ лашкарларига дуч келиб 7 кечаю кундуз жангу жадал бўлади. Хоразм лашкарлари маглубиятга учраб оқ байроқ кўтаради. Сўнг ғолиблар шарафига саройда катта зиёфат уюштирилади. Бу базм қиёмига етганда шоҳ князь Черкасскийга лашкар ва лашкарбошиларнинг тун-ороми учун сарой танглигини баён этиб, 10 ва 20 тадан бўлиниб боёнлар хонадонида тунашни, князь ва унинг яқинларини эса саройда қолишни илтимос қилади. Князь бу таклифни мамнуният билан қабул қилади. Лекин тун ярим кечадан оғганда ғолиблар калласи танидан жудо қилинади ва олтин сирлари сирлигича қолаверади... Петр I нинг ҳам шу билан олтинга бўлган иштаҳаси бўғилади.

Аслини олганда, Мавороуннаҳрда олтин конлари борлигидан юнонлар, араблар ҳам хабардор бўлишган. Жумладан юнон олими Геродот шундай ёзган: «Улар (икки дарё оралиғида яшовчи халқлар) олтин сероблигидан темир ва кумушни асло ишлатмайдилар». Ундан 5 аср кейин яшаган географ олим Страбон: «Уларнинг юртида кумуш мутлақо йўқ, темир ҳам, аммо мис ва олтин бор», деган эди. Эрамизнинг V—VI асрларига доир Хитой солномаларида Кан (Самарқанд) вилоятида ва ундан шарқроқда олтин борлиги хабар қилинади. Бундан 4— 5 аср ўтгач, араб ва эрон олимлари Абу Исҳоқ Истаҳрий ва Ҳамдуллоҳ Қазвиний ҳам шу ҳақда ёзиб ўтганлар. Археолог олим Массоннинг ашёвий далилларига кўра қадимий Мавороуннаҳр суворийларининг от сўйлиқлари ва узангилари олтиндан ясалган. Бунинг устига Ўзбекистонда Олтинтепа. Олтинтопган, Лаккан (минг кон), Зармитан, Оҳангарон, Кўҳи Сим, Зарафшон деган ном ва жойлар кўҳна тарихдан то шу кунгача сақланиб қолган, улар Ўзбекистон ер ости қазилмаларига нақадар бой бўлганлигидан даракчидир. Чотқол, Қурама, Нурота тоғлари ва Қизилқум саҳросида топилган қадимий кончилар изи (ер ости ўралари, шамдонлар, пиликли чироқлар, кон қолдиқлари — шлаклар) жумҳуриятимиз бағрида кончилик милоддан ҳам олдинроқ бошланганлигидан дарак беради. Баъзи бир геолог олимлар Туркистон диёри маъдансиз деган хулосага ҳам келган. Бироқ 1918 йили Г. В. Леонов «Бу жойлар аввалари ҳам ўз олтини билан шуҳрат топган», деб ёзган эди. Олтин ҳақидаги ана шу қадимий ва замонавий, бир-бирига қарамақарши фикрлар узоқ вақт ҳукм суришига қарамай икки дарё оралиғидаги олтин конлари сири жумбоқлигича қолаверди. Бунинг асосий сабабларидан бири Бухоро амирлик хонадонининг авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдириладиган — олтин бор жой сирларин ўта яширин сақлаш одати бўлган, Бунинг устига кон қазувчи қулларни амирлик хонадони чет эллардан — Эрон, Туркия ва Афганистон бозорларидан сотиб олган. Уларнинг оёқ-қўлларини кишанлаб, кўзларини бойлаб, туяларга миндириб олтин қазиб оладиган жойларга олиб келганлар ва сўнг кўзларини очганлар. Қуллар қаерга келиб қолганликларини пайқамай олтин қазишга киришганлар. Ўша замон имкониятларига кўра конда олтин тугади деб қарор қилинганда у қуллар, ҳатто иккинчи конга кўчирилмай ўлимга маҳкум этилганлар. Бунда амирлик хонадонининг ишончли аъёнларидан бири тамом бўлган конга келиб ўнбошидан сўраган: мақсадинг недур. «Қулликдан қутулиш». Қулликдан қутулмоқчи бўлсанг, бугун тунда ўз қарамоғингдаги қуллари ўлдирсанг, сени озод этамиз, деган. Шу йўсинда юзбошига мурожаат этиб, ўнбошиларни ўлдирсанг, сени озод этамиз, деган. Оқибатда, амирлик вакили юзбошини ўлдириб кондан ғойиб бўлган... Шундай қилиб бу кон «сири» узоқ асрлар давомида сирлигича қолган.

Ўзбекистондаги олтин конлари сирини очишга уриниш Октябрь инқилобидан сўнг ҳам давом эттирилди. 1928 йили Тошкентда бу соҳага бағишланган халқаро геологик конгресс чақирилди ва унга чет эл геологлари ҳам таклиф этилди. Натижада, Тожик-Помир олтин қидирув экспедицияси ташкил этилди. Амирлик хонадони олтинни тоғлиқлардан қазиб олган бўлиши керак деб 5 йил давомида тинмай тоғли ўлкаларни кездилар, лекин қутилган мақсадга эриша олмадилар. 1941 йилга келиб ҳозирда марҳум Н. П. Петров Қизилқум саҳроларидан феруза қидиришга жўнайди ва қадимий феруза қазиб олинган жойларни синчиклаб кўздан кечиради. Натижада, у қадимий авлодлар бу жойлардан фақат феруза эмас, балки асосан олтин қазиб олганлар, деган хулосага келади. Бу ҳақда илмий мақола чоп этилади-ю, лекин ўша даврларда Қизилқумда олтин бўлиши мумкин эмас, деган ғоя ҳукмрон бўлганлиги учун Н. Петров фикри муайян вақтга қадар ёддан чиқиб кетади...

Ўзбекистонда шу кунгача топилган олтин ёмбиларининг оғирлиги 400—700 грамм, холос.

Ҳозиргача учраган йирик соф олтин бўлакларининг энг каттаси — 100 килограммлиги Австралияда, 36, 22 килограммлиги СССРда топилди.

АРХЕОЛОГИК топилмаларга кўра, олтин Хитой ва Арабистонда бундан 3500 йил муқаддам пул ўрнида ишлатиб келинган. Зангламаслиги, ўз тусини ўзгартирмаслиги, емирилмаслиги ва бошқа ажойиб хусусиятлари олтинни энг қимматбаҳо металлар қаторига қўяди. Ҳозирги кунда олтин саноатнинг энг мураккаб тармоқларида, химия саноатида, медицинада ва бошқа соҳаларда ҳам ишлатилади. Ўзининг кўп йиллик меҳнатини олтин конларини ўрганишга сарфлаган академик И. Ҳ. Ҳамробоев табиатдаги олтин конларини асосан 2 турга бўлади: 1) Ички (эндоген) конлар — Ернинг туб жинслари ичида, ички ҳодисалар ёрдамида бунёдга келганлиги учун «туб конлар» деб ҳам аталади. Бу турга кварц, кварц-карбонатли ўзгарган ва бошқа хил жинслар мансубдир; 2) Ташқи (экзоген) конлар — ташқи кучлар ёрдами билан туб конларнинг емирилиши ва ювоқ қум-шағал шаклида ётқизилишидан пайдо бўлади. Кўпинча бу конлар «сочмакон» ҳам деб юритилади.

Иброҳим Ҳамробоев 1947 йилдан бошлаб Нурота, Зирабулоқ, Зиёвуддин тоғларини текширишга киришади. У мазкур тоғларни кўндалангига ва бўйига қараб мукаммал ўрганади. Уч йил давом этган машаққатли меҳнати натижасида И. Ҳамробоев тоғ жинслари ва ер тошларида учрайдиган мишьяк колчедани — арсенопирит минерали олтин борлигидан дарак берувчи белги бўлиши мумкин деган хулосага келади. Шу асосда Ҳамробоевнинг ўзи бир неча кичик ва салмоқли олтин конларини топади. Жумладан, ҳозирги маҳсулот бериб турган Чармитон олтин конини кашф этади ва Қизилқум саҳроларида ҳам олтин борлигини башорат қилиб харитада кўрсатади.

Олтиннинг мишьяк минерали билан боғлиқ эканлигини топиш Ўрта Осиё геологиясига янги саҳифа бўлиб кириб, бир неча олтин конлари очилишига сабаб бўлади. И. Ҳамробоев 1954-1958 йиллар давомида Ғарбий Ўзбекистонда икки хил олтин конлари бўлиши: булардан бирида олтин арсенопирит билан, иккинчиси эса жуда сийрак соф олтин ҳолида кварц томирларида учраши мумкинлигини айтди.

Ана шу кашфиётга суянган П. В. Хромишкин ва бошқа геологлар 1957 йилда Марказий Қизилқум ҳудудида аввал мишьякка бой бўлган аномалия майдонларини аниқлаб, сўнгра шу жойлар остида ҳақиқатдан ҳам олтин борлигини исбот қилдилар. **Шундай қилиб, Мурунтов олтин кони топилди. Бу кондан қазиб олинаётган олтин ўзининг тозалиги (пробаси) бўйича 99,99 дир. Таннархи бўйича СССРдаги олтинлар ичида энг арзон ҳисобланади** ва радиоактив элемент уран билан ёнма-ён учрайди.

Ҳозир жумҳуриятимиздаги Мурунтов, Чодак, Қўшбулоқ, Қизил-Олма, Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикалари шитоб билан уч сменада ишлаб, маҳсулот бериб турибди. Олтин конларининг ўзида эса иш «ёнғинга қарши курашгандек» тезкорлик билан ташкил этилган. «МАЗ» ва 140 тонналик «БелАЗ» турнақатор бўлиб руда ташимоқда. Олтин шу қадар шошилинч равишда қазилмоқдаки, бу иш билан овора бўлган мутасаддилар атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва ер қиёфасининг бузилиши билан заррача қизиқмайдилар. Сунъий ер жароҳати — жарликлар, чуқур-қуруқ ҳавзалар, чиқинди тоғ жинсларидан уюлган сунъий тепалар сони йил сайин ортиб бормоқда. Мурунтов олтин саралаш фабрикасидан чиқаётган заҳарли сувлар қум барханлари оралигида тўпланиб кичик-кичик сунъий кўллар пайдо қилган. Чанқоқликдан ҳориган туялар, паррандаю даррандалар у сувларни ичиб шу ондаёқ заҳарланмоқдалар. Уларни еган ўлимтик қушлар ҳам бу ёруғ дунёдан бевақт кўз юммоқдалар. Бу кўллардаги сувларнинг бир қисми ер остига сингиб, уни ҳам заҳарламоқда. Айтинг, бу бебошликларга ким жавоб беради? Олтин қазишга иштаҳа билан киришганлар орқа-олдига қарамаса фожиаларга ҳеч ким қайрилиб боқмаса... Буни қандай баҳолаш мумкин?

Қизилқум саҳросидаги улкан Мурунтов кони танҳо эмас, албатта! Унинг қаторида яна бир нечта олтин конлари кашф этилмоқда. Табиат ўзига яраша бу олтин конларини узоқроққа—қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жазирама чўл бағрига беркитиб қўйган экан. Бир сўз билан айтганда, Қизилқум қизил тиллага бой макон бўлиб чиқди. Бироқ асосий гап унинг ҳақиқий эгасига хизмат қилишидадир.

Бу саҳродан ташқари Нурота тоғлари ҳам туб олтинга, ҳам сочма (қум-шағал) олтинга хазина бўлиб чиқди. Унинг икки ёнбағридаги ҳамма қуруқ сой ётқизиклари—шағаллар саноат аҳамиятига эга бўлган олтин сақлар экан. Бу сой шағалларидан қадим-қадим замонлардаёқ олтин ювиб олинганлиги кўпчиликка маълум бўлса керак. Шу қатори Зарафшон, Чирчиқ қум-шағаллари ҳам ўзида арзигудек олтин сақлайди. Лекин Мурунтов, Қўшбулоқ олтини турганда ҳозирги сочма олтинлар қазиб олинаётгани йўқ. Уларнинг миқдори ўлчаб қўйилмоқда, холос!

ОЛТИН конларини режасиз қазиб олиш ва фақатгина олтинни кўп сақлайдиган қон қатламларини қазиш, камроқ олтин сақлайдиганларини эса чиқиндига чиқариб ташлаб юбориш инсофданми? Бунга келгуси авлодлар нима дейди? Ер ости бойликларини авайлаб сақлаш, уларни муҳофаза қилиш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш бизнинг муқаддас бурчимиз эмасми?

Ўзбекистон олтинга тўла сандиқ дедик. Бироқ бу сандиқдан режали фойдаланиш, шунда ҳам уни олтиннинг ҳақиқий эгалари бўлмиш ўзбек халқи манфаатлари йўлида тасарруф этиш зарур. Ахир олтин конлари беҳисоб эмаску!

М. ЗОКИРОВ,
геология ва минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог.

БОЙЛИКНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Шу пайтгача жумҳуриятимиз халқи қанча олтин конимиз борлигию бу конлардан қазиб олинаётган олтин миқдорини мутлақо билишмайди. Бу олтинларнинг қанчаси жумҳурият хазинасига ва қанчаси Иттифоқ хазинасига тушаётганлигидан ҳам бехабармиз. Гўё ҳовлингизнинг бир чеккасидан биров хазина топиб олгану энди «бу хазинани мен топдим, шунинг учун у меники», деб масхаралаётганга ўхшайди.

Жумҳурият Олий Кенгаши қабул қилган «Мустақиллик декларациясида Ўзбекистон ССЖнинг демократик давлат мустақиллиги жумҳуриятнинг ўз ҳудудида, барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир», дейилган. Бироқ бугуннинг аччиқ ҳақиқати шуки, олтин конларимизга ҳозирча «танҳо ҳоким» эмасмиз. Чегараларимизни ҳам дахлсиз дейишга тил айланмайди.

Хўш, Ўзбекистонда қанча олтин бор? Бизга фақат шу нарса маълумки, Бухоро вилоятида асосан учта маъдан конлари — Шимолий, Марказий ва Жанубий маъдан конлари бошқармалари иш олиб бормоқда. Бу ўзи бек, ўзи хон бошқармалар Учқудуқ, Зарафшон, Мурунтов, Навоий ҳамда Советобод атрофидаги конларни бошқаради. «Зарафшанский рабочий» рўзномасининг ёзишича, Навоий тоғ-металлургия комбинати бундан буён ҳам Иттифоқ назорати ва ҳукми остида қолаверади (Бу корхона кўплаб олтин конларига эга). Шу газетанинг 30 октябрь сонида Марказий руда бошқармаси директори Прохоровнинг маълум қилишича: оборот (муомала) солиғидан тушган даромаднинг 23 фоизи Ўзбекистонга, 22 фоизи Иттифоқ ноҳирлигига берилади. Хўш, олтин даромадининг қолган 55 фоизи қаёққа кетади? Нега ундан мазкур олтин конларининг ҳақиқий эгаси бўлган Ўзбекистон халқлари бенасиб қолиши керак. Бизга чойчақа сифатида берилиши кўзда тутилаётган 23 фоизни пулга чақсангиз қанча бўлади? Нега бу нарсалар шу чоққача Ўзбекистоннинг туб халқидан сир тутиб келинди?

Россия жумҳурияти раҳбарлари Иттифоқ президентига ўзларининг олтин, олмос ва барча бойликларини улар билан келишмасдан (тўғриси, сўрамасдан) олиб, тасарруф этилишига қаршилик билдиришди. Хўш, биз нимани кутаяпмиз? Бизнинг фикримизча, жумҳуриятнинг мустақиллик ҳуқуқлари асосида Ўзбекистоннинг барча олтин, мармар, олмос, уран, кумуш ва бошқа қазилма бойликлари устидан Ўзбекистоннинг тўлиқ давлат назорати ўрнатилиши керак. Бу бойликларнинг илмий асосланган миқдори, кундалик қазиб олинаётган ҳом ашё, уни қайта ишлашдан келадиган даромад миқдори халққа маълум қилиниши керак. Нодир бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича миллий мутахассис кадрлар тайёрлаш кенг йўлга қўйилиб, аста-секин улар ўз ўрнини эгаллаши зарур.

Айрим маълумотларга қараганда, Иттифоқ Атом энергетикаси ва саноати нозирлиги мазкур олтин конларини ўз қўлида тутиб қолишга кўзи етмаганидан уларни Иттифоқнинг бошқа нозирлигига топширмоқчи. Бундай хатти-ҳаракатлар марказ томонидан тайёрланиб миллий жумҳуриятларга юқоридан тиқиштирилаётган эски тос, эски ҳаммом усулини сақлаб қолиш умидида тузилган янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасида ҳам ўзини кўрсатиб турибди. Бизнинг жумҳуриятимиз кўп миллионли халқимизнинг миллий ҳуқуқларини чекловчи бундай шартномага имзо чекмаслиги керак.

Абдулла ВАФО ИБРОҲИМ ўғли,
Зарафшон шаҳар Советининг депутати,
Ҳазратқул ХУДОЙБЕРДИ МУСТАФОҚУЛ ўғли

ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ҲАБИБИЙНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

Ўзбекистон ССР халқ шоири Зокиржон Ҳабибийнинг қутлуғ юбилейи шу кунларда жумҳуриятимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Лекин шоирнинг ота юртида бу байрам анча илгари — шу йилнинг январидан бошланиб кетган эди. Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида Ҳабибий юбилейи тадбирлари мунтазам ўтказилиб келмоқда, туманда чиқадиган «Пахтаобод» газетаси эса изчиллик билан отахон шоиримизга бағишланган махсус сонлар, саҳифалар ташкил этмоқда. Бу саҳифаларда Ҳабибий ҳақидаги мақолалар, хотиралар, унинг аввал кўпчиликка маълум бўлмаган асарлари босилмоқда. Биз мазкур сонда эълон қилаётган Ҳабибийнинг ўз дўсти ва улфати, ҳамюрти — етук шоир, араб, форс тиллари билимдони, моҳир хаттот Муҳаммадхон Исҳоқ ўғли Маҳжурийга ёзган шеърий мактуби ва шу мактубга Маҳжурийнинг шеърий жавобини, Ҳабибийнинг яқин қариндоши, 81 ёшли онахон Зуҳрахон ая Зуҳриддинованинг хотирасини (ёдномани М. Солиева билан К. Иброҳимова ёзиб олганлар) ҳам туман газетаси «Пахтаобод»нинг шу йил 18 январь сонидан олдик.

Мазкур шеърий мактублар ўзбек адабиётининг бу қадимий анъанаси отахон адибларимиз ижодида кейинги даврларгача ҳам давом этиб келганининг ажойиб бир далилидир.

ҲАБИБИЙ МАКТУБИ

**Ўзим бу ерда-ю, кўнглим бориб, кўриб келадур,
Қошингда васлинг ила бир дам ўлтириб келадур.
Бошингда айланадур ишқ ўтин ҳароратида,
Ўзин саҳарлари парвонадек уриб келадур.
Борурда чалғимай ўқдек бориб, яшиндай тез,
Келурда йўлда мадори қуриб-қуриб келадур.
Гаҳи баҳона қилиб, қад букиб кўришмоқни,
Ўпиб қўлингни юзу кўзларин суриб келадур.
Гаҳи кўнгулни келармуш, деб эшитиб турамиз,
Изига қайтади ёнбош била юриб келадур.
Карамлар этсанг, аё мулки дилнинг султони,
Кириб қабулинг ила термулиб туриб келадур.
Етолмайин соғиниб хаста дил Ҳабибингман,
Ўзим бу ерда-ю, кўнглим бориб, кўриб келадур.**

МАҲЖУРИЙ ЖАВОБИ

**Ажаб кўнгилки, келиб бизни кўрмайин кетадур,
Бу ҳажр хасталарин асти сўрмайин кетадур.
Кўнгилнинг келгани чинму, ҳазилму билмаймиз,
Агар чин эрса бир оғиз гапирмайин кетадур.
Гаҳи кўнгилни келармуш, деб эшитиб турамиз,
Қадамни Ўш сарига ҳаргиз урмайин кетадур.
Кўнгилнинг аэропланига Андижон басдур,
Ва лек бизнинг томонга учурмайин кетадур.
Башарти ҳиммат отига миниб кўнгил эгаси,
Юриш қилурда биза бошни бурмайин кетадур.
Вужудингизни ва ё хатингиз кутиб турамиз,
Иккиси бизга томон юз ўгирмайин кетадур.
Деюр кўнгилки, яқинга келиб қадрдонлар,
Нечун сизнинг била суҳбатни қурмайин кетадур.
Кўриш ғанимат эмасму қилиб қадрдонлик,
Кўринг умрники, ел янглиғ турмайин кетадур.
Фалакка етди бошим номангиз кўриб ўқигач,
Дариғ, номанавис келса, кўрмайин кетадур.
Шу ҳақда хаста бу Маҳжур кўнгли маҳзунким,
Хаёлга бизни Ҳабибий келтирмайин кетадур.**

ЁДНОМА

ҲАММАНИ ЙЎҚЛАРДИ

Менинг отам Юнусбойвачча оилада Холмуҳаммад бувамдан (Ҳабибийнинг отаси) катта бўлган. Оиламизда 14 нафар фарзанд эдик. Мен отадан 3 ёшимда етим қолдим. Тез орада онадан ҳам айрилдик. Ака-укаларим ҳам очликдан бирин-кетин вафот эта бошлади. Шунда мендан Зокиржон акам тез-тез хабар олиб турди. Айниқса, ҳайитларда янги кўйлак олиб берганда қувониб кетардим.

Мулла акам ёш болани ҳам сизлаб гапирарди. Ҳеч қачон бировнинг дилига озор бермайдиган киши эди. Менга ҳам «Ўзингиздан каттани ҳурмат қилинг, бировнинг бетига тик қараманг, ҳеч қачон чақимчилик қилманг, чақимчилик — энг ёмон одат», деб уқтирарди.

Новчагина, қотмадан келган, қошлари қоп-қора, истараси иссиқ, юзларидан нур ёғилиб турадиган мулла акам ҳамиша катта-ю кичикка таъзим билан турарди. Ҳар гал мен унинг хонадонида бўлганимда шогирдлари даврасида кўрардим. Маҳалласидаги ёшлар узоқ сафаргами ёки ҳарбий хизматга чақирилганда, албатта, унинг олдига кириб фотиҳа олишар экан. Мулла акам уларга ширинсўзлик билан «болам», «бўтам»лаб оқ йўл тилаб қоларди. У киши мантини кўпроқ хуш кўрарди. Мен Тошкентдан мулла акам келганида манти қилиб чиқардим.

Мен Тошкентга йўл олиб, отам ўрнида оталиқ қилган шоир хонадонига ҳар доим тонг ёришмасдан кириб борардим. Бир неча бор ана шундай пайтда унинг уйининг равонида ижод билан шуғулланаётганининг шоҳиди бўлганман. У киши мени кўриши билан «Ҳай, ҳай зап келибсиз-да, бизни йўқлаб», деб пешвоз чиқардилар. Дилкаш суҳбатдошим бир четдан барча ёр-биродарларини, қўни-қўшниларни сўрарди. Қизиғи шундаки, айрим кишилар гапиришни билади-ю, эшитишни хоҳламайди. Тушуниш, тинглаш ҳам катта санъат. Мулла акам юртимиздаги воқеаларни сўзлаганимда болаларча қизиқиш билан жон қулоғида тинглардилар...

Зуҳрахон ЗУҲРИДДИНОВА

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

РУҲЛАРИ ШОД БЎЛСИН

ҲАБИБИЙ ДОМЛА ҳаёт вақтларидаёқ элга манзур ва машҳур бўлган бахтиёр шоирлардан эди. У кишининг ҳозиргача ижро этилиб келинаётган «Озода гўзал ўлкам» деб бошланадиган шеърини қирқинчи йилларнинг охирлари, эллигинчи йилларнинг бошларидаёқ ёш-яланглар кечқурунлари кўчаларда, айниқса Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ашула қилиб айтиб юрар эдилар. Мен домла билан ўша кезларда танишгандим. Бироқ, у киши билан юзма-юз учрашиш, суҳбатларидан баҳраманд бўлиш менга бирмунча кейинроқ насиб қилди. Мадраса кўрган, чуқур билимга эга бўлган, арузни мукаммал биладиган шоир бобо ўта мулойим, хуш табъ, хушсуҳан одам эди. Домла деярли ҳар бир кишининг исми олдига «мулла» сўзини қўшиб айтарди.

Домланинг камсуқумлиги ва камтарлигига кўп гувоҳ бўлганман. Бир куни ёшу қари шоирлар, санъаткорлар қайсидир колхозга бордик. Дала шийпонида деҳқонлар билан учрашдик. Бизлар шеърларимиздан ўқидик, санъаткорлар концерт қўйиб беришди. Бир маҳал икки хонанда аёл ашула айтди. Ашула тугаши билан домла олдимиздаги стол устида турган гулдондаги гулларни олиб, уларни икки бўлакка бўлиб, хонандаларга тақдим қилдилар. Ҳаммаёқни қарсак босиб кетди. Халойиқ хонандаларга эмас, балки оппоқ соқолли нуроний домланинг ҳимматига қарсак чалар эди. «Эҳ аттанг... — дедим мен ичимда. — Шу ишни биз ёшлар қилишимиз керак эди-ку. Демак, бизларда ҳали маданият етишмас экан...»

Кейинчалик ўшанда йўл қўйганим хатони тузата бордим. Ҳали-ҳануз бирорта аёлга гул тақдим этар эканман, ўша манзара, икки қўлида икки гулдаста гул билан хонанда аёллар томон бораётган Ҳабибий домла кўз ўнгимда туради.

Домланинг энг юксак маданияти — тақводорлиги, художўйлиги эди. Ваҳоланки, у киши яшаган давр — турғунлик йиллари, яъни дин қатағон қилинган, даҳрийларнинг ошиғи олчи йиллар эди. Шунга қарамай домламиз Оллоҳдан бошқа ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмай яшаган муборак зотлардан эди. Маъракаларда Қуръони каримдан бир ёки икки сурани ниҳоятда гўзал, оҳангдор қилиб ўқирдилар. Лекин у кишининг диний эътиқодига хўмрайиб қарайдиган, халал беришга уринадиган кимсалар ҳам оз эмасди, албатта. Дин тараққиётга халал беради, деган ақидага маҳкам ёпишиб олинганди. Модомики, шундай экан, Беруний, Ибн Сино, Хайём, Навоий каби улуғ зотларга нега дин халал бермади, нега уларнинг ижодига тўсқинлик қилмади, деган гапни унча-мунча одамга тушунтириб бўлмас эди. Хуллас, ўшандай даврларда ҳам домла мустаҳкам эътиқод билан яшадилар.

Худонинг ва пайғамбаримизнинг айтганларини бажо келтириб яшаган устоз ҳақида у кишининг ўғиллари Собиржон ҳайратомуз бир воқеани ҳикоя қилиб берган эди:

Домла ўзлари яшаб турган маҳалладаги Хўжа Аъламбардор масжидида адо этиладиган жума намозига қатнашиб турар эканлар. Ўшандоқ жума намозларидан бирига қатнаша олмайдиган бўлиб, олдиндан имомга мурожаат қилибдилар:

— Жума куни ҳовлимда худойи қиламан. Ўшанга тайёргарлик кўришим керак. Шу сабабдан, маъзур тутадилар, жума намозига қатнашмай меҳмонларни кутсам. Намоздан кейин ўзингиз бошлиқ истаган кишилар меникига ташриф буюришса.

Илтимос узрли бўлгани учун имом рози бўлибдилар. Ўша куни масжидга намозга иттифоқо собиқ муфтий Зиёвуддин ибн Бобохон ҳазратлари ташриф буюриб қолибдилар. Намоздан кейин у киши Ҳабибий домлани суриштирибдилар. Имомдан домланинг уйларида ўтказиладиган маросим ҳақида эшитиб:

— Албатта, борамиз, — дебдилар.

Домланинг хонадонига йўл олишибди. Муфтий ҳазратларига жуда кўп одам эргашибди. Домланинг ҳовлилари меҳмонга тўлиб кетибди. Маросимдан кейин домла муфтий ҳазратларига қимматбаҳо зар тўн кийдириб юборибдилар. Бу воқеадан воқиф бўлган бир киши — домланинг қадрдон дўсти Андижондаги иккинчи бир дўстларига «Ҳабибий домла совет шоири бўлатуриб динга, диндорларга яқинлашиб юрибдилар», деган мазмунда хат ёзибди. Ўшандан кейин андижонлик дўстидан домлага хат келибди. Унда домланинг шоир бўлатуриб динга берилиши қораланиб, панд-насиҳат қилинган экан. Домла жуда ранжибдилар. Орадан сал ўтмай ўша дўстларининг иккови ҳам тўсатдан оғриб ётиб қолибди...

Ҳа, шоир аҳлини ранжитмаслик, кўнглига тегмаслик керак. Чунки ҳақиқий шоирлар Оллоҳга яқин бўлади. Улар халқ дарди билан яшайдилар. Ҳабибий домла каби мўътабар зотларнинг ҳаёти ва дастури бу борада ибратдир.

...Ҳабибий домланинг юз йиллигида бир мухлис сифатида озгина сўз юритдим. Шояд жаннатмакон Ҳабибий ҳазратнинг руҳлари андак шод бўлса... Иншооллоҳ!..

Ҳабибий, Ғафур Ғулом, Фарҳод Мусажонов

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» КУНЛАРИ

Келгуси йили «Шарқ юлдузи» ойномаси ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлайди. Шу муносабат билан жойларда ойнома кунлари ўтказилмоқда.

Қашқадарё вилоятида «Шарқ юлдузи» муштарийлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Қадимий Касби элидан бошланган бу учрашувлар Қарши Давлат педагогика олийгоҳида ниҳоясига етди. Шу олийгоҳ муаллимлари ва талабалари билан бўлган мулоқот самимий ва қизғин тус олди. Унда бугунги кунимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий муаммоларига тегишли фикр ҳамда мулоҳазалар кўтарилди.

Қашқадарё элида ўтган «Шарқ юлдузи» кунларида ойнома бош муҳаррири, ёзувчи Ўткир Ҳошимов, ёзувчи Лутфулла Кабиров, ойнома назм бўлимининг мудири шоир Икром Отамуродов, вилоят ижодкорларидан шоир Исмоил Тўхтамишев ва ҳажвчи-ёзувчи Муҳаммад Очилов иштирок этишди.

Учрашувда муштарийлар ўзларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб олиб, ойноманинг келгуси йил режалари билан танишдилар. Учрашувлар ҳар гал шеърхонлик билан якунланиб, иштирокчиларда катта таассуротлар қолдирди.

Шунингдек, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам «Шарқ юлдузи» кунлари бўлиб ўтди. Журнал муҳаррири билан бирга қатнашган таниқли олимлар Озод Шарафиддинов, Абдуғафур Расулов ҳамда маҳаллий ижодкорлар ўқувчиларни ойнома режалари билан таништирдилар. Янги асарлардан намуналар ўқиб бердилар.

Ю. АБДУЛЛАЕВ

САБОҚ

Ёқуббек ЯҚВАЛХЎЖАЕВ

АДАБИЁТГА ва умуман адабиёт аҳлига бўлган муносабат турли йилларда турлича ва хилма-хил бўлган. 20-йилларнинг ўрталаригача бадиий ижод соҳасидаги жанг бирмунча демократик руҳда бўлиб, танқидий мулоҳазалар ошкора ва аниқ айтилган бўлса-да, кейинчалик мафкуравий курашни чигаллаштирувчи муҳит, адабиётга нотўғри муносабат шаклланган эди. Буларнинг ҳаммаси бадиий ижоднинг ўзига хос хусусиятларини инкор этиш, қўҳна адабиёт ва маданий меросимиз, бой миллий анъаналаримиздан воз кечиш шиори билан бошланган эди. Бунинг биринчи зарбаси классик адабиётимизга, унинг энг нодир намуналарига қаратилди, шоҳ мисралар бузиб талқин этилди. Оқибатда Алишер Навоий, Бобур, Аҳмад Яссавий, Машраб—ҳаммалари диний-мистик адабиётга нисбат берилиб, ғазаллар ва ундан келиб чиқадиган маънолар нотўғри изоҳланди, поэтик ижод қонуниятларидан мутлақо узоқ бўлган ғайриилмий асосда «таҳлил» қилинди.

Масалан, Ж. Бойбўлатов «Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик» («Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 13 май) мақоласида Алишер Навоийнинг:

**Сен гумон қилғондин кўра ўзга жойи май мавжуд эрур,
Билмайин наъф этма, бу майхона аҳлин, зоҳидо**

мисраларини шундай «таҳлил» этади: «Сен ўйлаган май (тоат-ибодатдан бошқа май (вино)лар ҳам бор. Билмасдан бу майхона (Байтулло) аҳли зоҳидларини ташлаб, «турк вино» дўконига кириб кетмагин».

Ёки:

**Ишқу аҳли иши топди бори висол ила чора,
Бечора Навоий ғами ҳижронга йўлиқди.**

Мазмуни: «Шерозий, Жомий, Румий кабилар худонинг даргоҳига эришганлар. Лекин Ҳусайн Бойқаронинг министри Навоий бу қисматдан маҳрум бўлиб қолди».

Мана шу тарзда классик адабиётимизнинг бош устунига уни вайрон этувчи тош отилди. Бундай тарғибот шу қадар оммавий тус олдики, оқибатда янги йўналиш деб аталган совет адабиёти учун маданий мероснинг ҳеч қандай маънавий ва маърифий қиммати қолмади. Лекин моҳиятда эса классик адабиётдан баҳраманд бўлмаслик, унинг анъаналарини давом эттирмасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам 20-йилларнинг ниҳоясида халққа танилган, асарлари эл орасида машҳур бўлган ва севилиб ўқила бошлаган Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Боту ва ёш шоир Ойбек ижоди ана шу «бош устун» таъсирида шаклланиб борди. Лекин классик адабиётни инкор этувчи йўналиш ва уларнинг вакиллари мазкур ёзувчилар асарларини ҳам зарарли томонга буришди. Натижада бадиий асарнинг қиммати унинг бадиийлигига, ҳаёт ҳақиқатини қай йўсинда ифода этганига қараб эмас, ёзувчининг қайси синфдан келиб чиққанига, маданий меросга бўлган муносабатига қараб белгиланди. Оқибатда «реакцион» тамғаси босилган шоирнинг «оқиб ётган бу сойлар» мисраси билан «пролетар шоири» деб тан олинган ижодкорнинг худди шу сўзлари бутунлай бир-бирига ўхшамаган маъно келиб чиқувчи мисралар сифатида талқин этилди.

Масалан, Ҳамид Олимжон «Ҳозирги адабиётда Ғайратий» («Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 13 сентябрь) мақоласида Ғайратийнинг:

**Ёқимли ел дарахтларни ўйнатиб тинмайин,
Севинадир кўнгилдаги қайғуларни тарқатиб.
Ғамларимга ўртоқлашар қушларни шодлатиб кетмайин,
Эркинлик йўли экан оқиб ётган бу сойлар —**

сатрларини таҳлил этар экан, мазкур шеърнинг Ғайратий ижодида алоҳида ажралиб туришини, унинг Чўлпон таъсирида ёзилганини, ҳатто шеърни унинг ўзи таҳрир қилиб берганини, натижада Чўлпон мафкураси ҳам аралашиб кетганини ёзади.

Ҳамид Олимжон фикрларида ҳам ғайриилмийлик мавжуд. Лекин мазкур мақолага қарши чиққан Абдусалом «Соғлом танқид учун» («Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 29 сентябрь) мақоласида масаланинг моҳиятига тамомила бошқача, вулгар социологик нуқтаи назардан ёндашади. У ёзади:

«Чўлпоннинг «оқиб ётган бу сойлар»дан тилаги бошқачадир. Лекин Ғайратийнинг юраги ишора қилган «оқиб ётган бу сойлар» ҳозирги ижтимоий-сиёсий йўл эканига шубҳа йўқдир. Бу шеърнинг камчилиги қаерда? Буни айтиш керак. Кенг қулочли қирларда ҳозирги ижтимоий ҳаёт қандай, Чимкентнинг шу қирларида меҳнаткашларнинг кундалик турмуши ва сиёсий аҳволида қандай ўзгаришлар бор? Унда ижтимоий хўжалик ишлари қандай? Унинг меҳнаткаш халқи қандай яшайди? Ғайратий мана шу масалалар олдида жим қолади. Ҳозирги Чимкент ҳавоси, юксак қирларинигина кўради. Унинг остида яшириниб ётган ижтимоий курашни кўрмайди. Мана бу шоир Ғайратийнинг катта камчилиги».

Сезилиб турибдики, адабий танқидчилигимизнинг тараққиёт йўлларида бу каби бадиий ижоднинг моҳиятини тушунмасликдан келиб чиқадиган мақолалар, чиқишлар, нутқлар тўлиб-тошиб ётибди.

Хўш, буларни айтишдан муддао нима? Муддао шуки, адабиётимиз, унинг таниқли намояндалари Чўлпон, Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Шукрулло ва бошқаларнинг бошига тушган мусибатларда юқоридаги каби шафқатсиз ғайриилмий танқиднинг ўрни бениҳоя катта бўлган.

БУЛАРНИНГ бугунги кунимиз учун яна бир сабоқ бўларли томони ҳам борки, бу каби иллатлар инқилобдан кейинги бутун давр мобайнида, ҳатто ҳозирги кунларимизда ҳам хилма-хил кўринишларда ўзини намоён этиб келаётир, ундан қутулишнинг имкони бўлмаяпти. У истаган пайтда «ғоявийлик» шиори остида ўзини ва ўзлигини кўрсатаётир. Бу ўз вақтида баҳосини олган, янги шабадалар эсаётган бир пайтда эълон қилинган «Ғоявийлик — адабиётимизнинг бош мезони» бош мақоласига ҳам хос эди. Бош мақолада ижодкор олдига керак-нокерак талаблар аралаш-қуралаш ҳолда қўйилади, бадиий асар моҳияти, ижодкорнинг мақсади конкрет шеър ёки ҳикоянинг ўзидаги маъно-мазмундан эмас, мақола муаллифининг истагига қараб баҳоланади.

Ҳозир шу сатрларни ёзаётиб хаёлимга бир фикр келди. Балки, ўша Бойбўлатов, Абдусалом ҳам Навоий, Чўлпон шеърларини англамаган, тушунмаган, ҳис қилмаган одамлар эмасдирлар, улар ўзлари билдираётган мулоҳазалар ўз халқи адабиётининг бошига минг бир мусибатлар келтиришини тушуниб-тушунмай, шамолнинг эсишига қараб шу гапларни ёзгандирлар, жонларини сақлаб қолмоққа урингандирлар. Назаримда, «Ғоявийлик — адабиётимизнинг бош мезони» мақоласининг муаллифи ҳам адабиётни яхши биладиган, тушунадиган одамга ўхшайди, лекин у фикрларини ҳақиқат йўлига, ҳалоллик томонга қараб жилдирган эмас. Мана шу каби шамолнинг эсишига қараб фикр билдириш оқибатида айниқса турғунлик йиллари даврида ўзидан юқоридагиларга бирмунча мулойимлик ва хушомад билан, пастдагиларга ортиқ даражада такаббурлик ва беписандлик билан муносабатда бўлишдек иллат шаклланди. Оқибатда танқид, ҳатто оддий эътирозлар билдиришдан ҳоли бўлган ёзувчилар ва асарлар майдонга келди.

Иккинчи томондан, катта ёзувчилар ҳақида «салмоқли» мақолалар ёзадиган катта танқидчилар шаклланди. Яшин, Уйғун, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон сингари адибларнинг ижоди асосан ижобий йўналишда таъкидланиб келинди ёки асарларининг савиясига лойиқ бўлган ҳақиқий баҳосини олмади.

Турғунлик йилларида танқиддан холи бўлган, мадҳсаноларга ўралиб келинган ёзувчилар билан бир қаторда, ҳамиша танқид тиғига учраб турадиган ёзувчилар ва танқидчиларнинг бир тоифаси пайдо бўлди.

Гапнинг очиғини айтганда, «танқид учун қулай бўлган», доимо танқиднинг тиғига учраб турадиганларнинг ёзганлари ҳақида билдирилган мулоҳазаларнинг ҳаммаси ҳам ноҳақ, ғаразли эмас эди. Уларнинг ўзларида ҳам бундай танқидга йўл очиб берадиган ожизлик, ёзилган мақола ва асарларда хомлик мавжуд эди. Лекин бу ҳолат яъни, «қулайлик» кўп ҳолларда суиистеъмол қилинди.

Шу ўринда бир қанча ёзувчи ва танқидчиларни «танқид учун қулай эди» деб айтмоқчи бўлдим-у, лекин бу масала ҳар бир шахснинг ҳалол иқрорига тааллуқли бўлгани учун ҳам фикримдан қайтдим ва ўз тажрибамдан шундай бир мисол келтиришга жазм этдим.

Биз ўша турғунлик йилларида ёзган «Уч қисса ва уч олам» («Ўзбекистон маданияти», 1979 йил 16 октябрь) мақоламизда Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Чоллардан бири» қиссасининг бош қаҳрамони Мустафо тўғрисида мулоҳаза юритиб, уни «Мўмин чол типидаги қаҳрамонлар тоифасига киради», деб айтган эдик. Кўп ўтмай домламиз Умарали Норматов мулоҳазаларимизни қаттиқ танқид қилди. Жумладан, у «Социалистик реализм ва ҳозирги адабий жараён» («Шарқ юлдузи», 1980 йил, 5-сон) мақоласида қуйидагиларни ёзди:

«Танқидчи (бизни назарда тутаяпти — Ё. Я.) қиссада чоллардан бири Мустафо фаолияти тасвирида табиийликка эришганини такрор-такрор мамнуният билан қайд этади. «Ҳалоллик, одамларга бўлган муҳаббат, чинакам маънодаги мулойимлик Мустафо эътиқодига айланган. У бировни ранжитмайди, бировнинг мол-мулкига, туриш-турмушига ҳасад қилмайди, ўзининг ҳаётидан ҳам нолимайди. Мустафо характери ўзининг руҳий олами, ана шу хусусиятлари билан табиийлик касб этади», дея ёзади. Яна «танқидчи Мустафони сўз санъатида янги қаҳрамон сифатида баҳолар экан, бир ўринда: «Мустафо Чингиз Айтматовнинг Мўмин чол типидаги қаҳрамонлардан бири, лекин унинг ўзига хос томонлари, олами, индивидуал томонлари бор», — дея сал пастроққа тушади. Лекин ўзбек адабиётида унга ўхшайдиган, «тенг келадиган» қаҳрамонларни тилга олишни эп кўрмайди, танқидчи яна сал пастроққа тушганда Мустафо типидаги қаҳрамонлар ўзбек адабиётимизда тўлиб-тошиб ётганини, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясидан тортиб, «Ўтмишдан эртаклар»га қадар, Мирмуҳсиннинг «Жамила» повестидан Пиримқул Қодировнинг «Эрк»га қадар ўнлаб асарларда бу тур образларнинг бутун бир галереяси яратилганини эсласа бўларди», дейди.

Орадан бир неча йил ўтгач, «Шарқ юлдузи» (1982 йил, 1-сон) журналининг давра суҳбатида П. Шермуҳамедовнинг «Чоллардан бири» атрофида бўлган мунозараларга муносабатини билдириб айтган қуйидаги мулоҳазаларига эътиборингизни тортамиз. «Мустафонинг тинчгина кечираётган турмуш тарзи, одамларга муомаласи, турли хил мунозараларга сабаб бўлмоқда, — дейди у. — Бировлар Мустафони ўз-ўзини ҳимоя қилолмасликда айбламоқдалар. Мен бу хилдаги бир томонлама фикрларга мутлақо қўшилмайман. Қаҳрамоннинг фаоллиги фақат юзма-юз олишувлардагина намоён бўлади, деб ўйлаш кулгили бўлар эди. Негаки, ҳар бир инсон ҳаёти ўзига яраша мураккаб. Ахир Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасидаги Мўмин чол ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқи учун талашиб-тортишмайди, лекин унинг ёвуз одамларга нисбатан нафрати, ҳалоллиги, мустаҳкам эътиқодининг ўзи ўзига яраша фаоллик эмасми? Мен Мустафо Мўмин чолга айнан ўхшаб қолган демоқчи эмасман. **Мурод Мустафо образи орқали ҳаётий муаммоларни кўтариб чиққан. Мустафо шундай бир тоза, беғубор инсонки, у бировни ранжитмайди, бировнинг мол-мулкига кўз олайтирмайди, бировнинг туриш-турмушига ҳасад қилмайди**. (таъкидлар бизники — **Ё. Я.**). Шу муносабатларига қараб Мустафони пассив қаҳрамон деб бўладими?..»

ЮҚОРИДАГИ мулоҳазалардан кейин П. Шермуҳамедов: «Мунаққид Ё. Яқвалхўжаев «Уч қисса ва уч олам» мақоласида Мустафо ҳақида мулоҳаза юритиб: «...унинг характерида иккинчи бир томон — ўзини ранжитган, таҳқирлаган кишиларга нисбатан исёнкорлик йўқ, йўқгина эмас, бу хусусият Мустафо учун тамомила ёт. Шу ўринда, шубҳасиз, жиддий, мунозарали фикрлар туғилади. Албатта, инсон бўлгандан кейин озми-кўпми исёнкорлик керак. Агар у кимнингдир ҳақоратидан, таҳқиридан ўзини ҳимоя қилолмаса, у нимаси билан ва ким учун намуна бўла олади». Биз бу фикрларга мутлақо қўшилмаймиз», — деб ёзади.

Афсус, мен П. Шермуҳамедов нуқта қўйган жумла ниҳоясига сўроқ аломати қўйиб, юқорида Умарали Норматов танқид қилган мулоҳазаларни айтган эдим.

Мана энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Мустафони ижобий баҳолаганимиз, уни «Мўмин чол типидаги қаҳрамонлар тоифасига киради», деган фикримизга Умарали Норматов эътироз билдирган бўлса, П. Шермуҳамедов биз айтган гапларга ҳамфикр бўла туриб, яна бизнинг фикримизга «мутлақо қўшилмаса», нима ҳам дердик.

Булар адабиётимизнинг кечаги куни, унинг баҳсли саҳифаларидир. Булардан қай даражада сабоқ олишимиз, ижодий тажрибамизнинг қанчалик кўп ва кам бўлишига, мукофотларимизнинг нечоғли юксак ва машҳурлигига, ёшимизнинг қанчалик катта ва кичиклигига қарамай, виждонимизга, рўй-рост тавба-тазарруъ қилмоғимизга, ҳақиқатнинг кўзига тикка қарашимизга боғлиқдир.

Афсуски, кўпчилигимиз тарихдан сабоқ олмаяпмиз. «30-йилларнинг даҳшатини сезмай гапириш осон», «Ҳамма ишонган эди», деб ўзимизни оқлаяпмиз. Кечагина Чўлпон ва Фитратни минг бир лаънатлар билан тилга олиб, «ашаддий миллатчи», «адабиётимиз душмани» деб сўйлаганлар, «Битсин Қодирий, битсин Чўлпон, битсин Усмон Носирлар», деб шеър ёзганлар гўё бугун ҳеч нарса сезмагандек, ҳамма нарса унутилгандек, тарих саҳифалари куйдирилиб, йўқ қилингандек «Чўлпон ҳам бизнинг устозимиз эди», деб гапиришдан хижолат бўлмаяптилар. Кечагина Қодирийни социалистик реализм ижодий методига яқинлаштирмаганлар бугун «прозамизнинг асосчиларидан бири» деб айтаяптилар.

ГАПНИНГ ОЧИҒИ, ҳеч ким ўз даврида ва кейинги йилларда Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирларга лаънат тошларини отганлар билан ҳисоб-китоб этишни талаб қилаётгани йўқ. Фақат улардан ҳақиқатни айтишни, тарихдан сабоқ олиб бугунги авлод учун эсдан чиқармайдиган ҳақиқатни баён қилишларини сўраяптилар. Чиндан ҳам, 20—30-йиллар фожиаларида иштирок этганлар, унинг гувоҳи бўлганлар ҳамма нарсани рўй-рост ёзганларида тарихимизнинг бугунги кўриниши бир қанча покиза саҳифалар билан тўлган бўлур эди.

ОТАЁР

ТАСОДИФ ТЎЛА УМР

Тасодифга тўла ҳаётим,
Бахту тахтим тасодифдандур.
Чарақлайди безаб бисотим
Умримнинг осмонида нур.

Тасодифдан топдим ишқимни,
Муҳаббатнинг измида қолдим.
Ундиролдим севган ишимни
Бирда ғолиб, бирда йўқолдим...

Тасодифсиз сафарларим йўқ,
Сафарларим — умрим мазмуни.
Ўтган умрим тасодифга лиқ...
Тасодифда кўрдим орзумни.

Яхши-ёмон кунларни кечдим,
Зил асаблар кемирар юрак.
Билмай қолар бир куни ҳеч ким
Тасодифдан кўз юмсам керак...

МОВИЙ НИГОҲ

Оҳ, оташ нигоҳи...
Сайёднинг ўқига учрагандайман,
Гулханда ёнолмай ўчгандайман,
Чўнг денгиз тубига чўккандайман,
Ўзга бир дунёга кўчгандайман,
Жон олди чоғи?!.

Мовийлик шунчами?!
Жон сўраб турар шу мовий оташ,
Шу мовий денгизда—парча қуёш,
Шу мовий кўзларда аёвли ёш,
Аёвли ёш, ҳам дош, ҳислар
талош...
Ё — ишқ тугунчами?

АЁЗНИНГ ТУШИ

Эҳ, қишнинг аёзи изғийди,
Заҳрини сочар у атрофга.
Гоҳида эриниб мизғийди,
Ясатиб тўшаги — оқ қорға...

Зўраяр шўрликнинг мудроғи,
Шу куйи туш кўрар бечора:
Жимгина эрирмиш оқ қори,
Қўлидан келмасмиш ҳеч чора.

Чираниб келмасмиш ҳушига,
Оқ қори сув бўлиб елармиш.

Баҳорни кўрармиш тушида,
Ҳолига майсалар куламиш...

Эҳ, қишнинг аёзи — бечора
Шу куйи туш кўрар, йўқ чора!

ХОТИМА

Ўлим!.. Ҳақиқатан борлиқда сен ҳам,
Сенинг ҳам ҳаётда фармонинг вожиб.
Ҳукминг гоҳида ҳақ, гоҳида ситам...
Ҳеч ким фармонингдан кетолмас қочиб.

Мени ҳам сўроқлаб келишинг тайин —
Ўтиб эрта, индин, ё ярим аср...
Шунда турқингдан кўз узмай атайин
Тик боқиб юзма-юз тургайман басир.

Лип этиб ўтгуси ўшанда кўздан,
Ҳаётда қолгуси заҳматкаш изим.
Ризо бўлиб шунда умрдан, ўздан
Шукурона айтиб юмгумдир кўзим.

Ўлим, сен ҳам ҳақсан, фармонинг
вожиб!
Сендан юргай фақат нокаслар қочиб...

РУБОИЙЛАР

Дунёда ташвишларни кўп чекди
бошим,
Гоҳ қувондим мен, гоҳ тўкилди ёшим.
Кашф этдим ўзимга битта ҳақиқат:
Ҳақиқат, бу — ташвиш, ишонч,
бардошинг!

●

Биламан, дунёда сен борсан,
Васлингни тополмай мен хорман.
Биламан, учратгум бир куни,
У пайт ҳам сен — гул, мен тупроқман.

Йўлдош ЭШБЕК

«ЭГАСИЗ ЮРТ»

«НОМАЪЛУМ РАССОМЛАР» ТУРКУМИДАН

Муҳандис Анвар акага

Менинг қисматимда бечоралик йўқ,
Ахир қушлар ҳеч вақт тилсизман
демас.
Узун нола тортар қандайдир ит... ўҳ!
Соҳибга ғам чекар, ўзига эмас.
Нечун бу кулгулар...
Совуқ ўт пуркар,
Ёмонлик қилмади бу ёлғиз йигит.
Ҳар битта юракнинг тагида аждар
Оғу сақлармн, ё!
Тилломи?
Умид?
Менинг арслонларим жим алла айтар,
Уқир аждарларим сўзсиз марсия:
«Бизга ҳур ҳаётдай эртакни қайтар!»
«Йўқ, ўлган соҳибман!»
«Ит бор»
«Хайрият!»
Узун кўчаларда эгасиз отлар
Ғамгин ирғишлайди — беҳуда ҳурлик.
Жисми йўқ кўздирман!
Овозсиз додман!
Бу қандай томошо!
Бу қандай хўрлик!
Чўкиб бораётир;
Минглаб қулларим,
Эркка йўл бердилар — йиғлайди озод!
Фарёд қилар
Қаттиқ
Зилмушт қулларим,
Чўкаётган чақалоқлар — типирлар...
нажот!
Чўкаётган мамлакатда полвонлар
Кўзидан қўзғалар тўфонли фарёд.
Узун сочларида узун бўронлар
Ҳайқирар
Соҳилда қоядай бир зот:
Қушлар учаётир —
Осмонда шодлик,
Итлар кўшиқ айтар ойларга қараб.
Бу қандай ҳаётдир!
Қандай озодлик!
Мен ўзим найзаман.
Найзаман!
Қайтар! —
Учиб кетаяпман.
Кўрганлар қуш дер.
Найзаман, ўзимга қараб учаман.
Қайтаргин,
Эй, дўстим!
Кўксим — она Ер!
Қайтарсанг қалқонман
Ерга
Тушаман.
Ҳар одами подшо,
Эй, чўнг мамлакат!

Ўзимни фуқаро,
Шаҳаншоҳ қилдим,
Бу ёғи даҳшатдир!
Бу ёғи даҳшат!
Юртим, душманларинг кўп экан,
билдим!
Юртим, душманларим кўп экан,
билдим!
Бу элларда отлар чопгандир.
Ўзи қолиб ётлар чопгандир.
Элим, бахтми, тахтми топганинг?
Сен озор егансан — душманинг кўпдир.
Беозор экансан — душманинг кўпдир.
Ҳар боласи подшо,
Чўкаётган диёр,
Ҳар ноласи дуо,
Чўкаётган диёр,
Ҳар дуоси илтижо,
Чўкаётган диёр,
Ҳар одами ғариб
ўчаётган диёр,
Ҳар одами мағлуб
чўкаётган диёр,
Сен озор ютгансан — душманинг
кўпдир.
Бахтиёр ўтгансан — душманинг
кўпдир!»
Кўп узун мизларда қатор сарварлар,
Бошларини эгиб недир ахтарар.
Юртдан сал нарида
Ариган ғамни
Ҳорғин аскарларга кимдир сочарми
Қалин ниқобини ечиб негадир,
Дўқ уриб шипшийди,
Ўқдириб шипшир,
Душман қўмондони?
Майли у кимдир,
Барибир аблаҳдир!
Ниқобли қитмир!
Ўтириб шипшийди,
Тик туриб шипшир
Ҳорғин аскарларга
Дўқ уриб шипшир:
«Билиб-билиб юринг
Бу юртни...
Қиринг!
Бўз бериб қирингиз,
Сўз бериб қиринг!
Туз бериб қирингиз!
Қиз бериб қиринг?!
Йўқса ҳар гиёҳи шифо диёрдир,
Йўқса ҳар чўпони ҳокимдан буюк,
Йўқса ҳар подшоси шоирча бордир,
Йўқса ҳар шоири султондан улуғ!
Бирига ўн туринг!
Болаларин ўлдиринг!
Бу юртни қиринг!
Кулиб-кулиб юринг!
Дўст бўлиб қиринг!
Бўлиб-бўлиб туринг,
Не қилсангиз қилинг!
Бу диёрни қиринг!
Инсоф қилинг
Салгина
Қулликка ҳам қолдиринг,
Ўз-ўзига қирдиринг —
Бу диёрни қиринг!
Тур деб айтманг,
Туринг!
Бу диёрни қиринг!
Уйғон деманг,
Ухлатинг!

Юриш қилса тўхтатинг!

Уйғонинг!

Лашкар суринг!

Бу диёрни қиринг!

Бу диёрни қиринг!!

Бу диёрни қиринг!!!»

Хайриддин СУЛТОНОВ

БОБУРНИНГ ТУШЛАРИ

ЭССЕ

БУ МУАЗЗАМ асарнинг ҳар бир сатри ҳақида биттадан ҳикоя ёзиш мумкин.

Чунки у улуғ инсоний тажриба ва беқиёс инсоний фазилатлар ила йўғрилган китобдир. Чунки бу нодир дурдонанинг яратгувчиси соҳиби фазилат, соҳиби ҳикмат бўлган мумтоз бир кишидир. Жаҳон тарихи унинг сингари заковатли ва шижоатли зотларни кам кўрган.

Шу боис ҳам «Бобурнома»ни китобат қилган котиблардан бири китоб ниҳоясида асар муаллифини таърифлаб: «Ва фазилат бобида камлиги йўқ эрди», дея таъкидлайди.

Бу сўзларда муболаға йўқ — айни ҳақиқатдир.

Бунга ишонч ҳосил этмоқ учун «Бобурнома»ни кўнгил кўзи билан яна бир карра мутолаа қилиш кифоя.

Мутолаа сўнгида эса одамнинг хаёли осмон қадар юксалиб, тасаввури бениҳоя равшан тортиб кетиши табиийдир.

Мен бугун шундай ҳолатдаман.

Бобур ва «Бобурнома» ҳақидаги баъзи қайдларимда бу асарни Ибрат китоби, Мардона китоб, Донишмандлик китоби дея атаган эдим. Навбатдаги мутолаадан кейин бу муҳташам асар саҳифаларида буюк бир сир, инсонни лолу ҳайрон этадиган сеҳрли тилсимлар ҳам пинҳон эканига иқрор бўлдим.

Ва шу сабаб бу китобга Буюк сирлар китоби деб таъриф бериш ўринлидир, деган мулоҳазага келдим.

Буюк сирлар китоби... Оламнинг яралиши, тузилиши, унинг ажабтовур ишлари — бошдан-оёқ сир, одам эса ундан-да сирлироқ бир хилқатдир. «Бобурнома»ни саҳифама-саҳифа варақлаб кўрсангиз, унинг қатларида ўнлаб ғаройиб тилсимотларга дуч келасиз.

Уларнинг шарҳига тилингиз, тафаккурингиз ожиз қолади.

Чунки шу сирли ҳодисаларни зикр этган зотнинг ўзи уларга шарҳ тополмаган. Дунёда илми ғайб деб аталмиш мўъжиза мавжудлигига «Бобурнома»дек ҳаққоният китобини мутолаа қилган киши, шубҳасиз, имон келтиради.

Биламизки, Бобур ўз даврининг пешқадам мутафаккири сифатида хурофотдан, тараққиёт йўлига ғов ташлайдирган турли бидъатлардан йироқ бўлган. Имкони қадар бунингдек қарашлар ва хатти-ҳаракатлардан узоқ юрмоққа тиришган. Хурофот билан ҳақиқат чегарасини жуда нозик фарқлаган Бобур Мирзо бир ўринда шундай ғалати манзарани тасвирлайди:

«Ғазни кентларида бир мазор бордурким, саловот айтғоч, қабр мутаҳаррик бўлур. Бориб мулоҳаза қилилди, қабрнинг тебрангани махсус бўлди. Сўнгра маълум бўлдиким, мужовирларнинг тазвири экандур. Қабрнинг устиға бир жуля ясабтурлар, ҳар замон жуляға тегадурлар, жуля тебрангач, қабр тебрангандек махсус бўладур. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач соҳил мутаҳаррик махсус бўлур. Буюрдумким, мужовирлар жулядин йироқ турдилар, бир неча саловот айтдилар, қабрда ҳаракате махсус бўлмади. Буюрдумким, жуляни бузуб, қабрнинг устида гунбаз қилдилар. Мужовирларни бу ҳаракаттин таҳдид ила маън қилилди».

Бу — Бобур ҳаётидаги ягона ҳодиса эмас. Бобурнинг умр китоби — «Бобурнома»дан шу янглиғ мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўз қўшини сафида хизмат қилган Муҳаммад Шариф деган мунажжимни эслаб ўтаркан, Бобур унинг сохта кароматларидан аччиқ истеҳзо билан кулади. Жангу жадаллар учун қулай пайт етганида бу шумнафас мунажжим кўп ҳолларда ёлғон башоратлар билан Бобурнинг шаҳдини қайтармоққа уринган. Бу тун Миррих ғарб соридир, шул тарафдан урушқон киши мағлуб бўлғусидир, қабилидаги уйдирмаларга қулоқ тутмаган саркарда бунинг акси ўлароқ зафар қозонган.

Демак, аён бўлаётирки, Бобур илоҳий ҳақиқат нима, хурофий ақида нима — бағоят теран англаган, мураккаб, қалтис тарихий муҳитда ягона тўғри йўлни адашмай топа билган.

«Бобурнома»нинг илоҳий ёғду билан мунаввар саҳифаларида Бобурнинг ғаройиб тушлари тафсилига дуч келамиз.

Ҳижрий тўққиз юз олтинчи йил, кеч кузак. Қоронғи, узун кечалардан бири. Хазонлар ҳазин шивирлаган шу сокин тунда Бобур Мирзо сирли бир туш кўрди. Бу туш таъбирига киришмоқдан аввал бир сония ҳикоямиз учун бениҳоя аҳамиятли бўлган бир нуқтага диққат қилайлик. Маълумки, Бобур замонасининг пири комили, даврнинг мўътабар зотларидан бири бўлмиш Хожа Убайдулло Аҳрорга юксак эътимод қўйган эди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий сингари даҳолар пир деб билган ва маънавий устоз сифатида ғоят қадрлаган Хожа Аҳрори валийнинг пок суврат ва сийрати «Бобурнома» саҳифаларида айниқса ёрқин намоён бўлади. Бобур Хожа Аҳрор сиймосини илоҳий қаламнинг илоҳий қудрати билан чизади. Бу суврат кейинчалик, орадан не бир замонлар ўтиши билан ёлғончи муаррихлар ва қаламкашларнинг замонасозлик бўёғи ила қалбакилаштирилади, Хожа Аҳрори валий жамики ноинсоний хислатларнинг мужассам тимсолига айлантирилади. Шу тариқа синфий ёндашув асосида ҳам кулгили, ҳам аянчли мантиқсизлик вужудга келади: ўнлаб, юзлаб илмий тадқиқотларда, бадиий асарларда гўёки Жомий ва Навоий тараққийпарвар-у, уларнинг руҳий камолига кўприк бўлган Хожа Аҳрор бориб турган жаҳолатпараст бир кимса... Бундай туҳматларнинг қай даража қабиҳлигини ва даъволарнинг нечоғли пучлигини англамоқ учун ҳам «Бобурнома»га мурожаат этсак ўринли бўлур.

БОБУР ЗАМОНАСИДАГИ бирор кишига баҳо берар экан, аксарият ҳолларда унинг Хожа Аҳрорга бўлган муносабати ёки Хожа Аҳрорнинг шу шахсга бўлган муносабатини асосий мезон қилиб олади. Жумладан, падари бузургвори Умаршайх Мирзонинг феъл-атворини таърифлаб келиб: «Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эрди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эрди, Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд дер эдилар», дейди. Ёки Султон Аҳмад Мирзонинг Хожа Аҳрорга бўлган ихлоси хусусида сўз юритиб, ушбу лавҳани зикр этади: «...дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа мажлисида суҳбатида бар хилофи одат оёғини ёвуткаб ўлтурубдир. Мирзо қўпқондин сўнг ҳазрати Хожа буюрибдурларким, Мирзо ўлтуғон ерни боққайлар, бир сўнгак бор экандур.

Султон Аҳмад Мирзодек давр сурган ҳукмдорки Хожа Убайдулло Аҳрор суҳбатида шу қадар одоб сақлаб ўлтирар экан, демак, бунда чуқур бир маъно бор. Шунинг учун ҳам Бобур сўзида давом этиб: «Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар», дейди.

Бобур гоҳо замондошларидан бирининг салбий хислатлари ҳақида фикр юритар экан, ўша шахснинг Хожа Аҳрорга нисбатан салбий муносабати унинг табиатидаги иллатларнинг пировард натижаси эканини алоҳида таъкидлайди. Султон Маҳмуд Мирзо, деб ёзади у, «бад эътиқод киши эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға истихфоф қилур эди. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масхара ва бебок тегрaсида бор эди. Девон бошида ва халойиқ қошида зишт ва шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди».

Шуниси диққатга сазоворки, Бобур тарихий шахсларга баҳо бераётиб, биринчи галда уларнинг насл-насаби — валодати, шакл-шамойили, ахлоқ ва атвори билан бир қаторда устози — тарбият берган мураббий ва муқаввийларига махсус эътибор қаратади. «Хожа Мавлонои қозининг оти Абдуллодур. Бу от била машҳур бўлуб эди. Ота тарафидин насаби шайх Бурҳониддин Қиличқа мунтаҳи бўлур. Она тарафидин Султон Илик Мозиға етар. Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар. Хожа қози ҳазрати Хожа Убайдуллонинг муриди эди. Алардан тарбият топиб эди. Хожа қозининг валийлигида менинг ҳеч шакким йўқдур».

Кўрдикки, Бобур Мирзонинг Хожа Аҳрори валийга эътиқод-эҳтироми ғоят баланд мақомда бўлган. Хожа Аҳрори валийнинг мўътабар шахси ва илоҳий сиймоси, ўз навбатида, Бобур тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Бу фикрни Бобурнинг ишларигина эмас, ҳатто тушлари ҳам тасдиқ этади.

Дарвоқе, сўз Бобурнинг тушлари хусусида эди. Алқисса, ҳижрий тўққиз юз олтинчи йил, кеч кузак, қоронғи, узун кечалардан бирида Бобур Мирзо сирли бир туш кўрди. «Ўшул фурсатта ажаб туш кўрдум, — деб ҳикоя қилади. Бобур.— Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқдим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Турки дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ўшул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим».

Тушда аён бўлган бу илоҳий кароматнинг қай тариқа ва қай даража амалга ошганини билмоқ учун «ўшул фурсатта» Бобур ҳаётида қандай тарихий ҳодисалар юз берганини кузатмоқ лозим. Мазкур туш тафсилотидан хиёл аввал Бобур бунга изоҳ бериб ўтади: «Бир куни Асфидак қўрғонида жами ичкилар, мисли Дўст Носир, Нўён кўкалтош, Хонқули, Каримдод, Шайх Дарвеш, Хисрав кўкалтош, Мирим Носир бори ҳозир эдилар, менинг қошимда ўлтуруб эдилар. Ҳар тарафдин сўз ўтар эди. Дедимким: «Келинг, айтингким, тенгри рост келтурса, Самарқандни қачон олғайбиз?» Баъзи дедиларким: «Ёзға олғайбиз». Ул маҳал кеч куз эди. Баъзи «бир ойқирқ кун», баъзи «йигирма кун», дедилар. Нўён кўкалтош дедиким: «Ўн тўрт кунда олурбиз». Тенгри рост келтурди, рост ўн тўрт кунда-ўқ Самарқандни олдук».

«Тенгри рост келтурди...» Тангри рост келтирган бу башоратнинг аввало Нўён кўкалтош тилига, сўнгра Бобур Мирзо дилига Хожа Аҳрори валий томонидан солиниши чиндан ҳам илоҳий бир мўъжиза эмасми?

Биз бугунги кунда ғайриоддий хислатлари билан кўпчиликни ҳайратга солаётган афсунгарлар, кўзбойлоғичлар ва улар сафидаги талай товламачиларнинг хатти-ҳаракатларига қойил бўлиб, таҳсин ўқиб ўтирибмиз. Бироқ кўҳна тарихимизни синчиклаб кўздан кечирадиган бўлсак, ҳар қадамда илоҳий кучларнинг ҳақиқий қудрати билан изоҳлашгина мумкин бўлган тилсимот ва жумбоқларга дуч келаверамиз.

Ҳижрий тўққиз юз саккизинчи йил, қаҳратон қиш, совуқ, зимистон тунларнинг бирида Бобур Мирзо яна бир тилсимлик туш кўрди. «Бобурнома»да бу туш тавсифи ва у билан боғлиқ баъзи тарихий ҳолатлар шу қадар ҳаққоний ва шу қадар теран инсоний изтироб билан йўғрилганки, бирмунча узунроқ бўлса-да, батафсилроқ кўчирмалар келтириб ўтиш ҳикоямиз мақсадига мувофиқ бўлур.

АЛҚИССА, ҳижрий тўққиз юз саккизинчи йил қишига келиб Бобур Мирзонинг ишлари тараққийдан таназзулга юз тутган эди. Самарқанддан қувилиб Андижондан айрилиб саргардон юрган кезларида унинг аҳволи бисёр паришон эди. Ўз ҳолатини ўзи таърифлаб айтганидек, вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар парокандa... Ана шундай маъюс, қутсиз ва таҳликали кунларнинг бирида у Карнон деган бир масканда ёғий қўлида қуршовда қолади. Уни не вақтга қадар измама-из таъқиб этиб келган ғаним навкарлари макр-ҳийла ила тириклайин қўлга туширмоққа тиришадилар. Ёлғон ваъдалар бериб алдамоққа уринадилар. Бобур Мирзо ёлғиз ўзи, қуролсиз, яроғсиз, уловсиз — имконсизлик қаърида қолиб, энг сўнгги чорага аҳд қилади: «Муни дегач, манга ғариб ҳолате бўлди. Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш. Мен дедимким, ростлиғини айт. Агар иш ўзгачарак бўлғудектур, худ вузу қилай. Юсуф онтлар ичти, вале анинг онтиға ким инонадур. Ўзумда бетоқатлиғе фаҳм қилдим. Қўптум, боғ гўшасиға бордим. Ўзим била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак.

Агар сад сол мони вар яке рўз
Бибояд рафт азин кохи дилафрўз*.

«Ўзумни ўлумга қарор бердим, — дея қайғули қиссасини давом эттиради Бобур Мирзо. — Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг ўғли — ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимға аблақ от миниб, кўп жамоати аблақ сувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлик масnaдиға ўлтурғузубмиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг».

«Ўшал ҳолда хушҳол бўлуб уйғондимким, — дея ҳикоя қилади Бобур Мирзо, — Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бирига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб ҳаял қиладур, тутуб боғламоқ керак.

Бу сўзни мен эшитиб дедимким, сизлар бу йўсунлуқ сўзлашурсиз, аммо кўрайимким, қайсингиз менинг қошимға кела олурсиз? Ушбу сўзнинг устида эдиким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди. Юсуф доруға дедимким, биз агар сизни олиб Танбал қошиға борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди. Ҳоло яна кўп киши йиборубтур, сизни тутғали. Ул яқин қилдиким, бу овоз Танбалнинг йиборган кишиларининг отини товуши бўлғай. Бу сўзни эшитгач, манга изтироб кўпроғ бўлуб, қилур ишимни билмадим...»

БУ САТРЛАРНИ юрагимиз энтикиб ҳаяжон ила ўқир эканмиз, биз ҳам қаттиқ изтиробга туша борамиз. Аммо ич-ичимиздан аллақандай бир мўъжиза рўй беришига, мўъжиза рўй бермасдан мумкин эмаслигига имон келтирамиз. Чунки боягина мазкур бўлган тушда: «Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарга келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз», деган илоҳий бир каромат эшитилган эди-ку? Таҳлика ва ҳаяжондан жонимиз бир жойга етганида интизорлик ила кўз тутганимиз мўъжиза содир бўлади— Бобур Мирзонинг товуши яна қатъият ва шижоат билан янграй бошлайди:

«Ўшал ҳолда бу отлиқлар боғнинг эшигини топарға фурсат қилмай, деворниким, эски бўлғон еридин рахна қилиб кирдилар. Кўрсамким, Қутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобои Парғарийким, менинг жон тортқон навкарларим, ўн-ўн беш, йигирма киши бўлғой, етиб келдилар. Булар ёвуқ келиб, оттин ўзларини ташлаб, йироғдин юкуниб, таъзим қилиб менинг оёғимға йиқилдилар. Ўшал ҳолда манга андоқ ҳолат бўлдиким, гўё манга янги боштин худой жон берди. Мен дедимким, ул Юсуф доруғани ва бу турғон муздур мардакларни тутуб боғланг. Ўшал мардаклар қоча бериб эдиким, бир ерда бировни тутуб боғлаб келтурдилар...»

Энди бир зум нафасни ростлаб, ажал чангалидан қайтган Бобур Мирзо билан биргаликда тангрига шукрона айтмоқ фурсати етди. Табиийки, вужудни зилзила янглиғ зир титратган ўлим ваҳми хиёл аригач, халоскорларга юзланиб савол берилгай:

«Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз?

Қутлуғ Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқғонда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулло дедиларким (!), Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлик маснади анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу тушни кўруб, хушҳол бўлуб, улуғ хон, кичик хонға арз қилдим, хонларға дедимким, менинг беш-олти ини-ўғлум бор, яна бир неча йигит қўшунгиз, Карнон тарафдин бориб хабар олайин. Хонлар дедиларким, бизнинг хотиримизға ҳам етадурким, ўшал йўлға борғон бўлғай. Ўн киши тайин қилдилар... Бобои Парғарий дедиким, мен ҳам бориб истармен, ул ҳам икки йигит иниси билан иттифоқ қилиб отландук. Бу кун уч кундурким, йўл келабиз. Алҳамдуллиллоҳ, сизни топдук...»

Хўш, бу ақл бовар этмас ҳолни қандоқ шарҳлаш мумкин? Оддий бир тасодифнинг оддий бир кўриниши деб талқин этсак, кулги ва мазахга сазовор бўлмаймизми?

Ҳарқалай, моддиюнчи — материалистик дунёқарашга асосланган бизнинг тасаввуримиз бу ғаройиб тилсимотни дабдурустдан қабул қилиши ва идрок этиши маҳол. Моддиюнчи дунёқарашнинг улуғ бир айби будуркм, у оламни сирру сеҳрдан, бинобарин, жозибадан маҳрум қилиб қўяди. У ҳамма нарсани қуруқ ва жўнгина мантиқ қолипига тортишга уринади, бешарҳ ҳодиса-ҳолатларга шарҳ топишга уринади. Шу тариқа моддиюнчиликка ихлос қўйган одамнинг тасаввури ҳам қашшоқлашиб, бепоён ва рангин олам, бағрида миллионлаб тилсимларни жо этган коинноту уммонлар шунчаки оддий табиий жисмларга айланиб қолади. Моддиюнчилик инсоннинг кўнглидаги илоҳий нурни сўндиради. Сўндиради-ю, эвазига, афсуски, ҳеч нарса тақдим қила олмайди...

Бобур Мирзо, кўрдикки, қалбида ҳамиша илоҳий нур шуъла сочган бир зот бўлган. Ана шу қудратга ишонч, уни тан олиш, унинг ҳукми ва адолатига бўйинсуниш, унинг қасосидан ҳайиқиш — буларнинг барчаси буюк жаҳонгирнинг ҳар бир қадамини қаттиқ тафтиш остига олиб кузатиб борган, уни ўринсиз хунрезликлар, шариат аҳкомлари ва даврнинг ахлоқий қоидаларини бузишдан сақлаб келган. Шу маънода «Бобурнома»да акс этган адолат тушунчаси, адолат туйғуси ғоят эътиборга моликдир. Бу туйғу зикр этганимиз ўша илоҳий қудрат билан чамбарчас боғлиқ, ундан маънавий озиқ олади.

Маълумки, Бобур ўз қўшини ўртасида жуда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатган. Халққа ноҳақ зулм қиладиган, талончилик билан шуғулланадиган навкарларга, аскарбошиларга унинг нафрати бениҳоя чексиз бўлган. Бобурнинг нуқтаи назарича, бундай манфур кимсалар муқаррар равишда сазовори лаънат бўлиб, қасосга учрашлари шубҳасиздир.

«Бу юрттин кўчиб, Қорабоғ ёнидаги Оқсарой ўлангига тушулди, — дея саргузаштларидан бирини ҳикоя қилади Бобур. — Хисравшоҳнинг эли — куни зулм ва бесарликка ўрганган эл, элга зулм қила бошладилар. Охир Сайидим Али Дарбоннинг бир ўбдон навкари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олғон учун эшикка келтуруб таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар».

Ёки бошқа бир ўринда — Ём навоҳисида экан чоғида рўй берган бир воқеани сўйлаб, Бобур ибратомиз бир ҳолни баён этади. Бу кентда аҳолидан зўрлик билан талаб олинган мол-мулкни тонгга қадар эга-эгасини топиб қайтариб беришни Бобур аскарларига қатъий суратда амр қилади. Эртасига, деб хотирлайди у, черик қўлида нина синиғию ип учигача қолмади — барини элга қайтариб берилди. Донишманд салтанат соҳиби Бобур ҳижрий тўққиз юз ўттиз иккинчи йили махсус фармон чиқарди. Бу фармонга биноан кишилардан, шаҳар ва қишлоқлар, кўча ва гузарлардан олинадиган солиқ — тамға пули бекор қилинади. Назмий йўсинда битилган, иқтисодий муаммолар таҳлилига бағишланган рисоласи «Мубаййин»да эса у мулкдор гуруҳларнинг бева-бечора, қашшоқ-нотавонларга доимий равишда кўмак бериб туришларини амр қилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу билан Бобур мазкур буйруққа қонун тусини берган экан.

САОДАТЛИ шоҳ эл-улуснинг муқаддас жойларига, халқ тавоф этадиган мозор ва сағаналарга ҳамиша эҳтиром билан муносабатда бўлиб келганлиги, уларнинг қайси дин, қайси мазҳабга мансублигидан қатъий назар, оёқости этилишига, таҳқирланишига қарши кескин курашгани яхши маълум.

«Уч кун Синд ёқаси билан-ўқ келдук. Уч кундин сўнг Пир Кону мазори тўғрисидин Синд дарёсидин айрилиб, Пир Кону мазориға келиб туштук. Черик элидин баъзи мазорнинг мужовирлариға мазеҳим бўлғон учун бирини сиёсат учун пора-пора қилдурдим. Бу мазор Ҳиндистонда бисёр мўътабар мазордур».

Бу сатрлар кишини беихтиёр теран ўйларга ғарқ қилади.

Бобурни талончи деб атаган, мустабид қонхўр, дея маломат таққан, умр бўйи халқнинг муқаддас меҳробларига ўт қўйиш билан, ўзи сув ичган булоқларга тупуриш билан машғул бўлган замонамизнинг баъзи арбоблари бугун — эл нафратига дучор бўлиб ўлтирган чоғларида «Бобурнома»ни қўлларига олиб, айни шу саҳифаларни ўқиб кўрсалар қандоқ бўларкин? Мозорларни бузган, зиёратгоҳларни кунпаякун қилиб «оқ олтин» майдонига айлантирган, халқнинг асрий байрамларини тақиқлаган, эски имлодаги ҳар қандай китобни кўриб лабига учуқ тошадиган бу жаҳолат бандалари шунда қандай ҳолатга тушган бўлур эдилар?

Бадбин кўнгилларида бир зум иштибоҳ пайдо бўлармикан?

Тазарру уйғонармикан?
Афсуски, биз буни билмаймиз.
Билолмаймиз.

Лекин, шу нарса аёнки, қайта қуриш деган шиор байроқ бўлиб, ошкоралик деган гап тилларда достон бўлган замонамиз кунларида ҳали бирор мард ўртага чиқиб, аё биродарлар, мен фалакнинг гардиши ёки билимсизлигимдан ёки қўрқув ёки амал илинжида ўтмишимизга тош отган эдим, лозим кўрсангизлар авф этингизлар, деб айтгани йўқ. (Худога қараб айтиш лозимки, машрабшунос олим Муҳсин Зокировнинг тазарруси бундан мустасно.) Шуларни ўйлар эканман, гоҳо шундай хаёлларга ҳам бораман: гўёки ўтмишимизни қора туфроққа булғаган биз ўзимиз эмас, гўёки Наврўз байрамини тақиқлаган биз ўзимиз эмас, масжиду меҳробларни ароқ омборхонасига айлантирган биз ўзимиз эмас — худди ғойибдан, ўзга сайёрадан номаълум мавжудотлар келиб, бизнинг бош-кўзимизни афсун билан гаранг айлаб, шу кирдикорларни қилиб кетгандек...

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: хўш, Бобурнинг кўнглида адолат туйғуси, қачон, қай тариқа қарор топган эди? Табиийки, бунда биринчи галда у униб-ўсган оила муҳити, унга таълим берган мураббийларнинг тарбияти ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Масалан, унинг падари бузургвори Умаршайх Мирзога хос адолат туйғусини олиб кўрайлик.

* Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгул очгувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур. (Форс.)

Давоми еттинчи бетда

Машраф БОБОЕВ

«ҚАЧОН ХАЛҚ БЎЛАСАН...»

АБДУЛЛА ОРИПОВнинг бу машҳур ибораси («ибора» деётганимнинг сабаби — сатрни тўла келтираётганим йўқ) хаёлимдан кетмай қолди. Сабаби... Кейинги бир йил ичида жумҳуриятимизда ҳаёт, сиёсий вазият бир мунча яхши томонга қараб ўзгарди. Бунинг боисини раҳбариятга янги, халқнинг дардини биладиган, бу дардни халқнинг ўзи билан бирга тортадиган, бу дардни аритишга қаттиқ бел боғлаган одамларнинг келишида, деб биламан.

Жуда расо бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда анчагина дадиллашган парламентнинг вужудга келгани, Давлат тили тўғрисида Қонун қабул қилингани, иқтисодий мустақиллик учун ҳукумат доирасида фаол иш олиб борилаётгани бу фикрни исботлайди, деб ўйлайман.

Жумҳуриятимиз ҳаётида, ҳаётидагина эмас, бутун тарихида муҳим воқеа бўлган «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида» Қонун қабул қилинганига яқинда бир йилдан ошди. Умр — оқар сув эканини шу мисолда кўрса бўларкан — кўз очиб юмгунча шунча вақт ўтиб кетибди-я! Аммо, афсуслар бўлсинки, ҳали ҳеч нарса қилмабмиз! Саккиз йил ҳам шу тариқа ўтиб кетса, кейин арзимизни кимга айтамиз?

Телевидениеда ўзбекча кўрсатувлар кўпайгани, энг тўра ташкилот деб тамға босишга ўрганганимиз Тошкент шаҳар ижроқўмининг шаҳардаги кўчаларнинг номини, лавҳаларни ўзгартираётгани, айрим ташкилотларда ўзбек тилини билмаган ўртоқларга тил ўргатилаётганидан бошқа ҳеч нарсани қувонч билан эътироф этолмаймиз.

ТИЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

«Ўзингдан чиққан балога — қайга борасан давога», деган мақолимиз бор. Назаримда, бу Қонун ўзбек бўлмаган ўртоқлардан кўра рус тилида гаплашишга ўрганиб қолган ўзбекларимизга кўпроқ маъқул келмаган кўринади. Ҳар ҳолда, бошқа миллат вакиллари ўзбек тилида гаплашишга уринаётган бир пайтда рус тилида сўзловчи ўзбекларнинг ўжарлик билан ўз она тилларига беписанд қараб келаётганини кўрган одам шундай хулосага келиши табиий.

«Халқлар отаси» бошлаб берган «инсонпарварлик» сиёсати туфайли шунча йиллар давомида халқимизгина эмас, тилимиз ҳам **қарам** бўлиб келди. Қонунни амалга ошириш жараёнида уни бу **қарамликдан** ҳам халос қилишимиз керак бўлади. Бу вазифа асосан зиёлилар гарданига юклатилган. Аммо, оммавий ахборот воситаларимиз ёт атамаларни «маҳаллийлаштириш» (баъзан яна ёт атамалар ҳисобига) билангина машғул бўлиб қолиб, тилимизни ўзининг табиатидан келиб чиққан ҳолда асл йўналишига солиб юбориш устида умуман қайғурмаяптилар. Хўш, айтингчи, «жумҳурият», «вилоят», «ноҳия», «овозингор», «куллиёт» (факультет маъносида), «тасвирчи» (оператор) сингари ўрнига тушган-тушмаган атамалардан бўлак қандай ўзгариш юз берди оммавий ахборот воситалари тилида? Гоҳо бутунлай ўзбек сўзларидан иборат жумлаларни ўқийсиз-у, бу жумлалар табиатан ўзбек тилидан жуда йироқ эканлигини кўрасиз.

Халқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш сингари идоралар, корхоналарда хужжатларни давлат тилида тайёрлашга, ходимларга ўзбек тилини ўргатишга иштиёқ билан киришилганини биламан. Аммо, бевосита маданиятга алоқадор кўпгина ташкилотларда ҳамон мажлислар рус тилида олиб борилади, ҳужжатлар рус тилида юритилади. Шунинг учунмикан, бу ташкилотларда тил билмаган ўртоқларга ўзбек тилидан машқлар уюштириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Тилдан, адабиётдан узоқ, шу пайтгача асосан рус тилида иш юритиб келган бошқа соҳа ходимлари давлат тилига шу қадар масъулият билан ёндашганлари ҳолда тил асосий иш қуроли бўлган маданий муассасалардаги бу ҳолга қандай қарайсиз?

МЕТРОНИНГ «Чорсу» ҳамда «Ғафур Ғулом» бекатлари мазкур Қонун қабул қилинганидан кейин ишга тушди. Аммо, Қонунда: «Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар... номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади» (24-модда) дейилишига қарамай, бу икки бекатдаги ҳамма ёзув икки тилда ёзилган. Буни қандай тушунмоқ керак? Ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, мансаб курсисидан бошқа нарсани ўйламайдиган, шу курсини сақлаб қолиш учун ҳар қанақа пастқашликка бора оладиган кичкина тўрачалар айбдор. **«Қачон халқ бўласан...»**

Ўтган йили Латвияда бўлганимда биринчи куниёқ латишча «кўча» сўзини ўрганиб олдим. Бунинг сабаби аниқ албатта — кўчалардаги, ҳозир ўзимиз қилаётганимиздек, бир тилдаги ёзув. Кейин, уч соатлик митингда ундан ортиқ сўзни ўргандим. «Мана бу сўз фалон маънони билдирадими?» деб сўрайман ёнимдаги латиш шоирдан. Ёки: «Мана бу сўзнинг маъноси нима?» деб сўрайман. У ё гапимни тасдиқлайди, ё тузатади, ишқилиб мен ўзим учун, ҳеч кимнинг ташвиқи ёки зўрлигисиз тил ўрганаман.

Хўш, бу масалада ўзимизда аҳвол қалай? Афсуски, шундай кетаверадиган бўлса, саккиз йил эмас, саксон йилдан кейин ҳам ҳеч ким тил ўрганмайди. «Нон»нинг ёнига «хлеб», «сув»нинг ёнига «вода», «саноат моллари»нинг ёнига «промтовари» ва ҳоказо деб ёзиб қўяверсак, яъни, одам эҳтиёжи туфайли ўрганиши лозим бўлган сўзларни ҳам таржима қилиб турсак, кимда тил ўрганишга рағбат уйғонади?

Тўғри, бу ерда Қонуннинг номукаммаллиги ҳам маълум даражада «иш кўрсатади». 22-моддада: «...Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот воситалари республика давлат тилида ёзилади ва эълон қилинади ҳамда **рус ва бошқа тилларда** такрорланади», деган жумла бор. Мана шу жумла чумчуқ пир этса юраги шир этадиганларга дастак бўлиб улар юқоридаги мисолларда келтирилган ишларни қиладилар. Бу борада айниқса савдо ходимлари «фаоллик» кўрсатишяпти. Бўлмаса, кўчада сотилаётган, кўриниб турган узумни «виноград», тарвузни «арбуз», пиёзни «лук» деб тушунтиришган бўлишмасди. **«Қачон халқ бўласан...»**

Ҳаммамиз мактабларда, бошқа илм даргоҳларида ҳар қандай таълимотга, шу жумладан, марксизм-ленинизмга ҳам қотиб қолган нарса сингари, ҳассага ёпишган кўрдай эмас, кўзи очиқ одам сифатида ижодий ёндашиш кераклигини ўрганамиз. Мазкур Қонунга муносабатимиз эса — ғалати: ё унга риоя қилмаймиз, ё айрим ўринларга маҳкам ёпишиб оламиз.

ЯХШИ ХАБАРИМ бор, Тожикистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги Қонуни ҳам бизникидан мукаммалроқ эмас. Унда ҳам ҳар хил талқинлар киритиш учун очиб қўйилган тешикчалар кўп. Аммо, яқинда «Комсомольская правда» газетасида танқидий бир луқма чиқди. Душанба заводларида чиқарилаётган ароқларнинг ёрлиқларида русча ёзув йўқ эмиш. Бир ёрлиқнинг сурати ҳам берилган. Унда инглизча ҳамда тожикча ёзув бор. Хўш, бу «жиноят» қандай фожиа келтириб чиқариши мумкин? Наҳотки ичадиган одам ароқни русча ёзуви бўлмаса танимаса? Бу — қайтага тил билмаган ўртоқларнинг тил ўрганишида ёрдам бўлади-ку! Биз эса, яна... Бу мақола ёзилаётган пайтда ўқув юртларига қабул қизиган палла эди. Ҳамма ўқув даргоҳининг пештоқида «Хуш келибсиз!»нинг ёнида «Добро пожаловать!», «Қабул комиссияси»нинг ёнида эса «Приёмная комиссия» деган «чайналган луқма» турибди. Ҳолбуки, Қонуннинг 15-моддасида: «Ўзбекистон ССР дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий мактабларида, ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва группаларида ўзбек тилини **ўқув планининг асосий фанларидан** бири сифатида ўрганишни таъминлайди, **бу фандан битирув имтиҳони топширилади»**, деб ёзиб қўйилган! Кейинчалик ўзбек тилида битирув имтиҳони топширадиган ёшларга шу ўқув даргоҳига ўқишга киришдан бошлаб тил ўргатсак, қайтага ҳам ўзимизнинг кейинги ишимизни бироз енгиллаштирган, ҳам савобга қолган бўлмаймизми? Йўқ, буни ўйлаб ўтирмаймиз. Тинчимизни бузиб, бошимизни қотириб нима қиламиз, Қонунда «бошқа тилда ҳам...» деган ёзув бор-ку.

Ҳозир жумҳуриятимизда тўла иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида катта ишлар қилиняпти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ишлар ҳукумат доирасида боряпти. Худога шукур. Аммо, ҳукумат қанчалик зўр бериб ишламасин, халқнинг ўзи **маънавий мустақилликка** эришмасдан туриб, **ҳақиқий иқтисодий мустақиллик** тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

Маънавий мустақиллик — тил мустақиллигидан бошланади. Мана шу ҳолда кетаверадиган бўлсак, тил мустақиллигига яқин орадагина эмас, умуман ҳам эришишимизга кўзим етмайди. Ўзбек министри телевидениега рус тилида интервью беришдан, ўзбек зиёлиси идорасида рус тилида иш юритишдан, ўзбек аёли қўни-қўшнининг олдида фарзандлари билан рус тилида гаплашишдан, ўзбек сотувчиси бодрингнинг тепасига «огурец» деб ёзиб қўйиб, ўзбек харидорларига қўполлик қилишдан... уялмаса, ўзбек журналисти ёки ёзувчиси рус тилидаги бир нечта сўз ёки атамани тўғри келса-келмаса бошқа сўз ёки атама билан алмаштириш билан иш ҳал бўлди, деб ўйлаб, ўзи мутлақо саводсизлигини намойиш қилиб тураверса, айтинг, тил мустақиллиги тўғрисида гапириб бўладими?

Маънавий мустақиллик — тил мустақиллигидан бошланади, дедик. Она тили мустақиллигини ҳис қилмаган одам, она тили мустақиллиги масъулиятини ҳис қилмаган одам маънавиятнинг, миллийликнинг бошқа томонларини ҳам мутлақо ҳис қилмайди. Мен илгари метронинг охирги бекатида айтиладиган «...илтимос, вагонларни бўшатинглар!» деган «лутф»нинг ўзбек маданиятига нақадар «алоқадор»лиги тўғрисида гапирган эдим. Яқинда телевизорда кўрдим, бир колхоз вакиллари — ўзбек қизлари, аёллари ироқлик (!) меҳмонларни нонтуз билан кутиб олишди. Рус халқининг меҳмон кутишдаги миллий анъанасини ким ўзбек халқининг миллий анъанасига айлантирган? Яқин-яқингача таъкидлаб келинганидек, инқилобгача «ҳеч нарсаси бўлмаган» ўзбек халқининг меҳмон кутиш анъанаси ҳам йўқми? Ҳар ҳолда, бу «урф»ни ҳам ўша, тил туйғуси йўқ одамлар олиб киргани аниқ, лекин нега бугун, кўзимиз очилганида ҳам унга маҳкам ёпишиб олганмиз? **Қачон халқ бўламиз?!**

Хуллас, қаёққа қараманг, мана шу ибора хаёлда чарх ураверади. Кўчада, бозорда, уйда, газета ўқиб ўтирганда, телевизор кўраётганда... Айрим қони қайноқ дўстларим: «Ака, кўчага чиқиш керак!» дейишади. Йўқ, — дейман уларга, — кўчага чиқишнинг кераги йўқ. Бунинг ўрнига ҳар ким ўзининг жойида ўзининг ишини қилсин. Кўчага чиқиб тўполон қилиб, кейин бир сўм учун тилни сотишнинг кераги йўқ...

МЕН БУ КИЧИК мақолада тилимиз тушиб қолган аҳволни тузатиш тўғрисида фикр юритишни мақсад қилиб олганим йўқ. Тилимизнинг аҳволи оғир. У етмиш йил давомида **қарамлик зиндонида** ётган одам аҳволида: ранги заъфарон, ҳоли йўқ. Уни даволаш ҳам анча вақт, анча меҳнат талаб қилади. Ҳали Ёзувчилар уюшмасида, Фанлар академиясида кўпгина анжуманлар, йиғинлар ўтказиш, бутун зиёли аҳли билан жуда қаттиқ ишлаш керак бўлади. Булар — олдиндаги ишлар. Бу мақола кимларнингдир ўша катта ишларни қилишини кутиб ўтирмасдан, ҳар биримиз она тилимизни яхши кўрсак, уни асл соғлом ҳолига қайтаришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилсак, деган мақсадда ёзилди. Идоралар томонидан қанчалик катта ишлар қилинмасин, ўзимиз, ҳар биримиз алоҳида масъулиятни ҳис этиб, ҳар биримиз алоҳида ҳаракат қилмасак, бир куни келиб, бир-биримизга: **«...қаёқда эдинг?!»** деб ўтиришимиздан фойда чиқмайди.



Ғар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким, ком учун боштин ёротқой оламе.

Алишер НАВОИЙ

ҲУЖЖАТЛАР ФАРЁДИ

БИР ЗАМОНЛАР КЕЛИБ АЙТИЛГАН ЭРТАКДАН: Бир бор экан, бир йўқ экан. Аслида бўлган воқеаларнинг ҳамма-ҳаммаси рост экан. Ўша даврларда: «Бизда — ҳамма тенг ҳуқуқли!» деб айтиларкан-у, лекин ҳамма ҳуқуқ оиладаги катта аканинг қўлида экан. Укаларнинг озодлиги, қадр-қиммати масалалари ҳам ака ихтиёрида экан. Катта ака ўзини ғамхўр, билимдон қилиб кўрсатгани билан, бари бир бироз қув, айёр, такаббур ва босқинчилик қиладиган одати ҳам бор экан. Укалари нима ҳам қиларди? Чунки каттанинг кучи, қўллари ва айғоқчилари ҳам катта экан. У кўп юртларни, ўлка ва шаҳарларни жуда усталик, йўлғирлик билан ўзига қарам қилиб олибди. Лекин унинг сеҳр-синоатини укалари билса ҳам жим экан. Улар акасининг зуғумидан, куч-қудратидан жуда қаттиқ қўрқишаркан. Чунки акаси ўта найрангбоз, ўрни келса номард экан. Лекин эртагимиз бу ҳақда эмас...

Ўшандай, ака укани, катта кичикни эзиб, янчиб яшайдиган яқин ўтмиш замонда Бухоро воҳасига тегишли ҳудудсиз Маликчўл бағрида бир шаҳар бунёд этиш режалари тузилибди. Бўлажак шаҳар лойиҳачилари ўзимиздан эмас, олис Ленинград шаҳридан лутфан таклиф этилибди. Қурувчилар ҳам маҳаллий аҳолидан эмас, мамлакатнинг олис-олис шаҳарларидан келтирилибди. Энди ука акадан жуда ҳайиқиб яшайдиган даврлар экан-да! Начора?!. Қурувчилар бўлажак шаҳарни қандоқ хоҳласалар шундоқ қилиб қурибдилар. Ва ўзлари қурган қават-қават уйларда бемалол яшай бошлабдилар. Шаҳарга эса ўзбак халқининг буюк шоири ва алломаси Алишер Навоий ҳазратнинг номлари берилибди. Сўнг бу ерда бирин-кетин йирик саноат корхоналари, заводлар худди қўзиқориндай потраб пайдо бўла бошлабди. Табиийки, бу корхоналарга ҳам ҳазратнинг номлари қўшилиб айтиладиган бўлибди. Масалан: «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси (дастлаб Навоий химия комбинати деб аталган). Навоий тоғ-кон металлургия комбинати. Навоий электрохимия заводи. Навоий ГРЭСи, Навоий цемент заводи, Навоий... Энг даҳшатлиси одамлар ва атроф-муҳит учун ўта хавфли бўлган бундай саноат корхоналари қуришдан олдин, шаҳар атрофида асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолининг яшаш шароити, талаб-эҳтиёжлари мутлақо ҳисобга олинмабди. Тўғриси, лойиҳачилар ҳам, қурувчилар ҳам улар билан ҳисоблашишни, ҳеч бўлмаганда маслаҳатлашишни ўзларига эп кўрмабдилар. Ҳали айтганимиздек, ука аканинг зулмидан қўрқиб яшайдиган даврлар экан-да! Энди арзини айтадиган кишиси бўлмагандан кейин бечора укага ҳам қийин...

Кунлар шу зайлда кеча бошлабди. Шаҳар кенгайган сари саноат корхоналари ҳам йириклашиб бораверибди. Улар катталашган сайин шаҳар атрофида яшайдиган маҳаллий аҳолининг соғлиғи ёмонлашибди, ер, сув, ҳаво аёвсиз заҳарлана бошлабди. Шундай оғир кунлар келибдики, одамлар мева-чева нималигини билмайдиган бўлишибди, ноннинг, сувнинг таъми бузилибди, тоза ҳаво нелигини унутишибди. Аёллар орасида турли касалликлар, гўдаклар орасида ўлим авж олибди...

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИДАН: «Навоий Зарафшон водийсининг тез ўсаётган ёш индустриал шаҳри... Бухоронинг арзон табиий газида ишлайдиган энг йирик ГРЭС, унинг энергияси асосида кимё комбинати ишлаб турибди. Комбинатда газдан минерал ўғит, нитрон толаси каби кўплаб маҳсулотлар олинади. Шаҳарда Ленин орденли СССР 50 йиллиги номидаги кон-металлургия комбинати, пахта тозалаш, нон, сут заводлари, ун комбинати ва паррандачилик фабрикаси бор.

Навоий яқин келажакда республикада йирик цемент ишлаб чиқарувчи марказга айланади. Шаҳарда қурилаётган (1974) цемент заводи йилига 2,4 миллион тонна цемент чиқаради, шунингдек, электр кимё комбинати қурилмоқда (1974).

Навоий кимё комбинати 1964 йилда ишга туширилган. Аммиак ва аммиакли селитра ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади... Ацетилен, ацетальдегид, сирка кислота, сирка ангидрид ва нитрилакрил кислота каби органик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган объектлар комплекси қурилган...» (7-том, 508-509 бетлар).

ЖУМҲУРИЯТ ВА ВИЛОЯТ РАҲБАРЛАРИГА ЁЗИЛГАН ШИКОЯТ ХАТИДАН: «...Сизларга маълум қиламизки, ниҳоятда хавфли ҳаёт кечиряпмиз. Чунки, бизлар яшаб турган, авлодларимиз яшаб келган Навоий райони ажал уруғини сочувчи саноат корхоналарининг синов майдонига айланганидан қаттиқ ташвишдамиз. Бу ўта заҳарли ва зарарли саноат корхоналари йил сайин бошимизга оғир ташвишлар солиб хонадонимизга кулфатлар олиб келмоқда. Айниқса аёллар, болалар ўртасида турли хил давосиз касаллар кўпаймоқда...

Тоза ичимлик сувининг йўқлиги эса жиддий муаммога айланган. Иложимиз йўқлигидан Навоий паррандачилик фабрикаси учун мўлжалланган «техник сув»дан истеъмол қилишга мажбурмиз. Ахир товуқчалик ҳам қадр-қимматимиз йўқми?.. Бизнинг аҳволимиздан хабар олиб, бу кўргиликларга қачон чек қўйилади?..» (Хатга 1105 кишилик Дўрмон қишлоғи аҳолиси номидан 145 нафари имзо чеккан).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ РАЙОН СОВЕТИ XXI ЧАҚИРИҚ IV СЕССИЯСИ ҚАРОРИДАН: «Район ва регондаги экологик аҳвол ҳақида сўнгги 15—20 йил ичида жуда кам ўйланди, атроф-муҳитни асрашга, ҳимоя этишга эътибор берилмади. Табиий бойликлар йўқолиб бораётганлигини кўриб туриб ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрилмади...

Ҳаво, ер, сув ва ер ости сувларини ишлаб чиқариш корхоналари чиқитлари ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган кимёвий дорилар билан заҳарлаш давом этмоқда. Ҳар йили ҳаво ҳавзасига 107, 4 минг тонна заҳарли чиқитлар чиқариб юборилмоқда.

Зарафшон дарёсига район территориясидан 22 коллекторнинг заҳарли, ифлослантирилган сувлари тушмоқда. Биргина Навоий ГРЭСи ҳар йили 54 тонна нефть маҳсулотларини дарёга оқизиб юбормоқда.

«Ленин йўли», «Қизил Ўзбекистон» колхозлари территориясида жойлашган ифлос чиқиндиларни сақлаш ҳавзаларининг сизот сувлари ер ости сувларини яроқсиз ҳолга келтирди.

Регионда қушларнинг, ёввойи ҳайвонларнинг кўпчилиги қирилиб кетди...» (Кармана шаҳри, 1990 йил, 28 август).

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» КОЛХОЗИ ШАХСИЙ ХОНАДОНЛАРИДА ЭКОЛОГИК МУҲИТДАН КЕЛТИРИЛГАН ЗАРАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТНОМАДАН: «Колхоз ҳудудида 920 хўжалик бўлиб, 5685 киши яшайди. Ҳар бир сотих ердан кўраётган зарар 53 сўм 12 тийинни ташкил қилаяпти. 125 гектар уй-жой бўлиб, шундан 56 фоизини экинзор, яъни 81 гектарни ташкил этади. Шунинг ҳар гектаридан 5312 сўм зарар кўрилмоқда. Колхозчилар ҳар бир киши ҳисобига 75—68 сўм моддий зарар кўриш билан бирга, энг муҳими соғлиқларини ҳам йўқотмоқдалар. Колхоз бўйича йилига 940 минг сўм, томорқалардан 430 минг сўм, жами 1 миллион, 370 минг сўм кам даромад олинмоқда...»

Ҳужжатларда келтирилган рақамларни бирма-бир шарҳлашга асло ҳожат бўлмаса керак. Улар шарҳсиз ҳам тушунарли. Ҳар бир ҳужжат қатидан гўё фарёд эшитилади. Ҳар бир рақам остида эса даҳшатли фожиа акс этиб турибди. Ҳужжатларда қайд этилган рақамларда асрлар бўйи бўз тупроқ бўлиб, мўл-кўл ҳосил манбаи ҳисобланган ва айни кунда аёвсиз заҳарланаётганган ер фарёди, тупроқ фожиаси акс этган.

Ширин-шакар мевалар ҳадя этиб келган, бугунги кунда эса қуриб-қовжираб бораётган дарахтлар фарёди, ўсимликлар фожиаси эшитилиб турибди.

Ашурали ЖЎРАЕВ

ЖАРОҲАТ

Туғилгандаёқ дардга чалинаётган ва ҳаётдан эрта кўз юмаётган гўдаклар ноласи, дардманд оналар фожиаси юракларни ларзага солади.

САРИҚ ДУМЛИ «АЖДАҲО»

ЭРТАКНИНГ ДАВОМИ: Бу кулфатлар «Навоиазот» бирлашмасининг дастлаб битта, кейинчалик учта трубаларидан туну-кун оқиб чиқаётган сариқ тутундан бошланибди. Биринчи йилларда унга ҳеч ким эътибор бермабди. Шамол бу тутунни гоҳ Нурота, гоҳ Қизилтепа, гоҳ Пахтачи, гоҳ Қарнаб чўллари томон ҳайдар экан. Тутун етиб борган жойларда аста-секин табиий ҳаёт издан чиқа бошлабди. Ям-яшил майсалар, бахмалдай ўт-ўланларнинг нафақат барглари, балки илдизлари ҳам қурибди, мевали дарахтлар, шарбатли узумзорлар бирин-кетин қовжирабди. Атроф муҳит манзаралари ўзгарибди.

Ҳаво заҳарланиб, одамларнинг юз-кўзларини ачиштириб, нафас олишини оғирлаштирибди. Оналар, гўдаклар ўртасида камқонлик, рак, ўпка хасталиклари, нафас қисиш, қон босими, томоғ яллиғланиш касалликлари авж олибди.

Дард кўп дардманд йўқ, хаста кўпу шифо йўқ замонлар экан.

Йиллар ўтиши билан сариқ дум ёнига Электрохимия заводининг кулранг «аждаҳо»си ҳам қўшилибди. Бу жойларда фалокатлар, кулфатлар сони тобора ортиб бораверибди. Айтишларича, қадим Бухоронинг минг-минг йиллик тарихий ёдгорликларига, Нуротанинг муқаддас чашмасига ҳам зиён-заҳмат етказибдилар...

●

Шу йил 23 майда Навоий шаҳар партия қўмитаси ва шаҳар рўзномаларининг ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида қатнашган «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. Крупин, жумладан, шундай деди: «...Чунки, селитра — у пахта, пахта эса Ўзбекистон учун катта иқтисод. Хитой, ГФР, Покистон, Сингапур, Гонконг бизнинг маҳсулотимизни сўраяпти. Жаҳонда бизникига тенг бундай маҳсулот йўқ. Биз эса уни ёпиш ҳақида гапирамиз... Аммо мамлакат камбағал бўлиб турган ҳозирги пайтда бирини бузиб, иккинчисини қуриш ўзимизни янада қашшоқлаштиради, деган гап. Селитра сотиб олиш учун 150 миллион доллар талаб қилинади. Уни қаердан топамиз? Вазиятни ҳисобга олиш, масалага очиқ кўз билан қараш керак...»

Ҳа, ўртоқ Крупин, масалага очиқ кўз билан қараш керак. Аслида бирлашма қурилаётганда, унинг трубаларидан сариқ думли «аждаҳо» ўрмалаб чиқаётганда кўзни очиш керак эди. Лекин ҳозир ҳам кеч эмас! Одамларни турли баҳоналар билан узоқ йиллар давомида алдаб келганимиз етар.

Сиз ва бошқа заҳарли чиқиндилар ишлаб чиқараётган корхоналарнинг раҳбарлари навоийликларнинг сабр-бардоши олдида минг бора бош эгсангизлар ҳам камлик қилади. Ҳар қандай сабрнинг, чидам ва бардошнинг ҳам сўнгги нуқтаси бор. Табиатни топташ, оёқ ости қилиш ҳамиша кулфат олиб келганидек, инсонни ҳар томонлама хўрлаш, унинг ғурурини менсимаслик ҳеч қачон яхши оқибатларга дучор қилмайди.

70-80 йилларда пахта зарур дердик. Энди долларни рўкач қиляпмиз. Ахир одамлар, уларнинг соғлиги, яшаш шароити ҳақида қачон ўйлаймиз?

Навоий шаҳар онкология диспансери врачи Ғ. Эргашевнинг гувоҳлик беришича саноат районларида рак касаллигининг кўпроқ учраши кузатилган. Айниқса, ўпка, тери, кўкрак бези ва жинсий органларда рак хасталигининг пайдо бўлишида турли саноат корхоналаридан, автомашиналардан чиқадиган чиқиндиларнинг таъсири катта. Навоийда биргина 1988 йилда рак билан оғриган 90 бемор ҳисобга олинган.

Навоий район марказий касалхонасида ўтган йили камқонлик касалига мубтало бўлган 2513, ўсма касалликлари билан оғриган 336, сурункали бронхитлар 729 ҳамда қон босими билан 1185 нафар бемор оғриганлиги қайд этилди. Бундай рақамларга районнинг ҳар бир жамоа хўжалигидаги тиббий амбулаторияларда ҳам дуч келиш мумкин.

Умуман, навоийликларнинг, айниқса шаҳар атрофида яшайдиганларнинг ранг-рўйларига қараб одамнинг юрак-бағри эзилиб кетади. Бир-икки фарзанд кўрган аёлларнинг кўзлари киртайиб, дармони қуриб, мунғайиб қолган. Улардан туғилаётган фарзандлар аҳволи эса ундан баттар. Ҳатто оналар сутида заҳар борлиги фожианинг нақадар хавфли тус олганлигини кўрсатади. Нимжон болалардан нимжон йигитлар, нимжон қизлар вояга етаяпти. Улар келажакда жамиятнинг нимжон аъзоларига айланадилар...

Ҳозирча кулранг, сариқ думли «аждаҳо»нинг дамини қайтарадиган, заҳарини кесадиган ишончли, мард ташкилот ё раҳбар на Иттифоқда, на жумҳуриятда топилмаяпти. Шунга ачинасан, куйинасан-да!

Буюк Мирзо Бедил айтганидек:

Шом келгач, осмонга чиқди алангам,
Дилим қон бўлди-ю, кўздан оқди нам.
Эрта қандай умид билан яшаймиз,
Бугун ўтди бизга бўлган ваъда ҳам.

НИДО ЁКИ ҲАЗРАТ НАВОИЙ РУҲИДАГИ ИЗТИРОБЛАР

ҲОЗИР НАВОИЙ шаҳри ва унинг атрофидаги хўжаликлар, қишлоқлардаги аҳвол Орол ва Чернобиль фожиаларига анча яқинлашиб қолди. Ҳақиқий фожиа юз бергандан сўнг эса кулоч-кулоч қарорлар қабул қилишнинг ҳожати йўқ, катта минбарлардан туриб ҳайқириш ҳам ҳеч қандай фойда бермайди. Фожианинг илдизларини бугун қирқиб ташламасак, эртага кеч бўлади.

Районлараро табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Бахтиёр Темировнинг ҳисоб-китобларига кўра, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалари турар-жойларни аммиак билан 81 фоиз, углерод оксиди билан 43 фоиз, азот оксиди билан 14 фоиз миқдорда заҳарламоқда. Ўн уч номдаги турли хил зарарли моддаларнинг чанги атмосферага чиқариб юборилмоқда.

Электрохимия заводи етказаётган зарар кўрсаткичлари ҳам йилдан-йилга ортиб боряпти. Масалан, завод атрофига 3 — 4 марта қалин қилиб дарахт экилди. Лекин заводда ишлаб чиқарилаётган котараннинг дастидан ҳаммаси қуриди. Ёввойи ўсимликларни йўқотиш учун ишлатиладиган бу заҳарли дори мевали дарахтларни, томорқадаги экинларни ҳам обдон қуритмоқда.

Цемент заводи трубаларидан ҳар куни ёғилаётган тонна-тонна чанг миқдори ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Навоий кон-металлургия комбинати, унинг атроф-муҳитга, ер ости сувларига етказаётган ҳақиқий зарари ҳақида рўй-рост ёзишнинг вақти келди. Хуллас, Навоий ҳудуди, унинг одамлари, ери, осмони, дарёси кулфат исканжасида қолган. Уларни айтиб адо, ёзиб тамом этиб бўлмайди. Фожиалар занжири бир-бирига шу қадар боғланиб кетганки, уни узиш учун халқ депутатлари, ижодкорлар, олимлар, қўйингки, турли соҳадаги ватанпарвар фуқаролар бир бўлиб, якдил бўлиб курашмоқлари керак.

Мен шу ўринда жумҳуриятимизда қайта қуриш ва ошкораликни амалга оширишга дадил ҳисса қўшаётган ёзувчилар, публицистлардан Навоий **ЖАРОҲАТИ**ни тузатишда, рўй бераётган фожиаларнинг олдини олишда жиддий кўмак беришларини илтимос қиламан. Шунда ёзувчининг халқ виждони эканлиги яна бир карра аён бўларди. Лекин навоийликлар ҳам ўз бошларига ёғилаётган даҳшатли кулфат кўланкасини кўриб, томошабин бўлиб турмасликларини истардик. Ҳозир ҳақ-ҳуқуқни талаб қиладиган замон келди. Агар Навоий шаҳридаги саноат корхоналари нотўғри, ноўрин қурилган бўлса, бугун тўғрисини айтайлик. Лозим топилса, айримларини тўхтатайлик ёки заҳарсиз ишлайдиган корхонага айлантирайлик. Ахир шаҳар ўртасида, аҳоли зич яшайдиган жойларда бундай зарарли ва заҳарли корхоналарни режалаштирган лойиҳачиларни, қуришга рухсат берган раҳбарларни ҳам жазолаш муддати келгандир! Нега фақат бундай корхоналар фақат Навоий шаҳри ва унинг ҳудудига қурилган? — деган саволга жавоб топиш пайти етди.

Бундан сал кам 30 йил бурун чўл бағрида бунёд этилган бу шаҳарга ҳазрат Алишер Навоий номини берилганда, эҳтимол у кишининг руҳлари шод бўлгандир. (Илоё руҳлари абадий шод бўлсин!) Лекин кейинчалик бу ерда табиатга, инсонга ҳар хил зиён-заҳмат етказадиган, уни хароб этадиган корхоналар қурилишидан буюк мутафаккир руҳлари озор чеккан ёки чекаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир улуғларнинг руҳи ҳам улуғ ва барҳаёт бўлади. Шарқнинг яна бир тенгсиз алломаси ибн Сино айтганларидек: «Бинобарин, вужуднинг йўқолиши руҳга зарар етказмайди, илло, руҳ унинг асосини ташкил этувчи мангу моҳияти туфайли яшайверади».

КЕЛГУСИ ЙИЛИ Алишер Навоийнинг 550 йиллиги нишонланади. Лекин шоир номи билан аталадиган шаҳарда у кишининг на ҳайкали бор, на хиёбон ва на бирор тузукроқ кўча номига қўйилган. Наҳотки? Фақат ҳазратнинг номини ниқоб қилиб, шаҳарни фожиалар гирдобига тортиб, заҳарлар туманига ўраб ташладик. Агар у киши ҳаёт бўлганларида бу жароҳатли шаҳардан аллақачон номларини қайтариб олардилар.

Яна қайтариб айтаманки, ҳали ҳам кеч эмас! Жумҳуриятимизда яна бир фожиа нуқтаси кўпаймасин. Улуғ Навоийнинг руҳлари ҳам безовта бўлмасин. Аксинча бу муқаддас руҳ, шод бўлиб юртимизни, элимизни ҳамиша қўллаб юрсин!

НОҲИЯМИ ЁКИ ТУМАН?

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан сўнгги пайтларда унинг сўз бойлиги янги сўз ва атама ҳисобига кескин ўзгармоқда. Чунончи, **жумҳурият, вилоят, ноҳия** сингари маъмурий чегараларни билдирувчи атамалар вужудга келдики, бу дастлаб вақтли матбуот саҳифаларида пайдо бўлиб, кейинчалик расмий жиҳатдан тан олинмоқда. Тилимизга бундай сўзларнинг кириб келиши қонунийми?

Аввало, мазкур сўзлар соф араб тилига мансублигини унутмаслигимиз керак. Масалан, район термини В. Н. Красновский ва Г. Ш Шарбатовнинг русча-арабча луғатида «минтақатун», «ноҳиятун», «навоҳиюн» сўзлари билан берилган. Бугунги кунга келиб маъмурий-ҳудудий бўлинишлар қонуний ҳолат бўлиб қолганлигига қарамай, у маълум тарихий босқични босиб ўтганки, бу ўрганишга арзийдиган жараёндир.

Ўрта аср тарихчиларининг хабар беришларича (Истахрий, Ибн Хавқал), араб босқини даврида Самарқанд вилояти 12 рустоққа бўлинган. **Рустоқ** тожик тилидаги «русто» — **қишлоқ** (бу ўринда маъмурий-ҳудудий бирлик — район маъносида) сўзининг арабчалаштирилган шаклидир.

Ўрта Осиё ва Эрон мўғуллар тасарруфига ўтгач, бу жойларда маъмурий-ҳудудий ислоҳот ўтказилди ва ҳозирги район маъносидаги «туман» термини қўлланила бошланди. Ўрта Осиёнинг туманларга бўлиниши мамлакат ҳаётида сезиларли аҳамият касб этиши керак эди ва шундай бўлди ҳам.

«Туман» (туркий — «ўн минг») сўзи илк бор маъмурий-ҳудудий атама маъносида 1299 йилда Бухорода тузилган вақф ҳужжатида тилга олинган. Самарқанд, Бухоро, Эронда кичик ҳудудий бирликларни номлашда «туман», Фарғона ва Қошғарда эса «орчин» (мўғул тилида «орчин» — атроф, айлана маъносида) атамаси қўлланилган.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан сўнг ҳам ўтган асрнинг 80-йилларига қадар «туман» атамаси амалда қўлланиб келинди. Самарқанд вилояти Темур даврида ҳам, XVIII асрда ҳам етти тумандан иборат бўлган. Чунончи, темурийлар даври тарихчиси Ҳофиз Абру ўзининг «Зубдат ат-таворих» асарида Шовдор, Ўратепа, Иштихон, Ёркент, Ёр яйлоқ, Анҳор, Суғд туманларининг номларини келтиради.

Кўриниб турибдики, **қарийб етти юз йил давомида «туман» сўзи ҳозирги район маъносида ишлатилиб келинган. Ундан олдин ҳам, кейин** ҳам **Ўрта Осиё тарихида маъмурий-ҳудудий атама сифатида «ноҳия сўзи қўлланилмаган.** Тўғри, классик адабиётимизда мазкур сўз баъзи ўринларда ишлатилган бўлишига қарамай расмий ишларда бу атама мутлақо истеъмолда бўлмаган.

Нутқимизда янги сўзларнинг пайдо бўлиши тил қонуниятидир. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Бироқ янги атамаларнинг расмий жиҳатдан қўлланилишида тилшунос олимларимизнинг ҳам иштирок этишлари керакка ўхшаб қолди. Ҳолбуки, юқоридаги сингари атамалар ҳақида илмий жамоатчиликнинг фикри сезилмаяпти.

Янги атама аввало ўзбек тилининг ўз ички имкониятларидан фойдаланилган ҳолда яратилиши ва қўлланилиши, сўнгра қардош тилларга мурожаат қилиниши мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, **ноҳия** сўзи (мамлакат, кишвар, вилоят ўрнида ҳам кўп қўлланган) **ўрнига район сўзининг туркий (ўзбек)ча муқобили «туман» ёки «тумон» атамасидан фойдаланиш маъқул.** Шунингдек, район сўзидан ҳам фойдаланавериш керакдир. Чунки кўп йиллар давомида тилимизда хизмат қилган сўзларни бирданига истеъмолдан чиқариб юбориш чалкашликка олиб келиши мумкин. Инглиз тилшунослари ҳозирги инглиз тилидаги мавжуд камчиликларни билганлари ҳолда уларни атайлаб ислоҳ қилмаяпти, чунки бу ислоҳ авлодлар орасидаги саводлиликнинг узилишига таъсир қилиши мумкин. Биз ҳам тилга бўлган муносабатимизда бундай ҳоллардан кўз юммаслигимиз керак.

Нуриддин БЕГАЛИЕВ,
Ургут туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси

МУҒАННИЙ БОРБАД ҚИССАСИ

ШАРҚ КАСБИЙ мусиқасининг асосчиси Борбад Марвазий 589 йили кўҳна маданият маскани Марвда (ҳозирги Туркманистон жумҳуриятининг Байрамали шаҳри) бахши оиласида туғилади. У дастлабки таълимни отасидан олгач, Бағдодга бориб мадрасада ўқийди, халқ қўшиқларини севиб куйлайди, оҳангларини тўплайди, ўзи шеърлар ёзиб, куйга солади.

Шу орада Борбад сосонийлар сулоласининг ҳукмдори Хусрав Парвизнинг илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлларига ҳомийлик қилаётганини эшитиб, унинг ҳузурига боради ҳамда ўз санъати билан шоҳни ром этиб, созандалар сафига қўшилади. 318 йили Хусрав Парвиз Борбадни даргоҳ санъаткорларига бошчи этиб тайинлайди. Табиатан машшоқ, шоир, ҳофиз, оҳангсоз, раққос бўлган Борбад истеъдодли ёшларни йиғиб тарбиялашга киришади; йил фаслларига, ҳафта ҳамда ой кунларига бағишлаб оҳанглар силсиласини яратади. Бундан ташқари у Наврўз, Меҳржон ва Сада сингари халқ байрамларига атаб махсус оҳанглар туркумини ижод этган.

Кўҳна сарчашмаларда Борбаднинг замонавий ҳамда тарихий мавзуларда кўплаб воқеабанд мусиқий достонлар, туркум тароналар битгани қайд этилган. «Ганжи гов», «Ганжи бодовард», «Наврўзи Ажам», «Меҳргоний», «Роҳрави Шабдиз», «Боғи Шаҳриёр», «Сабзандарсабз», «Ҳафт достон» сингари куйлар шулар жумласидандир. Борбад VII асрнинг ўрталарида Мадойинда вафот этган.

Буюк оҳангсознинг мураккаб тақдири ҳақида, унинг мингдан зиёд куй ва қўшиқлари хусусида саккизинчи асрдан бошлаб Шарқдан етишиб чиққан адиб ва олимлар бадиий ҳамда илмий асарларида илиқ фикрлар айтган. Уни нозиккаён шоир, сеҳрангез навозанда, жозибадор бозанда-раққос сифатида васф этган. Форобий, Ибн Сино, Хусрав Деҳлавий, Абдурраҳмон Жомий, Биноий сингари алломалар мусиқа ҳақидаги рисолаларида: форс-тожик адабиётининг асосчиси Рудакий, Асжадий, Унсурий, Фаррухий, Анвариийнинг шеърларида Борбаднинг номи кўп тилга олинади. Аммо бадиий адабиётда Борбад шахсияти ва ижодига оид тасвирни биз «Шоҳнома»да учратамиз.

Абулқосим Фирдавсий Борбад ҳақида нисбатан тўлароқ маълумот берган шоирдир. У безавол «Шоҳнома»сидаги «Хусрав Парвиз ва Ширин» достонида Борбаднинг Хусрав даргоҳига қандай боришга мушарраф бўлгани ва созандалар сардори бўлиши тарихини тасвирлаган.

«Шоҳнома»да Борбаднинг асли марвлик эканлигига, созанда ва ҳофиз сифатида камолотга етгач, Хусрав Парвизнинг адабиёт ва санъат аҳлини ўз саройига жамлаётгани хабарини эшитгач, унинг даргоҳига борганлиги ҳақида аниқ ишора мавжуд. Шоир Хусравни шавкатли шоҳ, чин ошиқ сифатида тасвирлаш билан бирга, янги шаҳарлар, боғу роғлар барпо этувчи, илм-адаб аҳли ҳомийси сифатида ҳам таърифлайди. Шоир Борбад воқеасини асарининг «Ҳофиз Борбад қиссаси» бобида баён этади. Фирдавсий Борбадни бастакор, ҳофиз, шоир сифатида тасвирлар экан, унинг табиат кўркини васф этувчи «Сабз андар сабз» ҳамда халқ қаҳрамонлигини улуғловчи «Пайкари гурд» каби куйларнинг ижодкори эканлигини алоҳида қайд этган. Қисса қуйидаги оптимистик байтлар билан якунланган:

Мутрйблар шоҳи деб этилди тайин,
Номдорлик шуҳрати ортди кун сайин.
Шу эрур муғанний Борбад қиссаси,
Яхшилик келтирган қисса қиссаси.

Асарнинг «Хусрав Парвизнинг улуғворлиги ҳақида сўз» бобида шоир шаҳаншоҳнинг шоншавкатию хазина ва дафиналарини таърифлар экан, минглаб олиму шоир, созандалар салтанат кўркига ҳусн бахш этишини алоҳида ўқтиради:

Устод ҳофиз эди Саркаш ва Борбад,
Уларнинг бозори билмас эди ҳад.

Фирдавсий Саркашнинг бахиллик қилиб Борбадни сарой созандалари сафида хос базмларда бўлишига йўл қўймасликка интилишини қоралар экан, Борбадни «Созандалар султони» деб таърифлайди, Саркашни «ҳунари паст», «хусуматчи» деб атайди. Маълумки, Хусрав Парвиз Мадойинда ҳашаматли қаср қурдиради. Бу Хусравнинг шуҳратига шуҳрат қўшади. Фавқулодда омад, шон-шуҳрат олдида у эсанкираб, халқ ва давлат билан иши бўлмай қолади. Натижада сипоҳ ва мамлакат аъёнлари шоҳдан юз ўгириб, банддаги Шерўяни озод этиб, тож кийдирадилар. Хусрав Парвиз ғам-ҳасрат ва афсус надоматда қолади. Ана шу воқеалар тасвиридан сўнг «Борбаднинг Хусравга насиҳати» деган бобида уни шоҳнинг чинақам фидойи дўсти, донишманд маслаҳатчиси сифатида тасвирлайди. Бу факт ҳам Борбад Хусрав Парвизга энг яқин шахс эканлигини тасдиқлайди.

МАШҲУР ЁЗУВЧИ ва адабиётшунос Муҳаммад Авфий (XII аср) «Лубоб ул-албоб» (Негизларнинг негизи») китобида Борбаднинг 300 оҳанг ва 30 суруд, «Хусравони» номли 7 та мусиқий достон яратганлигини таъкидлаб, «ҳозир Бухоро ва унинг ноҳияларида халқ Борбаднинг асарларини тинглайдилар ва шу санъат усталари ўзларининг ажойиб шеваларида унга тақлид қиладилар» деб ёзиб қолдирган.

XI—XII асрларда яшаган Унсурий, Асжадий, Манучеҳрий, Фаррухий каби шоирлар ҳам ўз ғазал ва маснавийларида Борбад ва у ижод этган куйларни кўп тилга оладилар, таърифлайдилар. Чунончи, Манучеҳрий ўз шеърларида Борбаднинг «Ганжи Бод», «Рост», «Боғи Шаҳриёр», «Тахти Ардашер», «Сабза баҳор», «Сарвистон», «Наврўзи бузург», «Кабки дарий», «Порсий», «Воршоний», «Мовароуннаҳрий», «Ушшоқ», «Ганжи Фаридун», «Сето», «Боғи Сиёвуш», «Шаҳноз» сингари ўттиздан ортиқ куйларини таърифлаган. Бундан ташқари Азрақий, Ҳоконий, Умар Хайём, Носир Хисрав, Фахриддин Гургоний, Саъдий, Ҳофиз, Зоҳири Фарёбий, Салмон Соважий, Саъди Салмон, Анвариий каби шоирлар ҳам Борбад даҳосини эъзозлаганлар.

Ўн биринчи асрнинг машҳур олими, шоир ва адабиётшуноси Абу Мансур Саолибий ўз асарларида Борбад ҳақида қимматли далиллар келтиради. Айниқса, унинг насрий «Шоҳнома»сидаги маълумотлар Борбад шахсияти ва унинг ижодини тақдирини ўрганишда қадрлидир. Саолибий ҳам бошқа авторлар сингари Борбадни шоир, оҳангсоз, ҳофиз, раққос сифатида таърифлайди. Олим Борбад марвлик бўлиб, Нишопур ва Бағдодда таълим олган, ижоди Хусрав Парвиз замонида авж нуқтасига етганлигини уқтиради. Жумладан, «Шоҳнома»сида Борбад ижоди ва тақдири ҳақида қуйидагиларни ёзади. Саркаш Парвиз саройида ҳофиз ва созандалар сардори эди. Кунлардан бир кун марвлик бир йигит хушхонлик ва созандаликда шуҳрат қозонганини ва қандай қилиб бўлмасин шоҳ ҳузурида бўлиб, унга ўз санъатини намойиш этишга интилаётганини эшитиб қолади. Саркаш қалбини ҳасад чўлғаб олади. У Борбадни саройга йўлатмасликка интилади: унга инъом-эҳсонлар беради, сарой аъёнлари ва дўстларидан Борбадга эътибор бермаслик ва имкони борича унинг номини тилга олмасликни ўтиниб сўрайди. Улар Саркашнинг илтимосини бажо келтириб, Борбадга мутлақо эътибор бермайдилар, ёш ҳофиз бекаслик ва ғаريبликда кун кечириб юради.

Борбад бирон бир тадбир билан бўлса ҳам шоҳ ҳузурига киришни ўйлаб юрарди. Хусрав саройи яқинида бир боғ бўлиб, баъзан шоҳ ана шу жаннатмонанд манзилгоҳга бориб бода ичиб, базм уюштирар эди. Борбад ушбу сайлгоҳ боғбони ҳузурига келиб, олтин тангалар бериб, шоҳнинг навбатдаги базми пайтида ичкарига киритишга рухсат сўрайди. Тонг саҳарлаб шоҳ ўз хизматкорлари билан боғ сайрига чиқади. Борбад ҳам майсаранг либослар кийиб, созу-удини ҳам яшил рангга бўяб, боғга киради ва улкан сарв дарахти устига чиқиб ўрнашиб олади. Шоҳ чаманзору гулзорларни сайр этгач, сарвзорлар ёнидаги айвонда хос курсисига келиб ўтиради. Барча надимлар ҳам унинг атрофидан давра қуриб жой олишади. Парвиз шаробхўрликка майл кўргузуб, қўлига жом олади. Шу пайт сарв устида ўтирган Борбад удини қўлига олиб «Яздон офарид» деб аталмиш куйни шундай қиёмига етказиб чаладиким, ҳамма ҳайрат бармоғини таажжуб дандони билан тишлаб қолади. «Бу куйни ким чалди?» — деб сўради оҳанг сеҳридан маст бўлган Парвиз. Барча куй таралган томонга чопдилар, аммо Борбадни топа олмадилар. Парвиз иккинчи жомни қўлга олди. Сарвзордан шодиёна оҳангдаги янги тарона янгради. «Партави Фархор» деб номланган бу тарона шу даражада ёқимли эдики, Парвиз: «Бу қандай нағма бўлди? Киши қалбини ўртаб юборди-ку?! Боринглар, нағмагарни бу ерга келтиринглар», — деб фармон берди. Аммо надимлар овоз чиққан томонга бориб ҳеч кимни топа олмай, қайтиб келишди. Ушбу тарона завқидан шоду хуррам бўлган Парвиз учинчи дафъа қўлига жом олди. Шу пайт яна сарвзордан Борбаднинг дилни сел қиладиган, инсон руҳиятига аллақандай тантанавор шодиёна бахш этувчи куй ва қўшиғи янгради. Бу куй сабзазорлар қўйнида туғилгани учун «Сабз андар сабз» деб аталади. Шоҳ беихтиёр ўрнидан турди ва баланд овоз билан: «Эй, ўз тароналари билан менинг қулоқларимга ором берган, яхшилик уруғини сочувчи инсон, рухсорингни кўрсатиб, кўзларимни равшан эт, бизни дийдорингдан бенасиб этма!» — дейди.

Бу сўзларни эшитгач, Борбад сарв устидан тушиб, подшоҳга тазим этди ва ер ўпди. Шоҳ унинг шаънига таҳсин ва офаринлар ўқиди, ҳол-аҳвол сўради. Ёш ҳофиз бошидан кечирганларини бирма-бир гапириб берди. Шоҳ Борбаднинг ўз ҳузурига келганидан хурсанд бўлди.

Низомий «Хусрав ва Ширин» достонида Борбадни шоир, бастакор, ҳофиз, раққос сифатида таърифлайди: «Роҳи рост», «Сифаҳон», «Ироқ», «Наво» у яратган куйлардан эканлигига қайта-қайта ишора этади. Унинг достонида Борбаднинг ижтимоий келиб чиқиши ҳақида бирон бир маълумот йўқ.

ХАРАКТЕРЛИСИ шундаки, Низомий Шопурни ҳам Борбаднинг яқин дўсти, «Мағрибу Лоҳурни кезган жаҳонгашта», «Наққошликда Монийга мужда келтирган», «Рассомликда Уклидисга эшик очган» деб таърифлаб созда ҳам устозлардан эди, дейди.

Низомий «Хусрав ва Ширин»да Борбад сиймосини хийла мукаммал чизади, жуда кўп ўринларда, кўп масалаларда Борбад воқеаларга хийла актив аралашади. Шоир унинг «уди овози Довуд бонгини» эслатади: «мусиқий оҳангида Исо нафаси бор» деб ўттизта куйни ном-баном санаб ўтади. Достоннинг «Ширининг Хусрав мақбарасида жон бериши» бобида Низомий Борбадни охирги марта тилга олади.

Умуман, Борбад ва унинг ҳунармандлиги тасвирида Фирдавсий билан Низомий ижодида муштараклик бўлса-да, лекин Низомий бу оҳангсоз образини бир мунча жозибали, баркамол чизган; Борбаднинг Хусрав Парвиз саройидаги обрў ва таъсири баёнига алоҳида эътибор берган. Ҳатто, Борбаднинг Суманторкка уйланганлигига ҳам ишора бор.

Низомий даҳосидан файз топган Хусрав Деҳлавий ҳам «Хамса» ёзиб, унда Борбадни тилга олади.

Демак, Борбад тиллардан-тилларга ўтиб, элларидан-элларга кўчиб халқ қалбидан мангу жой олган даҳолардан. Шу кунларда нишонланаётган 1400 йиллик тўйи ҳам унинг замонлар оша авлодлар билан ҳамрозу ҳамроҳлигини кўрсатади.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
Олимжон ФАЙЗИЕВ

ОШКОРАЛИК АРАФАСИДА

Жамиятимизнинг ҳамма табақасида тозариш, янгиланиш бораётган бир пайтда тасвирий санъат соҳасида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда? Умуман, рассомлар бугунги инқилобий жараённи ўз асарларида ҳаққоний акс эттираяптиларми? Ёки бу соҳада ёш истеъдодларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёни қандай кечмоқда?..

Гапни сўнгги саволдан, яъни тасвирий санъат соҳасида мутахассислар етказиб берувчи олий ўқув юртлари фаолияти тўғрисида бошламоқчимиз.

Жумҳуриятимизда фақат Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтларида бўлажак рассомлар тайёрланади. Уларда ҳар йили 200—220 нафар атрофида тасвирий санъатнинг турли соҳасига талабалар қабул қилинади. Бу йигирма миллион аҳолиси бор Ўзбекистон учун камлик қилмайдими? Умуман бу кўпми ёки оз? Бундай саволга ким аниқроқ жавоб бера олади? Шу мақсадда мазкур институтларда бўлиб, факультетларнинг деканлари, турли курсларда таълим олаётган талабаларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. Улар асосан ўзларини қийнаётган муаммолар хусусида гапирдилар.

О. ЭГАМОВ, Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат институти рассомлик факультети декани:

— Ҳар йили бизнинг факультетга Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва чет эл мамлакатлари бўйича ўртача 50—60 нафар атрофида талабалар қабул қилинади. Лекин бу, менимча, 12 та бўлими бўлган факультетимиз учун жуда кам. Буни ҳар йили вилоятлардан шу соҳа кишилари етишмайди, деган мазмунда келадиган кўплаб талабномалар ҳам исботлаб турибди.

Демак, деканнинг фикрларига ва талабномаларига таянадиган бўлсак, факультетга ҳар йили қабул қилинадиган талабалар сонини кўпайтириш керак. Ўйлаймизки, институт раҳбарлари бу мулоҳазани инобатга олиб, келгуси қабул режаларига ўзгариш киритадилар. Лекин, шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, ана шу оз деб ҳисобланаётган талабаларга билим бераётган тасвирий санъатга дахлдор факультетларда ўқиш ва ўқитиш ишлари сифати қай даражада, у ерда талабаларнинг эркин ижод қилишлари учун шарт-шароит етарлими? Бу ҳақда талабаларнинг ўзларидан эшитган маъқул.

А. ТУРДИАЛИЕВ, рангтасвир бўлими, 2-курс талабаси:

— Биласизми, ҳаттоки, оддий қалам, бўёқ матолар етишмайди. Илгари чайқов нархида бўлса-да сотиб олардик, энди бўлса чайқовчиларда ҳам йўқ. Агар бозор иқтисодига ўтсак, стипендияга фақат бўёқ билан қалам олсак керак, деб ўйлайман. Наҳотки, институт ўз талабаларини ўқув қуроллари билан таъминлай олмаса?

Ў. ТОШНАЗАРОВ, ҳайкалтарошлик бўлими, 2-курс талабаси:

— Асосий ижод қуроли — гипс йўқ бўлгач, биз қандай қилиб, ҳайкалтарошлик касбини пухта эгаллашимиз мумкин? Ижодий иш қилиш, ўқиб-ўрганиш ўрнига, бошқа нарсалар билан машғул бўлиб юрибмиз. Шарт-шароитнинг, ўқув қуролларининг етишмаслиги талабалардаги ўз касбига бўлган қизиқишни сўндириши мумкин.

Куюниб айтилган бу фикрларда жон бор. Негаки ҳар иккала олий ўқув юртидаги талабаларнинг аксарияти шундай фикрдадир.

О. ЭГАМОВ:

— Менинг таклифим шундай: Ҳар иккала институтдаги санъат факультетларини бирлаштириб Ўзбекистонда Бадиий Академия ташкил этиш вақти етиб келди. Ана шундагина талабаларга етакчи мутахассислар, рассомлар сабоқ бериш имконига эга бўлади. Академияда алоҳида миниатюра санъати факультетини ҳам ташкил этиш мумкин бўларди. Хуллас, академия етук мутахассислар тайёрлашни ижобий ҳал этади.

Р. ИСМАТУЛЛАЕВ, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Бадиий графика ва чизмачилик факультети декани:

— Бадиий Академия ташкил этишнинг зарурати шундаки, бизда ҳозир аудитория тақчиллиги жуда сезилмоқда. Талабаларнинг кўплигидан бир устага 14—15 шогирд тўғри келмоқда. Бунинг устига ёшлар ўртасида тасвирий санъатга қизиқиш кескин ўсмоқда. Бизнинг факультетда кўпроқ педагоглар тайёрлашга эътибор берилади. Биз ҳар йили ўрта ҳисобда 180 нафар атрофида талабалар қабул қиламиз. Лекин бу йил бизнинг факультетда ўқиш истагини билдирганлар 75 ўринга 625 абитуриентни ташкил этди. Имкониятимиз йўқлиги учун жуда кўп истеъдодлар қайтиб кетишга мажбур бўлмоқдалар.

Факультет раҳбарлари билан бўлган суҳбат давомида яна шуни сездикки, шундай ёмон шароитларда ижод қилишса-да, талабаларнинг ишлари Бутуниттифоқ, ҳаттоки Австралия, Германия, Португалия, ХХР, Болгария, Греция, Ҳиндистонда бўлган кўргазмаларда намойиш этилган ва фахрли ўринларни эгаллаган. Шундай экан, нега уларга ўқиш ва ижод қилиши учун етарли шарт-шароит яратиб бермаслигимиз керак?

Хуллас, тасвирий санъат соҳасида жиддий муаммолар анчагина. Лекин уни кичик бир мақолада батафсил айтиш имконияти йўқ. Кўпчиликнинг фикрига кўра жумҳуриятимизда бадиий Академия очиш пайти етилди. Эҳтимол бу айрим ечим кутаётган муҳим масалаларни ҳал этишда ёрдам берар. Аммо ҳозирча бор имкониятлардан етарлича фойдаланишимиз зарур. Шунингдек, юқорида номлари тилга олинган олий ўқув юртларида дарслар сифатини яхшилаш ва ҳар жиҳатдан етук, истеъдодли мусаввирлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш лозим. Шундагина Камолиддин Беҳзод сингари улуғ мусаввирлар ишининг давомчиларини етказган бўламиз. Ўйлаймизки, қайта қуриш ва ошкоралик нафаси тасвирий санъат оламига ҳам етиб келади, жуда кўплаб ижобий ишлар амалга ошади.

Беҳзод НОРБОЕВ

АВВАЛ ЁЗАЙЛИК



Ёш драматург Шароф Султонов, саҳна асарлари ёза бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. У 22 баҳорни кўрди.

1988 йили жумҳурият ёш ижодкорларининг V семинари Шароф Султоновнинг уч саҳнадан иборат «Ҳубоблар» номли илк ҳажвий асарини театрга қўйиш учун тавсия берди. У Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетининг 2-курсида таҳсил оларди. 1989 йил ҳам Шарофга катта қувонч келтирди. Жумҳурият Маданият нозирлиги қошидаги «Дийдор» театр-студияси ўз фаолиятини «Ҳубоблар» пьесаси билан бошлади. Пьесани таниқли режиссёр Эргаш Масафоев саҳналаштирди.

Шароф Султоновнинг устоздан ҳам омади келган. Унга таниқли драматург Шароф Бошбеков ўз маслаҳатлари билан кўмаклашмоқда. «Ҳубоблар» пьесасининг муваффақиятида, албатта устоз маслаҳатлари алоҳида ўрин тутади.

«Дийдор» театр-студияси пьесани Жиззах, Наманган, Фарғона, Хоразм, Самарқанд областларининг районларида ёш томошабинларга кўрсатди. Асар илиқ кутиб олинди ва шу бугунга қадар саҳнадан тушмай ижро этилмоқда.

Очиғи, фақат енгил ҳазил ва кулги билан болаларни тарбиялаб бўлмайди. «Ҳубоблар» эса саҳнага муаммо билан чиқди. Ёш томошабинларга ўзлари кўриб, ўқиб юрган қишлоқ мактаблари манзарасини яққол кўрсатиб бера олди. Эътибор беринг: Синф. Чап томонда ойналари синган иккита дераза. Унинг ўрнига қалин қоғозлар қоқилган. Хона деворининг сувоқлари кўчган. Деворга ўртаси ўйиқ қора доска осиб қўйилган. Қинғир-қийшиқ парталар полсиз хонага тартибсиз жойлаштирилган. Синф ҳар галгидек шовқин. Ўқувчилар парталарда ўтадан ўтиришибди. Шошиб Олдибоев киради...

Пьесанинг биринчи саҳнаси ана шундай бошланади. Юқоридаги тасвирдан сўнг беихтиёр ёш томошабин ўзи, ўз мактаби тўғрисида ўйлай бошлайди.

— Бу пьеса драматургия-га илк қўйган қадамим — дейди ёш драматург.— Аввалари Жиззах вилояти Юнус Ражабий номидаги театрда бир нечта кичик саҳна асарларим қўйилган. Ҳозир яна «Уч кунлик бахт», «Маъюсанинг кўз ёшлари», «Ойдан тушган одам» ва бошқа бир қанча пьесалар устидаги ишларни тугатдим.

— Болалар ва ўсмирлар театрлари хусусида қандай фикрдасиз?

— Гапнинг тўғриси, театрлар хусусида бирон фикр айтадиган одам ўзи кўп иш қилган бўлиши керак. Тажрибалилардан яхшироқ фикр чиқиши мумкин. Мен эса... шахсий мулоҳазаларимни билдиришим мумкин. Вилоятларда менингча, биринчи навбатда болалар театрига эътиборни қаратиш лозим. Қўғирчоқ театрларига-ку, боғча болаларни ўргата олдик. Энди иккинчи поғонага ҳам дадил қадам ташлаш керак. Бу поғона ёш томошабинлар театрларини кўпайтиришдан иборат. Бизга балоғат ёшигача бўлган болалар муаммоси кўтарилган саҳна асарлари керак.

Маданият, театр ва санъат олий ўқув юртларида драматургия бўлимлари очилса, саҳна асарлари учун махсус ойнома ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Саҳна билимлари етишмаганлиги сабабли кўр-кўрона тақлидчилик жуда авж олиб кетган. Томошабинни бездираётган ҳам мана шу.

Шароф билан гаплашиб туриб, 1985 йилги бир учрашув ёдимга тушди. Ушанда таниқли драматург Шароф Бошбеков билан талабаларнинг учрашуви бўлиб ўтганди. Драматургдан шогирдлари ҳақида сўрашганда, Ш. Бошбеков Шароф Султонов ҳақида шундай деган эди:

— У ҳали мақтовга арзигулик иш қилгани йўқ. Аммо иқтидорли ёшлардан. Шарофдан умидим катта. Фақат у мақтовлардан кибрланиб, қийинчиликлардан чўчимаслиги керак. Шароф Султонов жуда кўп ишлар қилиши мумкин.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ

Илк қадам

СОЗ ВА СОЗАНДА ҚАДРИ

ДИЛМУРОД ИСЛОМОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Дилмурод, билишимча, сиз яхши доира чалишдан ташқари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирачилари жамиятининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқдасиз. Ана шу жамиятни тузишдан мақсад ва унинг амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирачиларининг жамияти 1990 йилнинг 10 январида тузилди. Жамиятимизнинг эзгу мақсади санъаткор ёшларимизни маънавий баркамол, бир-бирларига фақат яхшиликни раво кўрувчи кишилар қилиб тарбиялаш. Ёш доирачиларни, энг аввало, иш билан таъминлаш, шу билан бирга, оилавий аҳволларидан ҳамиша хабар олиб туриш жамиятимиз фаолиятининг асосий қирраларидан биридир. Ҳалол меҳнат қилаётган ёш доирачиларимизнинг қобилиятлари, маҳоратлари ва инсоний хулқ-атворларига холисанилло баҳо бериб, уларни чет элларга жўнатиш. Чунки санъаткор ёшларимиз мисолида биз хориждаги дўстларимизга халқимизнинг юксак фазилатли кишиларини, уларнинг етук, мукаммал санъатларини кўз-кўз қилмоғимиз лозим, деб биламан.

— Ўз вақтида санъат бўстонида ҳалол хизмат қилган доирачилар тарихини ўрганиш, ҳозирда ҳаёт бўлган устоз доирачилар билан ёш доирачиларнинг ижодий мулоқотлари қандай самара бераётгани ҳақида билишни истардик.

— Устозларимиз санъати тарихини ўрганиш масаласида, аввало, ўзбек санъатини жаҳонга танитган, доира санъатининг асосчиси бўлган Ўзбекистон ССР халқ артисти Уста Олим Комиловнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёш доирачиларга батафсил сўзлаб берамиз. Қолаверса, улар Уста Олим Комиловнинг биринчи шогирдларидан бўлмиш Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳим Исохўжаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Тўйчи Иноғомов, Ғафур Азиз Солиҳов, Дадахўжа Соттихўжаев, Болта Шариповнинг Уста Олим ака ҳақидаги суҳбатларидан баҳраманд бўлишган. Жумладан, ўзим ҳам устозим Ғафур Азимовни ҳамон чуқур бир эҳтиром билан дилда сақлаб келаман, Ғафур ака Азимов мени болалик чоғларимдан бошлаб ўз фарзандлари қаторида кўриб оталарча меҳрибонлик билан тарбиялаб, мураббийлик қилганлар. Энди, кези келганда, баъзи фикрларни айтиб ўтмоқчиман. Кейинги 15—20 йил ичида инсонлар орасидаги ўзаро ҳурматнинг йўқолиб кетаётгани сабаб санъаткорлар орасида «Устоз — отангдан улуғ», деган халқимизнинг доно мақолига амал қилмай қўйган ёшларимизнинг кўпайиб қолганликлари ачинарли ҳол, албатта. Мен ана шундай ёшларга ҳурматли устозларимиздан, Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳим Исохўжаев, унинг издошларидан Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Қаҳрамон Дадаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Одил Камолхўжаев, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Талъат Сайфуддинов сингарилардан ўрнак олишни маслаҳат берган бўлардим. Ахир, доно халқимиз «Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан», деб бежиз айтмаган.

— Айтинг-чи, амалий ва тадбирий режаларни қайси омиллар ҳисобига амалга оширасизлар?

— Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирачилари жамиятининг режаларини амалга ошириш ишлари учун ҳар бир жамият аъзосидан бир ойда 10 сўмдан жамғариладиган умумий пул асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бу умумий жамғармага жавобгарликни ҳис эта оладиган доирачи тайинланган бўлиб, у ҳар бир сарфланган маблағ учун ҳисобот бериб боради. Жамият аъзосидан ҳеч кимга сир эмас. Лекин шунга қарамай, доирачилар ҳам барча созандалар қатори, умумий меҳнат фаолияти 25 йилдан кам бўлмаган ва фақатгина 60 ёшга тўлгандагина пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадир. Доирачилар фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда Маданият нозирлиги томонидан уларнинг пенсияга чиқиш ёшлари 50 ёшдан белгилаб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Дилмурод, қайси соҳада бўлмасин, барибир, меҳнат қадрланганида, ўз вақтида рағбатлантирилгандагина, инсонда, ўз касбига муҳаббат янада ортади, маҳоратини оширишга интилиш кучаяди...

— Гапингизга тушундим. Санъаткорларни, қолаверса, созандаларни рағбатлантириш раҳбарларимизнинг ҳар бир санъаткор меҳнатини қанчалик тўғри ва одилона баҳолашларига боғлиқ, аллада доирачилар ҳам барча созандалар ҳаётида, умумий меҳнат фаолиятида ўзларига ёшларимизнинг кўпайиб қолганлиги ачинарли ҳол, албатта. Мен ана шундай ёшларга ҳурматли устозларимиздан, Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳим Исохўжаев, унинг издошларидан Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Қаҳрамон Дадаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Одил Камолхўжаев, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Талъат Сайфуддинов сингарилардан ўрнак олишни маслаҳат берган бўлардим. Ахир, доно халқимиз «Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан», деб бежиз айтмаган.

— Айтинг-чи, амалий ва тадбирий режаларни қайси омиллар ҳисобига амалга оширасизлар?

— Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирачилари жамиятининг режаларини амалга ошириш ишлари учун ҳар бир жамият аъзосидан бир ойда 10 сўмдан жамғариладиган умумий пул асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бу умумий жамғармага жавобгарликни ҳис эта оладиган доирачи тайинланган бўлиб, у ҳар бир сарфланган маблағ учун ҳисобот бериб боради. Жамият аъзосидан ҳеч кимга сир эмас. Лекин шунга қарамай, доирачилар ҳам барча созандалар қатори, умумий меҳнатдан бош тортганларни тўғри йўлга солиш, маънавий муҳитни ҳамиша кузатиб бориш каби қатор савобли ишлар кекса доирачиларимизга маъқул тушаётганини севиниб айтишим мумкин.

— Сизнингча доирачи-созандаларнинг санъат соҳасидаги хизматлари неча йилни ташкил этиши керак?

— Созандалар орасида ҳам жисмоний, ҳам масъулият томонидан энг оғир вазифа доирачилар зиммасига юклатилгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин шунга қарамай, доирачилар ҳам барча созандалар ҳаётида, умумий меҳнат фаолияти 25 йилдан кам бўлмаган ва фақатгина 60 ёшга тўлгандагина пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадир. Доирачилар фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда Маданият нозирлиги томонидан уларнинг пенсияга чиқиш ёшлари 50 ёшдан белгилаб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Дилмурод, қайси соҳада бўлмасин, барибир, меҳнат қадрланганида, ўз вақтида рағбатлантирилгандагина, инсонда, ўз касбига муҳаббат янада ортади, маҳоратини оширишга интилиш кучаяди...

— Гапингизга тушундим. Санъаткорларни, қолаверса, созандаларни рағбатлантириш раҳбарларимизнинг ҳар бир санъаткор меҳнатини қанчалик тўғри ва одилона баҳолашларига боғлиқ, аллада доирачилар ҳам барча созандалар қатори

ТУРК НАЗМИДА ТОРТИБ ҚАЛАМ

Боши биринчи бетда.

Умуман, Тошкентда Алишер Навоий ёдгорликларини яратиш бўйича конкурс эълон қилинган эди. Конкурс ҳайъатига шаҳарнинг шоир номи билан аталадиган кўчасини Навоий мемориал комплексга айлантириш хусусидаги лойиҳа тақдим этилганди. Кейинчалик конкурсга яна бир лойиҳа — кекса меъмор Ҳошимжон Қобулов бошчилигидаги архитекторларнинг Халқлар дўстлиги майдонидан Комсомол кўлигача бўлган оралиқда Навоий комплексини яратиш ҳақидаги таклифи тавсия қилинди. Бу таклифга кўра ўша ерда Ёшлар маданият марказини барпо этиш, шоирнинг рамзий мақбарасини ўрнатиш ва бошқа ёдгорликлар тиклаш каби ишлар кўзда тутилган. Хуллас, конкурс ҳакамлари тақдим қилинган лойиҳаларни кўриб чиқиб, яқинда ўз фикрини айтади, деган умиддамиз.

Навоий номини абадийлаштириш борасидаги ишлар Самарқандда ҳам олиб борилмоқда. Шоир таҳсил кўрган Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс гузари таъмирланмоқда ва у ерда ёдгорлик ўрнатилади. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунуни олдида шоир ҳайкали қўйилади. Уни ҳайкалтарош Т. Шоймардонов ишламоқда. Шунингдек, бу ерда Навоий уй-музейини барпо этиш ҳам режалаштирилган. Ҳозир ишлар жадал олиб борилмоқда. Булардан ташқари Олмаота, Гулистон, Чирчиқ, Навоий шаҳарларида ҳам шоирнинг ҳайкаллари қад ростлайди.

Навоий ҳақида яратилган киноасарлар, спектакллар қайта тикланади. Бадиий асарлар нашр этилади. Жумҳурият Фанлар академиясининг Адабиёт институтида Навоий бўлими ташкил этилади. Адабиёт музейимиз ҳам мустақил илмий ташкилот қилиб ажратилади ва шоир асарлари тарғиботига эътибор янада кучайтирилади.

— Тўй тантаналари қачон бошланади!

— Насиб қилса, 1991 йилнинг 9 февралида, ССЖИ Фанлар академияси билан жумҳурият Фанлар академиясининг ҳамкорликдаги Алишер Навоийга бағишланган XXXII анъанавий илмий конференцияси билан бошланади. Бундай конференциялар Тошкент ва Самарқанд Давлат дорилфунунларида ҳам бўлиб ўтади. 1991 йилнинг 9 февралида Тошкентда Навоий хотирасига бағишланган халқ сайлини ўтказиш мўлжалланмоқда. Навоийхонликни барча вилоятларда ўтказиш кўзда тутилмоқда. Навоийнинг тўйи Наврўз байрами билан қўшилиб кетади ва май ойининг охирларигача давом этади.

Тантаналар жумҳуриятимиздан ташқари Олмаота, Ашхабод ва Марв (Навоий бу шаҳарнинг ободончилиги учун кўп ишлар қилган), Боку, Душанба, Уфа, Қозон, Фрунзе шаҳарларида ҳам бўлиб ўтади. Бу жойларда улуғ мутафаккир асарлари нашрига жиддий эътибор берилмоқда. Москвада Жаҳон адабиёти институтида ва Ленинградда Шарқшунослик институтининг филиалида шоир ижодига бағишланган илмий сессиялар уюштирилади.

Айни пайтда Алишер Навоий юбилейини ўтказиш учун ЮНЕСКОга мурожаат қилганмиз. Бизга келган маълумотларга қараганда улуғ алломанинг 550 йиллик тўйига Афғонистон, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Франция, Англияда, Хитойнинг Шинжон ўлкасида ва АҚШнинг Сиэтл шаҳрида ҳам қизғин тайёргарлик бормоқда экан. Франция ва Англияда эса шеъриятимиз бобокалонининг китоблари нашрга тайёрланмоқда. Биз тўйда юртимизга ўша мамлакатлардан олимлар таклиф қиламиз ва у ердаги тантаналарда ўзимиз ҳам қатнашиш ниятимиз бор.

Хуллас, келгуси йил тўла маънода Алишер Навоий йили бўлади.

БОБУРНИНГ ТУШЛАРИ

Боши тўртинчи бетда.

«Адолати бу мартабада эдики, — дейди Бобур, — Хитой корвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафидағи тоғларнинг тубида минг ўйлук корвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассиллар йибориб, корвоннинг жами жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди».

Бобур ана шундай одамларнинг фарзанди эди. Бобурга хос бўлган инсоний фазилатларнинг замирида илоҳий қудратга ишонч ва иймон мужассам эканини кўрдик. Таассуфки, бизнинг кунларимизга келиб, бу ноёб инсоний фазилат йўқлик сари юз тутди, кўнглида унча-мунча илоҳий ёғду зарраси қолган кимсалар қадр топмадилар, аксинча, эл аро таажжуб ва кулгига сабаб бўлдилар. Киши молидан ҳазар қилмаслик, молимардумхўрликдан жирканмаслик одат тусига кирди. Шулар ва шулар сингари ўнлаб, юзлаб номарғуб хусусиятлар жамиятни таназзул кўчасига бошлагани сир эмас.

Суҳбатимиз давомида қайта-қайта зикр этганимиз илоҳий бир қудрат Бобур Мирзони умр бўйи тарк этмади. Ҳатто ҳаётининг сўнгги сонияларида ҳам у самовий сирлар оғушига қовушиб кетди. «Бобурнома»да қайд қилинган шу лавҳани ўқир эканман, кўп вақт ҳушдан айру тушган каби беҳол ўлтираман. Ҳаёт ва ўлим, борлиқ ва йўқлик — бу чигал, азалий тилсимот айни шу лаҳзаларда киши хаёлини бутунисича чирмаб олади.

Келинг, яхшиси, шу сирли лавҳани биргалашиб кўздан кечирайлик:

«Ва Муҳаммад Ҳумоюн Санбалғаким, анинг жойгири эрди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эрди, зоҳиран, ани ер ва суйи хушёқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. Тоонки биз эшиттук, фармон берилдиким, Деҳлиға келтуруб, Деҳлидин кемаға солиб келтурсинларким, ҳакими ҳозиқлар кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору-дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзға еткурдиким, ушмундоқ дардларға даво будуркимки, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки тенгри таоло сиҳҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқаррабларди арзға тегурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Ғараз будуркимки, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас ўшал олмоскимки, Иброҳимни урушида тушуб эди, Муҳаммад Ҳумоюнға иноят қилиб эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазиға нечук бўлғай, мен анинг фудоси қилурменким, ҳол анга мушкул бўлубтур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлиғини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатта кириб, уч қатла бошидин ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим...»

Йўқ, энди бу тилсим таҳлилига адибнинг эмас, табибнинг қалами, нуқтаи назари даркор! Халқ орасида кўп бора эшитганмиз: «жоним садаға бўлсин», «жонимни берайин» каби каломларни. Айни манзара худди ўша фарзандига жонини қурбон қилишнинг ҳам илоҳий, ҳам моддий — заминий кўриниши эмасми?!

УСТОЗ ЭРКИН ВОҲИДОВ бир суҳбатда айтган эдилар: «Ҳазрат Алишер Навоийни мутолаа қилиб ўлтириб баъзан шубҳага ҳам бораман — ҳазрат бу дунёнинг одами эмасмикан, деб...»

Шу сингари Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳам бизнинг одатий турмушимиздан, кундалик майда ҳою ҳаваслар ила хиралашган, самовий сирлардан, илоҳий жозибадан маҳрум бўлиб бениҳоя ғариблашиб, ҳувиллаб қолган ҳаётимиздан нақадар юксакда!

Биз тараққиёт олға қараб бораётир, деймиз. Ташқи — зоҳирий жиҳатлардан, дарҳақиқат, шундай. Аммо ботиний белгиларга қараб баҳо берадиган бўлсак, руҳимизнинг парвози, хаёлларимизнинг миқёси, орзу-ниятларимизнинг теранлиги тарафидан биз улуғ аждодларимиз етиб борган манзил-мароҳилларнинг яқинига ҳам йўлаёлмаганимиз маълум бўлади.

Шу маънода тараққиёт сўқмоқларидан бири сирли, илоҳий Мозий орқали ўтади, деб айтсак, хато бўлмас.

ХОРАЗМ ТАЪЗИМИ

Хоразмда буюк адиб Абдулла Қодирийга бағишлаб боғ ва музей очилди.

Агар йўлингиз воҳанинг Янгибозор районига тушса, албатта «Ленинизм» жамоа хўжалигига киринг. Бўзқалъаликлар сизни улуғ номни ўзида мужассамлаштирган боғ сари етаклашади. Ана шу гўшанинг бағрида янада фусункор бир маскан борки, у ерда аввало кўзингиз маҳаллий ҳайкалтарош ишлаган Абдулла Қодирийнинг чўнг бюстига тушади.

Музей хоналарини кезамиз. Дастлабки экспонатлар қишлоқ аҳлининг Октябрь инқилобидан олдинги тарзини ҳикоя қилади. Уларда халқнинг қашшоқ турмуш ва ночорлиги эмас, балки илмфан унча тараққий этмаган замонларда деҳқонларимизнинг зукко ва тадбиркорликлари шундоқ кўриниб турибди. Навбатдаги хоналардан бири Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган. Бизнинг сафаримизда ҳамроҳ бўлган Шеркон Қодирий (ёзувчининг набираси) бу эҳтиром учун музей ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб, мазкур даргоҳга бобосининг кичик ҳайкалчасини тақдим этди.

Галдаги хона «Муштум» мажалласи тарихи билан боғлиқ. Айни пайтда худди шу ерга мамлакатимиз ва хорижий элларда чоп этилаётган ҳажвий нашрлардан намуналар қўйилган. Эндиликда хоразмликлар мазкур даргоҳда жумҳурият сиёсий ҳажв мажалласи ижодий ходимлари билан тез-тез учрашадиган бўлишди. Дастлабки учрашувда жамоа хўжалиги аъзолари бош муҳаррир Неъмат Аминов гурунгидан баҳра олишди.

Бу мулоқотда шоир Фозил Зоҳид, журналист Абдурауф Қоржовов, Хоразм Давлат педагогика институти доценти Оллоназар Собиров, «Дўстлик байроғи» район рўзномаси муҳаррири Зариф Худойберганов тўпланганлар билан ўзаро фикр алмашишди.

Хоразмда ажойиб анъана таркиб топди. Шарқнинг машҳур алломалари, шоиру санъаткорлари шарафига боғ ва музей яратиш йўли билан табаррук кишилар номи абадийлаштирилмоқда. Ҳозиргача жойларда 20 дан зиёд эл эъзозлаган кишилар номини олган боғлар бунёд бўлди. Бундан ташқари, «Ёшлик», «Ёш ленинчи» каби боғлар севимли нашрларни тарғиб этишда катта аҳамият касб этаётир. Абдулла Қодирий боғи ҳам авлодлар хотирасини сақлашда муҳим омил бўлажак.

Ш. ЖАББОРОВ

ЁРҚИН ИЗ ҚОЛДИРДИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР Бутуниттифоқ балет санъати фестивалини катта қувонч билан кутиб олдилар. Ахир, бу каби фестиваль 73 йилдан буён Тошкентда илк бор ўтказилиши-да! Ниҳоят, бизнинг республикамиз ҳам балет санъати ўчоқларидан бири сифатида тан олинди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки бугун республикамизда иккита опера ва балет театри, оперетта театрининг балет труппаси, Ўзбекистон классик балети театри фаолият кўрсатмоқда, ўзбек хореография билим юрти битирувчилари мамлакатимизнинг етакчи балет коллективларида ишламоқдалар, кўпгина ўзбек балетчилари жаҳон миқёсида жиддий ютуқларга эришганлар. Яна шуниси ҳам борки, республика Театр арбоблари уюшмасини СССР халқ артисти, хореография профессори Бернора Қориева бошқармоқда. У фестиваль бошланишидан олдин ўтган матбуот конференциясида шундай деди:

— Бизда бу каби фестивалларни ўтказиш тажрибаси бор... Ўйлаймизки, балет санъати фестивали ҳам уюшқоқлик билан ўтади. Чунки унга катта тайёргарлик кўрдик... Давра столи атрофида учрашувлар, маҳорат ҳақида суҳбатлар бўлади. Ижрочилар ва балет танқидчилари учрашадилар, фикр-мулоҳаза алмашиниш имконияти туғилади.

Дарҳақиқат, ҳаммаси шундай бўлди. Фестиваль қатнашчилари барча ишлар аниқ йўлга қўйилгани учун ташкилотчиларга кўпдан-кўп раҳмат айтдилар. Шаҳардаги муҳит меҳмонларни лол қолдирди. Мана, уларнинг ўзидан эшитиб кўринг-а:

Наталья ЧЕРНОВА, балет танқидчиси (Москва):

— Москвада ҳатто кундузи ҳам кўчада юриш хавфли. Мен бу ерда дам оляпман. Навбатда туришлар, талонларни унутиб юбордим. Кўнглим қандайдир хотиржам бўлиб қолди. Зал томошабинлар билан тўлиқ, барча қарсак чалади, йиғилганлар артистларни самимий олқишламоқдалар. Ҳа, сизлар бахтлисизлар.

Светлана КОЛИВАНОВА, Украина ССР халқ артисти:

— Очиғи, бундай илиқ кутиб олишингизни кутмагандим. Ҳаммаси худди анча йиллар олдин бўлганидек яхши ва осойишта... Фестивалнинг ташкил этилишига келсак, у ниҳоятда юқори савияда. Залдаги томошабинлар ҳам ақлли ва самимий.

Бу каби миннатдорлик сўзларини ҳар бир иштирокчидан эшитиш мумкин. Балет байрами мамлакатимизнинг турли театрлари вакилларини бир ерга жамлади. Улар орасида Киров номидаги Ленинград опера ва балет театри, Борис Эйфман раҳбарлигидаги Ленинград Давлат балет театри, Валентина Ганибалова раҳбарлигидаги Ленинград камер балет театри, Ёқутистон-Саха ССРнинг музикали театри, Харьков, Днепропетровск, Белоруссия, Бошқирдистон, Қирғизистон, Қозоғистон опера ва балет театрлари, Москва балет ансамбли, шунингдек, Вена ва Мюнхень опера театрлари артистлари бор.

Фестивалнинг муҳим томонларидан бири шу бўлдики, унда хореография осмонида энди кўзга кўриниб келаётган янги номлар кашф этилди. Рақс байрами бизни турли мактаблар, услублар, йўналишлар билан таништирди, бугунги балет қандай тарзда ривожланаётганини кўрсатди. Альбинони ва Бах музикалари асосидаги ажойиб хореографик номерларни (Валентина Ганибалова ва Дмитрий Шляхтенков, Жаклин Аҳмедова ва Кэри Девис ижроларида) кўришга муяссар бўлдик. Чайковский музикаси асосида Никита Долгушин қўйган «Ҳамлет» балети мусиқа, рақс ва ижро маҳорати уйғунлигининг ёрқин намунасидир (Римский-Корсаков номидаги Ленинград консерваториясининг мусиқали театри). Мана сизга, ҳеч қачон эскирмайдиган, ҳар қачон жаҳон балетини олға ҳаракатга келтирувчи классиканинг қудрати!

Программа ҳар бир ижрочи ўзини яққол намоён этишига мўлжаллаб тузилганди. «Оққуш кўли» балетининг биринчи кўринишида Зигфрид партиясини Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган артист Олег Корзенков ижро этди. Бу унинг бизнинг театр саҳнасидаги премьераси эди. Кейин уни «Уйқудаги гўзал», «Пахита», балетларида, «Дон Кихот» балетидан ижро этилган па де деда кўрдик. О. Корзенков нафақат ажойиб партнёр, балки бебаҳо рақкос ҳамдир. Унинг қаҳрамонлари гўзаллиги, ҳаракатларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бироқ у ҳали ўз техникасини мукаммаллаштириш йўлида узоқ ишлаши керак.

Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган артист Инесса Душкевич О. Корзенковга муносиб партнёр бўлди. Унинг лирик истеъдодига «Уйқудаги гўзал» ва «Дон Кихот» балетларидаги бош партиялар ниҳоятда мос тушади. Бу балетларда актриса юксак нафосати билан бирга, аъло даражадаги ижро техникасини намоён этди. Хусусан, «Оққуш кўли»даги Одетта партиясида. Бироқ унинг қаҳрамони характерида сирлилик, ҳиссиётлар яширинлиги етишмади.

Москвадаги балет артистлари Бутуниттифоқ ва Париждаги балет артистлари халқаро конкурслари лауреати Анна Дорош ҳамда Нью-Йорк ва Парижда ўтган балет артистларининг халқаро конкурслари лауреати Айдар Ахметовнинг чиқишлари томошабинларни ром этди. Бу дуэтда ҳамма нарса — техника ҳам, характер ҳам, саҳна маҳорати ҳам ғоят мукаммал. Улар энг юксак баҳоларга муносибдирлар.

Тошкентликлар илк бор олис Ёқутистон балет артистлари санъати билан танишишга муваффақ бўлдилар. Улар ижросидаги бир актли «Ромео ва Жульетта» спектаклининг саҳнавий талқини эътироз туғдирса-да, И. Борисова ва А. Ултурганиев ижросидаги — «Шимол эртаклари» хореографик миниатюрасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Классик рақс орқали улар ўзларининг бой миллий хореографияларини кўз-кўз қилдилар. И. Борисова ва А. Ултурганиев рақслари ниҳоятда енгил, эркин, юмшоқ, ижроларида нозик лирика, ўзига хос халқ юмори устунлик қилади.

Вена операсининг солисти Жаклин Аҳмедова ўз ватандошларини ниҳоятда хушнуд этди. Мюнхень операсининг солисти Кэри Девис унга ҳамроҳлик қилди. Бах мусиқаси асосидаги хореографик саҳна шуни кўрсатдики, чет эл балет санъатида классика ва замонавий модерн-балет жуда муваффақиятли уйғунликка эришган. Бу дуэтдаги ёрқин пластика, ҳаракатлар нафислиги, санъатга жиддий муносабат шинавандаларга маъқул бўлди.

Жаклин Аҳмедова репетициядан сўнг бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мен самолётдан тушиб, тўғри театрга келдим. Назаримда, мана шундай Бутуниттифоқ байрамларга 2—3 та чет эллик дуэтларни ҳам таклиф этиш жуда фойдали. Чунки шунда қиёслаш, хулоса чиқариш имконияти туғилади. Ўз қобиғида ўралиб қолишдан ёмони йўқ. Сизларнинг собиқ солистингиз, ҳозир эса Ленинградда ишлаётган Вячеслав Муҳамедов билан «Жизель» балетидан адажио ижро этишимдан ниҳоятда хурсандман. Умуман, отамнинг Ватанига келишни яхши кўраман...

Томошабинлар илтимосига биноан бир актли «Ҳамлет» балети икки марта намойиш қилинди. Унда бош ролни СССР халқ артисти, балет артистлари Халқаро конкурслари лауреати, хореография профессори Никита Долгушин ижро этди. Бу артистнинг номи совет балетида афсонага айланган.

Энди, турли сабабларга кўра бизнинг опера ва балет театримиздан бошқа жойларга ишга кетиб қолган артистларимиз ҳақида икки оғиз гапирмоқчимиз; мана, ўша «қочоқларимиз» — Светлана Коливанова, Валентина Ганибалова, Вячеслав Муҳамедов, Баҳром Йўлдошев, Станислав Чалов — бугун пойтахтимизда меҳмон бўлиб турибдилар. Улар орасида балет усталари ва оддий солистлар ҳам бор. Томошабинлар ўзларининг эски танишларини ниҳоятда самимий қарши олдилар.

Фестивалда бошқа қизиқарли учрашувлар ҳам бўлди. Фрунзе ва Олмаотадан келган етакчи балет солистлари, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулжон Туткибоева ва Ербўлат Асилгазимов ҳамда Қирғизистон опера ва балет театри солисти Светлана Тукбўлатова ўз маҳоратларини юқори даражада намоён қилдилар. Шунингдек, фестивалда Навоий номидаги театрнинг етакчи солистлари Шавкат Турсунов, Василий Клочко, Замира Давлатмуродова, Феруза Саъдуллаева, Гули Ҳамроева ва бошқалар иштирок этдилар.

Балет байрами республикамиз маданий ҳаётида ёрқин из қолдирди. Фестиваль қатнашчилари янги учрашувлар умиди билан хайрлашдилар.

Любовь ПЕЛЕВИНА

СУРАТДА: Шавкат Турсунов ва Инесса Пушкевич (БССР) саҳнада

В. ХАРИТОНОВ суратга олган.

ТАРИХ ТУЙҒУСИ

Тошкент Давлат дорилфунуни маданият саройида «Бухоро ўтмиши билан учрашув» кечаси бўлиб ўтди. Унда пойтахтда истиқомат қилаётган бухоролик зиёлилар, таълим олаётган талабалар билан бирга жумҳуриятимизнинг таниқли олимлари, санъаткорлари ҳам иштирок этдилар. Бухоронинг қадим тарихи ҳақида Бухоро Давлат педагогика институти ректори, профессор Ф. Қосимов ҳамда таниқли адабиётшунос, филология фанлари номзоди И. Ҳаққулов маъруза қилдилар. Шоирлардан С. Раҳмон, Б. Ражабов, таржимон Г. Норматова, олим Р. Давронов ва бошқалар сўзга чиқиб, қадим шаҳарнинг тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида сўзладилар.

Кечада Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг актёрлари — СССР халқ артистлари С. Эшонтўраева, Н. Раҳимов ва жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Т. Мўминов қатнашиб спектакллардан парчалар намойиш этдилар. Шунингдек, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист М. Азимов, Бухоро вилояти Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қ. Жўрақулов, ёш хонанда Ф. Шамилов ва «Дилдор» фольклор этнографик ансамбли қатнашчиларининг чиқишлари ҳам кеча иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Кечани артист С. Шарипов олиб борди.

— Ошкоралик ва қайта қуриш туфайли бундай кечаларни тез-тез уюштириб туриш керак, — дейди Иброҳим Ҳаққулов. — Чунки бундай учрашувлар ўз юртини, унинг тарихини янада чуқур билишда муҳим аҳамиятга эга. Бухоро тарихи Самарқанд, Хева, Қўқон, Тошкент, хуллас, бутун Туркистон тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Шунда биз Ўзбекистон, қадим Турон тарихини ҳам чуқур ўрганган бўламиз. Бунга «тор туйғу» деб қарайдиганлар хато қиладилар. Ҳозир юртнинг, элнинг тарихини ҳар жиҳатдан пухта билиш, ёш авлодлар қалбига тарих туйғусини жойлаш вақти келди. Ўйлаймизки, келгусида бундай сермазмун кечалар кўплаб ўтказилади.

УЗОҚ ЯШАШ СИРИ

ИНСОНИЯТНИ доимо бир муаммо ўйлантиргани-ўйлантирган: қандай қилиб узоқ умр кўриш мумкин? Ҳатто, бундан икки минг йил муқаддам буюк Лукреций ҳам ўз асарларида, жумладан, «Табиат ҳақида» номли китобида бу масала ҳақида мулоҳазалар билдирган. Хўш, одам узоқ яшай олмаслигига нима сабаб? Қариш-қартайишнинг боиси не?

Аввало, шуни айтиш керакки, ҳаёт ҳамма нарсани ўз измига солади. Инсоннинг кексайиши ҳам маълум қонуниятга асосланган. Қолаверса, олимларнинг таъкидлашларича, қарилик қатор касалликларнинг ривожланишида туртки ҳисобланади. Ёши бир жойга бориб қолганлар кўпроқ атеросклероз, рак, диабет, артериал гипертония, юрак ишемияси хасталикларидан вафот этади. Бу касалликларнинг пайдо бўлиш механизмини тушуниш учун эса, қариш ва ёш патологияси (аъзолардаги касалликлар, ёш ортиб бориши билан организм ҳаёт фаолиятида пайдо бўладиган ўзгаришлар) ўртасидаги алоқани аниқлаш лозим. Бунда бир неча кўринишлар ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Гиппократнинг таъкидлашича, узоқ умр кўриш билан жисмоний машқ қилиш, тоза ҳавода айланиш, хуллас, ҳар соҳа ўртасида чамбарчас боғлиқлик бор. У қарилик 70 ёшда бошланади, деб ҳисоблайди. Пифагор эса қариш инсон ҳаётининг охирги 20 йилини —60 дан 80 ёшгача бўлган даврни қамраб олади, дейди. Бу чегаралардан кейин инсон учун ҳаёти йўқ, ҳисоби...

Бошқалар ёш кетишини эҳтимоллик жараёнига йўйиб, у организмга кўпдан-кўп ички ва ташқи омилларнинг таъсир этишидан, дейдилар. Менимча, генетик ўзгариш қариш эмас, балки организмнинг бузилиши билан боғлиқ моддалар алмашинуви жараёнидир. Ҳаёт ана шу қонуниятга асосланади. У ҳар қайси организмда турлича кечиши мумкин. Шунга кўра, масалан, сичқон 2 йил, фил 100 йил яшаши аниқланган. Бундан битта хулоса чиқади: қариш қайси ёшдан, қачон бошланади, деган гапга ўрин қолмайди. У жинсий хужайралар уруғланиши билан бирга ривожланади.

Узоқ яшаш сирини кашф этиш ҳозирги даврнинг муҳим муаммоларидандир. Бу йўналишда анчагина ибратли ишлар амалга оширилаётир. Ўтган 70 йил давомида мамлакатимизда ўртача умр кўриш икки маротабага ошгани фикримизнинг исботидир. Бу албатта, тиббиёт фанининг тараққий этишидан.

Олимларимизнинг тинимсиз изланишлари туфайли касалликлар, айниқса, юқумли хасталикларга қарши курашишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди. Кишиларнинг яшаш шароити ўзгарди, ижтимоий аҳволи яхшиланди. Аммо, шуниси ажабланарлики, бир неча минг йиллардан буён инсоннинг умр кўриш имконияти биологик жиҳатдан ошган эмас. Тадқиқотчиларимиз ҳозир бу ёшни 90 атрофида, деб ҳисобламоқдалар. Аслидачи? Ахир дунёда бундан ҳам узоқ умр кўрувчилар бор-ку!

«Ёшини яшаб, ошини ошаганлар» ҳақида гапирганда шуни айтиш керакки, улар жуда озчилик бўлиб, 115—120 ёшгача умр кўришган. Кавказда бу кўрсаткич бироз юқори бўлиши мумкин.

Шарқ халқларида игна билан даволаш кенг тараққий этганлиги ҳаммага маълум. Улар ичида узоқ умр кўриш нуқтаси деган тушунча айниқса шуҳрат қозонган. Бу ҳақда қатор афсона, ҳикматли латифалар тўқилган. Улардан бири қуйидагича: Қуёш чиқар мамлакатнинг подшоси энг кекса икки кишини саройга таклиф этибди. Меҳмондорчиликка 242 ёшли Матлэ ҳам оиласи билан ташриф буюрибди.

— Қандай қилиб сен бундай табаррук ёшга кирдинг? — дея сўрашибди ундан.

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — деб жавоб берибди қария, — ҳар тўрт кунда жисмимдаги узоқ яшаш нуқтасини куйдириб тураман.

Сўнгра Матлэ йиғилганларга ўша нуқтани кўрсатибди.

Бу афсона албатта, лекин олимлар ҳозир узоқ умр кўриш нуқтасини қўзғаш организмни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатишига, инсоннинг узоқроқ умр кўришига имконият туғдиришига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Бунда икки йўл мавжуд. Аввало организм касаллик ривожланишига қарши кураша олиш лозим. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, қариш пировард натижада хасталик пайдо бўлишига олиб келади. Борди-ю, биз фақатгина рак ва юрак, қон-томир касалликларини тугатган тақдиримизда ҳам инсон умрини 10—12 йил узайтиришга эришган бўлардик. Иккинчидан, менимча, қариш жараёнини сусайтирадиган қандайдир малҳам яртиш зарур. Зеро, бу борада маълум тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Овқатланишни тўғри йўлга қўйиш ҳам узоқ умр кўришнинг бирламчи омилларидан ҳисобланади. Жисмонан чиниқиш, спорт билан шуғулланиш бу жиҳатдан янада самарали натижалар бериши мумкин. Бундан ташқари, олимлар ҳозирги пайтда узоқ яшашнинг янги форма ва усуллари устида тадқиқотлар ўтказмоқдалар. Масалан, энтеросорбция йўли билан ошқозон-ичакдаги соклар ва қонни заҳарли моддалардан тозалаш бўйича бошланган тажриба, генинженерия шундай хайрли ҳаракатлардандир.

Ҳозир геронтология — қариш ҳақидаги фан олдида жуда катта муаммолар турибди. Уларни ҳал этиш инсоният келажагида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Ўшанда балки ёш ўтган сайин кишининг интелектуал кучи ва ижодий иш билан шуғулланиши камайиб боради, деган гапларга ҳожат қолмас. Бинобарин, ўтмишда, «буюк қариялар» бу фикрни инкор этадиган даражада ишлашган: Гёте, Пикассо, Стравинский, Рубенштейн 80 ёшларида энг бебаҳо асарларини яратишган, И. П. Павлов шу ёшда илмий ишлар ёзган...

Вольтер бежиз айтмаган: «Қарилик — нодон учун қиш бўлса, олимга айни ўрим-йиғим давридир».

ХУЛЛАС, УЗОҚ яшаш сири ҳозирча муаммолигича қолмоқда. Киши қанча умр кўриши сабаблари ҳамон олимларимизни ўйлантирмоқда. Жумладан шу ҳафта 60 йиллик юбилейи ўтган бизнинг тиббиёт олийгоҳимизда ҳам бу муаммо билан шуғулланиш учун яхшигина шароит яратилган. Тўғри, ҳозирча ижобий натижага эриша олганимиз йўқ. Бироқ, изланишларимиз келажакда мазкур соҳада анчагина ютуқларга эришиш мумкинлигидан далолат бермоқда. Бизнинг ҳозирги энг муҳим бурчимиз яшаб турган умримизни қисқартириб қўймаслик. Бунинг учун машҳур олим, академик И. П. Павловнинг қуйидаги ўгитларига амал қилиш фойдадан холи бўлмайди: «Инсон 100 йил яшаши мумкин. Лекин биз ўзимизнинг тийиқсизлигимиз, пала-партишлигимиз, ўз организмимизга нисбатан шафқатсизлигимиз туфайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб борамиз».

Нуриддин КАМОЛОВ,
Академик И. П. Павлов номидаги «Халқлар дўстлиги» орденли Самарқанд тиббиёт институти ректори, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган шифокор, профессор.

Яқинда Тошкентда аскиячи ва қизиқчиларнинг жумҳурият кўриги бўлиб ўтди. Шу муносабат билан мухбиримиз кўрик ҳакамлар ҳайъатининг раиси, профессор Муҳсин ҚОДИРОВдан конкурс якуни тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

КУЛГИ БАҲСИ

— Бу йилги конкурс еттинчи марта ўтказилиши. Биринчи марта 1940 йили ўтказилган. Ўшанда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов билан биргаликда ўттизга яқин атоқли аскиячи ва қизиқчилар ўз санъатини намойиш қилишган.

Навбатдаги кўрик олдингиларидан шуниси билан фарқ қиладики, бунда аскиячи ва қизиқчилар ҳамда дорбозлар, масхарабозлар иштирок этишди. Аммо бу кўрик биз кутган даражада ўтди, ҳаммамизни қониқтирди, деб айтолмайман. Шунга қарамай, кўрик маълум даражада ўз натижасини берди. Низомга кўра иштирокчилар ўзлари тўқиган, халқ орасида тарқалган қизиқарли латифалар, аскиялар айтишлари шарт эди ва шунга қараб ўринлар белгиланди.

Конкурс натижасига кўра коллективлар ўртасида қуйидагилар ғолиб деб топилди:

Биринчи ўрин Хоразм областининг Маноқ масхарабозлари (раҳбари Д. Эржонов), иккинчи ўрин Қўқон шаҳар дорбоз-масхарабозлари (раҳбари М. Муродов), учинчи ўрин Андижон миниатюрачилар ансамбли (А. Ҳаққулов, С. Маннопов) иштирокчиларига насиб этди.

Аския бўйича биринчи ўринни Андижон аскиячилари (раҳбари В. Рўзиматов) олдилар.

Якка қизиқчилар ўртасида биринчи мукофот Т. Худоёровга (Жиззах), иккинчи мукофот Ш. Сойибжоновга (Андижон) ва А. Сотволдиевга (Қўқон), учинчи мукофот Х. Аҳадов (Навоий) ва Ё. Долимовга (Асака) берилди.

Бу йилги кўрикда ўттизга яқин якка қизиқчилар иштирок этишди. Лекин уларнинг кўпчилиги уста кўрмаганлиги сабабли чиқишларининг савияси кутилгандек бўлмади. Фикримча, улар конкурсга келишларидан олдин вилоятларда синовдан ўтсалар, у ерда ҳар хил беллашувлар ўтказилса, нур устига нур бўларди.

СУРАТДА: Конкурс қатнашчилари.

В. ТЎРАЕВ суратга олган.

БИЛДИРИШ

Оролни асраш қўмитасининг ҳукуматнинг Оролга доир қарори қандай бажарилаётганига бағишланган ва шу йил 14 декабрь куни ўтказишга мўлжалланган йиғилиши 21 декабрь кунига кўчирилди.

ЭЛЛИК ЁШЛИ «ШУМ БОЛА»

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Хайрулла Саъдиев

«Шум бола»ни элликка кирибди деб эшитганимда рости, ишонмадим. Тўғри-да, кечагина ойнаижаҳонда ҳаммани кулдириб юрган болани лабдурустдан қандай қилиб шунча ёшга кириб қолганини ҳазм қилолмадим. Бунга бир мен эмас, кўпчилик кулгусеварлар ҳам ишонмаслиги аниқ. Охири уни излаб топдим. Ҳалиям ўша-ўша, калта жингалак соч, узун бурун, қисиқ кўз. Сўрашмасданоқ кулиб юбордим. Шукурки, артист... Артист бўлгандаям анойи эмас. Бир уёқ-буёғига қараб олди-да;

— Нима бирор жойим...

— Иўғ-е, ўзим сизни кўриб...— дея олдим, холос, хижолат бўлиб.— Ҳечам ўзгармапсиз. Сизни «Шум боланинг чойхонаси» барча шинавандалари номидан эллик ёшингиз билан табрикласам бўлар...

— Секинроқ айтсангиз-чи? Эшитганлар нима дейди? Хайрулла ўзини реклама қиляпти демасин тағин.

— Майли-ю, лекин нима, элликка кирганингизни тан олмайсизми?

— Нега энди? Ўзимам ҳайронман қандай қилиб шунча ёшни уриб қўйганимга. Шу десангиз юраверибман одамларга ишониб. Биттаси «вой ана уни қара, шум бола-ку» деса бир яшарибман. Бошқаси «конфетвой келяпти» деса икки яшарибман. Бу умр дегани ўтаверар экан. Сира ҳисоб-китобни билмайди-ей.

— Энди, кўп гап нимага юклигини биласиз. Бир очилиб гаплашайлик.

— Нима, ҳали суҳбатни бошламадикми?

— Энди-да. Бир шартим бор.

— Бой отага ўхшаб-а?..

— Илтимос, ҳеч бўлмаса элликка кирганингизда бизни ишонтиринг...

—Кўндим. Аммо сал-пал...

— Йўқ, кетмайди. Ҳеч қандай сал-пали йўқ. Бу чойхона, Ойнаижаҳонмас.

— Бўпти. Бошладик бўлмаса. Лекин сизга ҳам шартим бор.

— Қандай шарт экан?

— Бу мухбирларга ҳам кўпам ишонавермайман. Қўшиб чатмайсиз. Оғзимдан чиққанини ёзасиз. Қани қўлни олинг-чи?

— Бу Чиялнинг бозори мас-ку!

— Йўқ, таомили шундай. (Сўнг ростакамига Хайрулла ака ёнида турган кўзлари ичига кириб кетган, туришини кўриб опамнинг кулгиси қистайдиган Тоҳир деган шогирдига «қани қўлни кес-чи!» деди. Уям анойи эмас экан. Ростига олиб пул деса етти чақирим наридан эшитадиган даллолларга ўхшаб қарсиллатиб урса бўладими.

— Тошкентнинг Себзор даҳасига туғилганман. Ҳозир номиям қизиқ. «Марказ» десангиз, ҳеч ким билмайди. «Ц» деб нўмирини айтинг, қўлингиздан етаклаб олиб бориб қўйишади. Отамни Ҳабиб Саъдий дейишарди. Ҳамза театрида актёрлик қилган. Худо кўп кўрган эканми, 36 ёшида қазо қилганлар. Онамни Маҳбуба ая дейишади. Ҳозир пенсияда. Қирқ йил муаллималик қилган. Биз икки ўғилмиз. Ёдгорни биласиз.

— Сиз каттами ё?..

— Албатта мен-да. Ҳамма адаштиради. «Айбим» жуссам кичиклиги. Суягим енгилда.

— Нон тегмаганми?

— Йўғ-е, ҳаммадан кўп овқат ердим. Сингмаса нима қилай? Энди сал жиддийроқ савол беринг. Ҳадеб кулаверсам...

— Майли, биринчи ўйнаган ролингиз?

— Ҳамза номидаги театрда қўйилган «Булутли тунлар» деган спектаклда кичик рол ижро этганман. Анатолий Қобулов шу ерга етаклаб олиб борган. У киши режиссёрлик қилардилар.

Энди икки оғиз «Шум бола» ҳақида. Чунки сизни машҳур қилган рол ҳам шу-ку?

— Агар қўлимдан келсайди, бир китоб қилардим шу ролимни қандай яратилганини. Ҳар бир актёрнинг умрини белгилайдиган битта роли бўлади. Аброр акада Отелло, Наби Раҳимда Холмат, Э. «Шум бола»ни қўйгунимизча она сутимиз оғзимиздан келган. Аввал уч серия қилиб ишладик телевидение учун 1967 йилнинг 18 майида биринчи премьера бўлганди. Шундай катта шов-шув бўлиб кетган ҳамма ёққа. Ганжа Ёқубов режиссёрлик қилганди ўшанда. (Ҳозир у киши жумҳурият телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасининг раиси). Ганжа акадан кейин бирорта режиссёр «Шум бола»ни бундай шов-шувли қилиб қўёлмади. Кейин Дамир Салимов кинога олди.

— Ҳозир ўша сиз айтаётган машҳур телевидение варианти сақланиб қолганми?

— Қаёқда дейсиз. Билмадим, дўстликданми, душманликданми Ганжа ака ишдан кетгандан сўнг (15 йиллар бўлди чамамда), ўз кўзим билан кўрганман ленталарни чиқариб ёқишган. Халқнинг шундай зўр асарини кулини кўкка совуришган. Мана ҳозир ҳам ҳеч биров кўрмайдиган қанчалаб асарлар архивда чанг босиб ётибди.

— Сақлаб қолишга уринмаганмисиз?

— Ўшанда кўзларимга ёш келган. Қўлимдан эса ҳеч нарса келмаган. Сўзи ўтмайдиган одам бўлганман-да у пайтлар. Биров кимсан ҳам демасди. Ҳалиям эсласам йиғлайман... Жуда кўп катта-кичик рол ўйнадим. Лекин биттасиниям Шум болага тенглаштиролмайман.

— Қўшиқларни қаердан топгансизлар? Ғафур Ғуломда йўқ-ку?

— Топиш осон бўлмаган. «Вақ-вақа тўрам»ни бувимдан эшитганман. «Чаманда гул»ни эса Афандихон Исмоилов топиб келган. Энди у қўшиқлар қаёқда дейсиз, ҳаммаси ёниб кетди...

— Келинг, бугунга қайтайлик. Ҳозир кўпчилик сизни қаерда ишлаётганингизни ҳам билмайди. Бу ёғи телевизорда кўринмай кетдингиз...

— 1986 йилдан бери Абдулла Қаҳҳор номидаги сатира театрида ишлаб юрибман.

— Шу театр ташкил этилганда қандай илиқ гап-сўзлар бўлгани эсингиздами?

— Тўппа-тўғри. Одамлар, томошабинлар биздан кўп нарсани кутишганди. Афсус, ишончни оқлолмадик. Меним ниятларим кўп эди. Москвада Миронов, Папанов, Ткачуклар ишлаган зўр театрдай қиламиз деб ўйловдик. Дастлаб иш яхши кетди. Кейин кўз тегдими, билмайман, аста-секин мен билан келганлар битта-битта театрдан кета бошлашди.

— Сиз ҳам кетмоқчимисиз?

— Йўқ, худо сақласин. Театрни оёққа турғазиш ҳақида ўйлаш керак, кетиш ҳақида эмас.

— Сатира театри тарқалиб кетибди деган гап ҳам чиққанди...

— Бу миш-мишда сал жон бор эди. Юқорида айтдим-ку, эскилардан ўзим қолдим. Бир ўйлаб кўринг, театрни бошқарадиган одам бўлмаса, малакали актёрлар бўлмаса нима бўлади? Бир ёқда жойнинг тайини йўқ. Маошлар ҳақида сўрамай қўя қолинг.

— Бу ёқда бозор муносабатлари деган нарса эшик қоқиб турибди. Театрда аҳвол бу. Унда актёрларнинг яшаши қандай бўлади?

— Сиз сўраманг мен айтмайин. Ҳозир 120—140 сўм маош олишяпти. Бировида иккита бола бор, бировида учта-тўртта. Баъзилари ижарада яшайди. Давлатнинг бераётган ойлиги бу бўлса. Кейин нима қилади актёр бечора? Директорни алдайди, касалман, дейди. Бошқа баҳона қидиради. Қандай қилиб бўлса ҳам пул топиш илинжида юради. Театрда қўл учида ишлайди. Тўй деса буёғи Самарқанддан бу ёғи Қўқонгача кетгани-кетган. Яқинроқдан чиқиб қолса «чарлар» деса ҳам йўқ демайди.

— Ҳаёт қизиқ-да. Гоҳо суйинасиз, гоҳо куйиниб яшайсиз. Сизнинг ҳам ҳеч ўзингиздан кўнглингиз қолган пайтларингиз бўлганми?

— Албатта бўлган. Ҳатто хурсандчиликдан кўра ташвишли кунларим кўп. Одамлар ўйлайди: «бу артистларга маза-да, доим кулиб юраверади. Ғами йўқ, қорни тўқ. Сира қаримайди» деб. Эҳ, биз ноиложликдан, ич-ичимиздан эзилиб юрган пайтларимиз ҳам ҳеч кимга сездирмаймиз. Нима қилайлик, «қўл синса, енг ичида». Ўзимиз қайғурсак ҳам эл кулиб юрсин деймиз.

— Яхши кулкиларингиз ҳам кўпдир ахир?..

— Кўп. Ўғил кўрганимда бир суйиндим. Қиз кўрганимда бир. Мана набирали бўлдим, яна байрам.

— Оилангиз ҳақида...

— Биринчи умр йўлдошим Раъноxон Мадраҳимова билан бирга ўқиб, бирга ишлаган эдик. Яхши одамлар барибир кўп яшолмас экан. Пешонамга сиғмади. Яна уйландим ноиложликдан. Маликахон инглиз тили муаллимаси. Икки ўғил бир қизни тарбиялаяпмиз. Ифтихор қишлоқ хўжалиги институтида ўқияпти. Сардор эса жисмоний тарбия институтини битириб спорт интернатида футбол бўйича тренерлик қиляпти. Эъзоза мактабда ўқийди.

— Фарзандларингиздан бирортаси ҳам отасига тортмапти-ю...

— Билмасам. Биттаси амакисига ўхшаб футбол деса томдан ташлайди, Ҳозир оғзи қулоғида. Командаси олий лигага чиқиб олди-да!

— Чойхона мухлисларига қандай тилакларингиз бор?

— Жуда кўп. Қай бирини айтайин. Омон бўлишсин. Ўзбекнинг кулгуси сира сўнмасин.

— Сизга ҳам самимий суҳбатингиз учун ташаккур. Илоё, 60—70 ёшларга кирганингизни ҳам шундай сезмай қолайлик.

— Қанийди...

Норқобил ЖАЛИЛ
суҳбатлашди

Рассом С. ҲАМРОЕВ

«ЧОРСУ» БОЗОРИДАН ИНТЕРВЬЮ

ЛУЛИ ХОТИН:

— Кел кўрайин фолингне,
Чўз қўлимга қўлингне.
Бахтингдан фол кўрайме,
Тахтингдан фол кўрайме,
Сенга айтар сирим бу,
Бир танга бер, ирим бу:
Уч кунда ё ўн кунда,
Кундуздаме ё тунда
Эртаме ё кечда сан
Бир хушхабар эштасан.
Садақа рад балонгга
Пулингдан чўз халонгга!

СОМСАФУРУШ:

— Келиб қолинг думбага,
Кўринг мана, мой, кўка,
Сизга текин, еб олинг,
Баққа келинг, ҳой ука!
Хохласангиз сепаман
Қалампир ё мурчдан
Халққа хизмат қилишда
Қочмаймиз биз бурчдан.
Четга ўтинг, амаки,
Айнитманг-да мижоздан,
Маза қилиб еб энди
Дейсиз сомса пиёздан!!!

АНГИШВОНА
ЎЙНАТУВЧИ:

— Тополмасанг менгадир,
Топар бўлсанг сенгадир.
Рўпарамда туриб ол,
Соққа қайда, кўриб ол:
Унда йўғ-у, бунда йўқ,
Бундай ўйин кунда йўқ.
Топиб бўпсан, биламан,
Кармонингни шиламан.
Билиб қўйгин янаким,
Мелиса ҳам амаким!

КИССАВУР:

Амакижон, сурилинг,
Қаергача кетасиз,
Киссангизда чақа йўқ,
Автобусда нетасиз?
Меровроқ турса биров
Чўнтагини урсакми,
Ҳов холажон, кўтаринг,
Не қиламан туршакни!
Кўзга қаранг, ҳой ока,
Айирдингиз тинчимдан
Пул йўқолса кимда айб
Иштонбоғнинг ичидан?!

Нурилла ОСТОНОВ

ГАРМИГГЕЛТ

НАСИБ ҚИЛМАГАН ЭКАН

Жаноб Блекманн қирқ йилдан зиёдроқ ишлади ва энди мазза қилиб қарилик гаштини сурар эди. У ҳар куни соат тўққиз яримда кўчага сайрга чиқарди.

Бугун эрталаб озиқ-овқат дўкони ёнидан ўтиб кетаётган эди бақалоқ сотувчи машинаси билан унинг олдига келиб тўхтади ва сигарета тутди.

Блекманн бир дона сигарета олди ва сотувчига миннатдорчилик билдирди. Сотувчи жўнаб кетгач, Блекманн сигаретани чексамми, чекмасамми деб ўйланиб қолди. Бирон иссиқроқ жойда чекиб оларман деб ўйладида, сигаретани чўнтагига солиб қўйди. Чунки сигарета қиммат, донаси 3 марка турарди.

Тўсатдан Блекманнинг ёдига шаҳар кутубхонасидаги ўқув зали тушиб қолди ва ҳеч иккиланмай ўша ерга йўл олди. Ўқув залига кириб китоб олди-да, варақлай бошлади, аммо бутун ҳаёли чўнтагидаги сигаретада эди. Маълум вақт ўтгач, сигаретани олиб чекмоқчи бўлган эди, орқа томондан аёл кишининг овози эшитилди:

— Жаноб, бу ерда чекиш мумкин эмас.

— Узр хоним,— деди Блекманн сигаретани чўнтагига солиб қўяркан.

«Энди қаерга борсам экан-а», деб ўйлай бошлади чол. Шу пайт бирдан узоқдан паровознинг овози эшитилди. Блекманн қувониб кетди, чунки вокзалдаги кутиш залида ҳам ўтириб сигарета чекиб олиш мумкин. Дарҳол китобни жойига қўйиб вокзалдаги кутиш зали томон жўнади.

Кийим ечиладиган жойда ишлайдиган киши Блекманнга пальтосини кийишда ёрдамлашмоқчи бўлди. Блекманн бўлса кийинаётганда сигарета эзилиб кетмасин, деган мақсадда уни стол устига қўйди.

— Миннатдорман! — деди Блекманга пальтосини кийишда ёрдам берган киши сигаретани қўлига олиб.— Ажойиб сигарет экан. Албатта бўш вақтимда мириқиб чекаман.

У шундай деди-да сигаретани чўнтагига солиб қўйди.

Немисчадан Шуҳратой ИМЯМИНОВА таржимаси

ҒИР-ҒИР ШАБАДА

Бошлиқ янги қишлоқ қурилишини кўришга борди. Машинадан тушиши билан, тинимсиз ҳуштак чалаётган шамол шляпасини учириб ҳамроҳининг юзига урди.

— Шабада экан-ку! — деди бошлиқ.

— Тоғнинг бағри-да, ғир-ғир шабада эсиб туради, — маъқуллади прораб чаққонлик билан шляпани илиб олиб.

Бошлиқ чала-ярим кўтарилган иморатларни кўздан кечирди, сўнг йўл четида чуваланиб ётган қизил алвонни кўриб қовоғини уйди.

— Бу қанақаси, ўзингларни мадҳ этувчи алвон тупроққа қоришиб ётса-ю, виждонларинг қийналмаса!

Прораб шиорни катта тахтага кўчириб ёзиб, қоқиб қўйишни буюрди.

Бошлиқ яна бир келганида аксига олиб тахта плакат «ғир-ғир» шабадада ағнаб синиб ётар эди. Бошлиқни чапақай жаҳли чиқди.

— Наҳотки шундай улкан қурилишда бир тахта тунука топилмаса! Ёки шунчалик шамоли зўрми бу ерни?

— Шамол нима қилади, ўртоқ бошлиқ! Қаранг, қандай ёқимли ел эсаяпти, тоғ тарафдан...— Прораб чанг-тўзондан кўзларини пана қилиб тоғ томонга ишора қилди.

Бошлиқ кетиши билан бир машина тунука, аллақанча темир хода туширилди, иккита пайвандчи уч кун ишлаб баҳайбат панно ясади. Учта бўёқчи бир ҳафта мойга беланиб девдек-девдек ҳарфлар билан шиор ёзди.

Ишнинг боришини кўздан кечиришга келган бошлиқ бу гал ҳатто машинадан ҳам тушмади. Ҳаммаёқ тўзон. Паннонинг у ер-бу ерида бир-иккита тунука варрагининг дардарагидек дариллаб турар, темир ходалар майишиб кетган эди.

— Вой тавба! Қурувчи бўла туриб шуни ҳам эплай олмасаларинг?!.. Нима бало, бўронми бу?

Машина эшигига қапишиб прораб тўрт энлик чанг босган киприкларини гуноҳкорона пирпиратиб:

— Бу бўрон эмас, ўртоқ бошлиқ, — деди, — бўрон саҳрода бўлади-ку! Тоғ бағридан бирам мулойим шабада эсаяптики.

Бошлиқнинг машинаси тўзон орасида кўздан йўқолгач, прораб барча ишчиларни олдига солиб ҳайдаб келди. Машина-машина бетон тўктириб йўл четига узун пойдевор ясатди, устига ҳар бири туядек-туядек келадиган ҳарфларни бетон қоришмадан қуйдирди. Бетон ёзув харсангдек қотиб мағрур қад ростлаганда бошлиқ яна навбатдаги текширувга келди.

Бошлиқ ўтирган машина чироқлари нурида довулга парво қилмай тантанавор кўкрак кериб турган метин ёзув кўринди: КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Қулочга сиғмас ундов белгисига жон-жаҳди билан ёпишиб олган прораб, кўз-у оғзини чирт юмиб турар, аъзойи-танига ўтирган бир қарич тупроқдан худди минг йиллик лой ҳайкалга ўхшар эди.

— Тўфон кўпмиди, нима бало?!— деди бошлиқ ҳайрон бўлиб.

Прорабга жон битди, кўзлари ялтиради, гапириш учун оғзини очган эди, икки лунжи тупроққа тўлди. Лекин шунда ҳам машина ойнасининг тирқишидан «йў... ша...ба..да..эс..» деган чийиллаш эшитилди.

— Биламан, бу ерларда майин шабада эсади,— деди бошлиқ суюниб.— Мана бу ишингга қойилман! Қилса бўлар эканку! Маладес! — сўнг ҳайдовчига қаради.— Қани, машинани бур, орқага қайтамиз!

Кўз очирмаётган тўфон дастидан прораб бошлиқни кетганини пайқамай ҳамон ундов белгисига қапишиб турар, шиор ҳарфлари забт этилмас буюк қоялардек қилт этмас, фақат йўл четидаги янги қишлоқнинг бинолари ағанаб ётар эди...

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ

НИКУЛИН ЛАТИФАЛАРИ

Американиклар Ойга қўнгач, Л. И. Брежнев космонавтларимизни Кремлга чақирипти.

— Американиклар Ойга қўнипти. Уларга тупуриш керак. Шу сабаб сизларни Қуёшга жўнатишга қарор қилдик,— депти.

Космонавтлар ҳаяжонланиб кетишипти:

— Ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёрмиз... Аммо у ёқда биз ёниб кетамиз-ку.

— Нима, сизнингча ҳукумат тепасида аҳмоқлар ўтирилтими? Кечаси учасизлар.

●

Купеда икки йўловчи ўтирипти. Бири иккинчисига узоқ термулди-да, деди:

— Биласизми, агар мўйлов бўлмаганида сиз худди менинг хотинимга ўхшар экансиз.

— Шунақа денг. Лекин менинг мўйловим йўқ-ку.

— Бироқ менинг хотинимда бор-да.

●

Пикассо Лондонга келди. Вокзалда унинг соатини ўғирлашди. Полиция инспектори сўради:

— Кимдандир шубҳангиз борми?

— Ҳа, бир одам менга вагондан тушишимда ёрдамлашгани ёдимда.

— Атоқли рассомсиз. Ўшанинг қиёфасини чизиб беринг бизга.

Пикассонинг чизгилари бўйича Лондоннинг зудлик билан ишловчи полицияси кечқурун уч чол, икки кампир, икки троллейбус ва тўртта кир ювиш машинасини ўғирликда айблаб ушлаб келди.

●

— Ўртоқ милиционер, айтинг-чи, бу кўчада юриш хавфли эмасми?

— Хавфли бўлганда мен юрармидим бу ерда.

●

Поезддаги суҳбатдан:

— Биласизми, менинг хотиним — фаришта!

— Бахтли экансиз, менинг хотиним эса ҳали ҳаёт.

Русчадан таржима

ЭЪЛОНЛАР

СССР Экстрасенслар уюшмасининг аъзоси, кучли биоток соҳибаси

КЛАРАБОНУ
ШИФОЛАШ СЕАНСЛАРИ ЎТКАЗАДИ.

Бош оғриғи, қанд касаллиги, ошқозоқ-ичак касаллиги, асаб, уйқусизлик, қон босими, қўл ва оёқ оғриғи, тери касалликлари билан оғриганлар, ўт пуфаги ва буйрагида тош йиғилганлар, кар, кўзи ожизлар ва бошқа хасталикларга учраган беморлар шифо топишлари мумкин.

Сеанслар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 18.30 дан 22 гача ўтказилади. Манзилимиз: Тошкент, Пушкин кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида.

●

Таниқли врач-психотерапевт Анатолий КАШПИРОВСКИЙнинг Ўзбекистонда бўлгани ҳамда унинг даволаш сеансларида кўплаб беморларнинг шифо топгани ҳаммамизга маълум.

Меҳнаткашларнинг талабларига биноан 1990 йилнинг 10 декабридан бошлаб шаҳардаги «Юбилей» спорт саройида шу усулдаги даволаш сеанслари бошланади.

Уларни жумҳуриятимизнинг кўплаб вилоятларида, қўшни Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистон жумҳуриятларида «Ўзбек Кашпировскийси» номи билан танилган СССР Фанлар академияси Умумий физика илмгоҳининг «Масофавий диагностика» лабораторияси қошидаги ШАРҚ ТАБОБАТИ МАРКАЗИ психотерапевти

Қодиржон ҚОРИЕВ

олиб боради.

Сеанслар 10, 11, 12, 13 декабрь кунлари кеч соат 18.00 да 15, 16 декабрь кунлари эса кундуз соат 16.00 да бошланади. Патталар «Юбилей» спорт саройининг кассаларида сотилмоқда.

Барча дардлардан кушойиш, руҳан бардам бўлай десангиз, шифокор қабулига (даволаш сеансларига) марҳамат қилинг!

ҚОРОНҒУ ДУНЁ БОЛАЛАРИ

«Мен 1978 йили турмушга чиқдим. Бошда жуда ҳам бахтли яшадик. Ҳеч қачон оиламиз бузилади, деб ўйламагандим. Аммо аста-секин ўртамизда келишмовчиликлар юз бера бошлади. Мен қизимизни етим ўсишини асло хоҳламасдим. Афсуски, отаси кўча аёллари орқасидан кетиб қолди. Етти-саккиз йилдан бери онамникида яшайман. Онам олти фарзандни отасиз оқ ювиб, оқ тараф воягa етказганлар. Қайтиб келишим соғлиқларига қаттиқ таъсир қилди. Мен ўзимни мақтаб турмуш ўртоғимни ерга урмоқчи эмасман. Оиламизни бузилмаслиги, боламни кўнгли яримта бўлиб ўсмаслиги учун кўп уриндим. Бироқ, иложи бўлмади, ажралишдик.

Анчадан буён қизимнинг отаси нафақа юбормай қўйди. Сизлардан илтимос, нафақа олишимда ёрдам беринглар. Мабодо хатим газетада чиқадиган бўлса, турар жойим ва исм-фамилиямни ёзманглар. Шикоят қилишни ёмон кўраман, лекин мактуб ёзишга мажбур бўлдим».

Аёл қалби қанчалар меҳрга, садоқатга тўла. Биз буни доимо ҳам ҳис қилавермаймиз. Бу мактубни не чоғли инсофли, не чоғли диёнатли аёл битибди. Унинг кўзларини аччиқ ёшга тўлдириб, юрагини бир парчасини юлиб олиб кетган, ҳам ўзини, ҳам қизини бахтсиз қилган турмуш ўртоғи тўғрисида лоақал биронта ножўя сўз ёзишга қўли бормабди. Одоб билан ёзибди. Бу мактуб орқали дардли қалб туйғуларини ҳис қилиш мумкин. Балки тўрт энли ёзувни ўқиб бундай хулоса чиқариш ноўриндир. Аммо, у йигитни кўп нарса йўқотганини ич-ичимдан сездим.

Қадим замонда бир ҳикоятда шундай воқеа ҳақида ҳикоя қилинади: «Бой-бадавлат бир юртда ногоҳ қурғоқчилик бўлиб очарчилик бошланибди. Тишга босгулик нарса қолмабди. Кишиларнинг очликдан силлалари қуриб бирин-кетин ўла бошлабди. Шунда ўша ернинг оқсоқоли халқни тўплаб, шундай маслаҳат берибди: «Аёллар ўз эрларини сўйиб болаларига едирсин. Токи бизнинг уруғ-аймоғимизнинг буткул қирилиб кетишидан сақласинлар. Гуноҳимизни Оллоҳнинг ўзи кечиради.» Ҳамма рози бўлибди. Аёллар ноилож ўз эрларини сўйиб, болаларига едириб уларни ўлимдан сақлаб қолишибди. Лекин бир эр ўз жонини ширин билиб, оқсоқолнинг айтганининг тескарисини қилибди. Унинг қилмишини билиб қолган элдошлари юртларидан қувиб чиқариб юборибдилар. У чўлларда хор-зор бўлиб ўлибди. Бу ёруғ дунёда биронта зурриёди қолмабди. Ўшандан буён аёллар душманини қарғамоқчи бўлишса, шу одамнинг отини айтиб «фалончидек зурриёдсиз ўтгин» дейишар экан».

Ўз жигаргўшасидан меҳрини дариғ тутган, ҳатто юбориб турган беш-ўн сўм пулини ҳам кўп кўрган отанинг ҳикояда келтирилган кимсадан нима фарқи бор. Чўл узра овга чиққан йиртқич қуш имиллаб бораётган бирон тошбақани ўткир панжалари билан қисиб оладию кўкка кўтарилади. Бечора тошбақа мен ҳам учар эканман-ку, деб ҳайратдан ўзини йўқотиб қўяди. Калхат кўз илғамас баландликка кўтарилгач, одати бўйича панжасидаги ўлжасини қоя тошлар узра ташлаб юборади. Тошдан тошга уриш натижасида косасидан отилиб чиқиб кетган лаҳм гўштни ҳузур қилиб ейди. «Кўча аёллари» ҳам тузоқларига тушган эркакларни ўзлари билан гўё лаззат дунёсига олиб чиқадилар. Бундан ийиб кетган эркакка бу дунёда бошқа ҳузур-ҳаловат йўқдек туюлади наздида. Аммо у пастга, тубанликка қулаётган пайтдагина адашганини сезади. Калхатнинг нияти тошбақани учириш эмас, унинг гўштини ейиш бўлганидек, «кўча аёллари»нинг ҳам нияти эркакка садоқатли йўлдош бўлиш эмас, унинг бор-будини шилиб олишдир.

Холида Долиева йўллаган мактуб ҳам киши юрагини ўртаб юборади. «Мен 1976 йили Андижон шаҳрида туғилганман. Ҳозир Пахтачидаги 31-мактаб-интернатнинг 8-синфида ўқияпман. Мендан кейинги укам шу интернатнинг ёши кичиклар бўлимида. Кенжа укам эса болалар уйида юрибди. Биз жуда қийин аҳволга тушиб қолдик. Ҳар қаёқда овора бўлиб юрибмиз. Сабаби ойим билмасдан жиноий иш қилиб қўйди. Бир болани жаҳл устида итариб юборган эди. У асфальтга йиқилиб тушиб ҳаётдан кўз юмди. 1989 йилда ойимни суд қилишиб, 10 йиллик муҳлат билан озодликдан маҳрум этишди. Ойим ҳатто бизни ҳам урмас эди. Ўшанда аччиқ устида шундай қилган. Ҳурматли редакция ходимлари, бизларга ёрдам берингларр. Ойимиз тезроқ қайтиб келиб уч фарзандини ўз бағрига олсин!»

Холида мактубида отасининг фақатгина туғилган жойинигина ёзибди. Афсуски, у ҳақда бошқа ҳеч нарса демабди. Шундан кўриниб турибдики, улар асосан оналаригагина суяниб, ишониб яшашган. У қамалгач, ини бузилган палапонлардек чорночор ҳар томонга тарқа кетишган. Албатта, билибми, билмайми қилинган жиноят учун ўзига яраша жазо бор. Бу — адолат қонуни. Лекин уч норасиданинг пароканда тақдири, келажаги-чи? Агар уларнинг оилалари бут бўлганида бунчалик қон йиғлаб, саргардон бўлиб юришмас эди. Ногоҳ қоядан кўчган тош йўл-йўлакай парчаланиб, ўзи билан бир неча катта-кичик тошларни қўшиб сойга қулаганидек, оила бузилиши ҳам фақатгина ота-она тақдирига таъсир қилиб қолмай, фарзандлар келажагини-да ўзгартириб юборади. Уларнинг қайтиб қад ростлаши қийин кечади. Ота-оналар фарзандларига не кунларни раво кўришаётганини англаб етишармикан. Ё жоҳиллик устида буни унутиб қўйишармикан?! Ўзлариникига қўшиб жигаргўшалари тақдирини ҳам кемтик қилиб, бир умр қорага бўяб қўйишларини билишмасмикан? Қуйидаги мактубларга эътибор беринг-а!

«Ота деган сўзнинг мазмунига ақлим етаяпти-ю, аммо тилга олганда бутун вужудимга титроқ кирадиган бўлиб қолди. Чунки сиз мендан тониб турган кунларда бутун жисмим билан сизга талпиняпман. Мен кимман ўзи? Сизни дада дейишга ҳаққим борми? Ахир сизнинг 30 ёшдан ошганда пайдо бўлган ўткинчи муҳаббатингиз, пинҳона кайфу сафонгиз, оилангизга, гулдек фарзандларингизга хиёнатингиз мевасиман, холос.» Беҳзод. Косон райони.

«Мен Шаҳрибону Қаршиева 1973 йилда туғилганман. Оилада етти кишимиз. Мени 4 йилдан бери ўз туққан онам кўчага ташлаб қўйди. Сабаби еттинчи синфда ўқиб юрганимда кун бермас эди. Бир нимани баҳона қилиб уриш чиқарарди. Қўл-оёғимни боғлаб урарди. Ейишга нон бермасди, берсаям ўлчаб берарди. 15 ёшимдан, ишла, нонингни ўзинг топиб егин деб уришарди. Охири уйдан чиқиб кетдим.

Ҳозир турли хаёлларга бориб юрибман. Менга Советобод районининг на ижроия қўмитасидагилар, на милисадагилар, на прокуратурадагиларнинг ёрдам бергиси келади. Бариси 4 йилдан бери саргардон қилиб юрибди. Кўчада қолиб кетдим. Кунлаб ҳеч нима тотмай юраман. Ошқозоним, ичим оғрийдиган, ўтирсам, турсам бошим айланадиган бўлиб қолдим. Ноилож чидаб юрибман. Баъзилар ота-онанг борми, деб сўрайди. Ҳа, бор. Аммо уларни ота-она дейишга тилим бормайди. Чунки мени уйга қўйишмаяпти. Бир неча ойдан бери кўчада юрибман. Бу сарсон-саргардончиликдан қутулишнинг наҳотки ўлимдан бошқа йўли бўлмаса? Ҳурматли редакция ходимлари, ёрдам беришингизларни ўтиниб сўрайман.»

Агарда эгнимиздаги кийимнинг тугмаси ногоҳ узилиб ерга тушса, тошу тупроқ ичидан излаб топиб оламиз. Қўзимиз қиймайди. Наҳот совуқ кўчалар бўйлаб тентираб юрган фарзанднинг қадри бир тугмачалик эмас! Балки қизнинг уйидан қувилишини бошқа сабаби бордир. Бироқ фарзанднинг қай йўсинда тарбия олиши аввалом бор ота-онага боғлиқ-ку. У ножўя қадам қўйса ота-она шаъни тўкилади-ку! Фарзанднинг ота-онадан кечишидан, ор қилишидан ортиқ кўргулик бормикан?

Мактублардаги аччиқ кўз ёши томиб турган сатрларни мақолага кўчираяпману кўз олдимга оч-наҳор, саргардон бўлиб юрган фарзандлар келади. Ана, улар қоронғу кўчалар бўйлаб ўз дунёлари билан кетишаяпти. Дунёларида эса хорлик, зўрлик, алдов ҳукмрон. Улар зим-зиёликда адашиб кетмай, ёруғ йўлларини топа олишармикан?

Муталлиб СОДИҚОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Издается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593.

Д 3349. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12